

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ижтимоий-иқтисодий факультет

«Иқтисодиёт» кафедраси

**«МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ»
фанидан**

МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

Бухоро 2014

1-Мавзу. Мутахассисликка кириш фани ва уқитиш жараёнининг баъзи масалалари (2 соат)

Режа:

- 1. Мутахассисликка кириш фани ва унинг вазифалари*
- 2. Олий мактабнинг ўрта мактабга нисбатан ҳусусиятлари.*

1. Мутахассисликка кириш фани ва унинг вазифалари

Ўзбекистон қадимдан юқори даражада тараққий этиб келган деҳқончилик ва шаҳар маданиятининг бешиги бўлиб, у бир неча минг йиллик тарихга эга. Ўлка аҳолиси мазкур ҳудуд учун анъанавий бўлган пахтачилик, ипакчилик, боғдорчилик, узумчилик, поллизчилик билан шуғулланиб келган. Хунармандчиликнинг қатор хиллари ривожланган. Тарихий давр ичида ўзбек авлодлари суғориш ишларини кенг йўлга қўйган эдилар.

Жаҳонда Ал-Хоразмий, Имом ал Бухорий, Аҳмад ал Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Нақшбандий, Амир Темур, Алишер Навоий, Бехбудий, Фитрат, Чўлпон каби номлари дунёга танилган қомусий олимлар, шоирлар, маърифатчилар, лашкарбошиларни этказиб берган ўзбек халқи ўз мамлакатининг мустақил бўлишини орзу қилиб келган эди. Муштоклик билан кутилган ана шу кун келди.

1991 йил Ўзбекистон тарихида янги саҳифа очди, шу йилнинг 1 сентябрида мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилинди. 1992 йил 2 март куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ), Ўзбекистон Республикасининг ўз таркибига кириши тўғрисида қарор қабул қилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон жаҳон тарихида нуфузли бўлган ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди.

Республикаимиз мустақилликка эришгандан кейин таълим тўғрисида қонун қабул қилинди. Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури тасдиқланди. Бу ҳужжат таълим тизимининг барча бўғинларида чуқур ислохотлар асосида давлатимиз сиёсатини устувор йўналишини белгилаб берди. Таълим жараёнининг мазмуни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Бу босқичнинг дастлабки йўналиши “Мутахассисликка кириш” ўқув курсини ўрганишдан бошланади.

Бу курсни ўрганиш жараёнида талаба фақат олий таълим ҳақида умумий тушунчага эга бўлиш билан чегараланмасдан, унинг ўрта таълимдан фарқини яхши тушуниб олиши керак, олий мактабни тузилиши ўқув жараёнининг ташкилий масалалари, тартиб интизом, йўналишлари ҳақида этарли даражада хабардор бўлиши керак. Бу биз ўрганаётган курснинг умумий вазифаси ва йўналишидир.

Курснинг умумий вазифаси олийгоҳ, шарт-шароитига тезроқ мослашиш бунинг учун ҳар бир талаб мақсад сари интилиб, ақлий меҳнат маданиятини тақсимлаштириши, ўз вақтини тежаб ундан мазмунли фойдаланишга ҳаракат қилиши керак.

«Мутахассисликка кириш» курсида талабанинг бўлажак ихтисоси, яъни иқтисодчи касби ҳақида тўлароқ маълумот бериш, талабаларнинг мустақил ишлаш методикаси билан таништириш, илмий тадқиқот ишлари ҳақида маълумот бериш, библиография механизмини тушунтириш кўзда тутилади. Шу билан бирга талабаларнинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилади.

«Мутахассисликка кириш» фанининг предмети ва ўрганиш усуллари.

Ҳар бир фаннинг шаклланиши фаннинг предмети шаклланиши билан биргаликда, унинг илмий билиш усуллари қарор топиши билан ҳам боғлиқ. Ҳар бир фаннинг ўрганиш усуллари умумий тавсифга эга бўлиб, аммо ҳар бир фанни ўрганиш фаннинг предметида келиб чиқади

Фаннинг қуйидаги ўрганиш усуллари мавжуд:

Диалектик усул: индукция, дедукция.

Илмий абстракция;

Таҳлил ва синтез;

Макро ва микроиқтисодий даражада ўрганиш;

Таққослаш;

Статистика ва бошқалар.

Фанни ўрганиш усулларида энг аввало диалектик усулни кўриб чиқамиз. Диалектик усул табиат, жамият ва тафаккур ривожланиши қонуниятларини ўрганишга асосланган. Шунинг учун бу усул барча мавжуд фанларнинг, шу қаторда «Мутахассисликка кириш» фанининг ҳам асосида ётади. Диалектик усулда ривожланиш қуйидан юқорига, билиш эса оддийдан мураккабга томон ривожланади. Диалектика индукция ва дедукция усулларида таркиб топган.

Индукцияда яқка факт олиниб, умумий хулоса чиқарилади. Дедукцияда эса аксинча.

Илмий абстракция. Илмий абстракция усулида мавҳум объект илмга таянган ҳолда ўрганилади ва унинг фақат асосига эътибор қаратилади.

Таҳлил ва синтез. Бу усулда ўрганилаётган объект қисмларга бўлиб ўрганилади ва изчиллик билан таҳлил этилади. Синтез жараёнида объектнинг қисмлари ўрганилиб, умумий хулоса чиқарилади ва бу «натига» деб қаралади.

Макро ва микро (иқтисодий) даражада ўрганиш. Макро даражада ўрганишда назарий масалаларни кенг кўламда, микро даражада эса кичик бир кўламда ўрганиш тушунилади. Макро даражада ўрганиш университет фаолиятидан мисол қилиб, 1-босқичдан то 4-босқичгача бўлган жараёни ўрганиш тушунилади, микро эса фақат 1-босқичдаги ўқув жараёнини ўрганишни айтиб ўтишимиз мумкин.

Таққослаш усулида ўрганилаётган объект даврлар бўйича ёки бошқа бир объект билан таққосланади.

Статистик усулда тадқиқот сонли кўрсаткичларга, жадвал маълумотларига асосланади. Жадвал маълумотларини чизмаларда акс эттириш график усул моҳиятини очиб беради.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарларида ўқитиладиган фан хусусиятлари бўйича устивор вазифалар.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарининг асосий мазмуни ва унда кўрилган масалалар бўйича кенг тасаввур ва билим ҳосил қилиш.

Фан хусусиятлари бўйича устивор вазифалар:

- талабаларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, унинг келиб чиқиш сабаблари, намоён бўлиш шакллари ва таъсир оқибатлари тўғрисида кенг тушунча ва тасаввурлар ҳосил қилиш;

- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистонга таъсири, унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлувчи омиллар тўғрисидаги билимларни шакллантириш;

- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг олдини олиш, унинг таъсир оқибатларини бартараф этишда фаол ва онгли равишда иштирок этиш мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг бурчи эканлигини англаш;

- талабаларда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида эришилган ютуқлар, уларни таъминлаш манбалари, ўзига хос жиҳатлари, муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлар ва жараёнлар динамикасидаги асосий тенденциялар тўғрисида кенг билим ҳосил қилиш;

- мамлакатимиз тараққиётида эришилган ютуқлар мазмун-моҳиятини тушунтириш орқали талабаларда миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғусини янада мустаҳкамлаш;

- мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда мавжуд муаммолар тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш ва уларни ҳал этиш йўллари борасида талабаларни мустақил фикрлашга ўргатиш;

- ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашнинг кўп омилли ҳамда мураккаб жараён эканлигини, унинг зиддиятли жиҳатларини англаш, рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларни теран таҳлил қилиш ва баҳолаш кўникмаларини шакллантириш;

- мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришлар, янгиланишлар ва чуқур ижтимоий-иқтисодий жараёнларга нисбатан талабаларда ўзларининг ҳар томонлама асосланган, объектив, реал нуқтаи-назарлари ҳамда қарашларининг тўғри асосда ишлаб чиқилишига йўналтириш;

- мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари, унинг турли тармоқ ва соҳаларини янада тараққий эттириш имкониятлари, ҳудудларнинг ишга солинмаган ички салоҳиятлари тўғрисида ҳосил қилинган билимларни амалиётда қўллаш борасида дастлабки ўқув-амалий кўникмаларни ҳосил қилиш;

- республикамизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ҳамда улар натижасида рўй бераётган туб ўзгаришларнинг барчаси инсон манфаатларини рўёбга чиқариш мақсадига йўналтирилганлигини англаш, ёшларнинг жамиятимиздаги ўрни ва ролини чуқур хис қилишни таъминлаш асосида ўқувчи ва талабаларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини ошириш.

2. Олий мактабнинг ўрта мактабга нисбатан хусусиятлари.

Олий мактабнинг ўрта мактабга нисбатан фарқини аниқлаш учун дастлаб олий мактабнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш керак. Бу йўналишлар куйидагилардан иборат:

Олий мактабда бериладиган билимлар ҳажмининг ўрта мактабларга нисбатан ҳажми ва мазмуни жиҳатидан устунлиги;

Ўқитиладиган билимларни ихтисослиги;

Назарий билимлар билан амалий билимларни бир-бири билан ўзаро боғланиши ва тўлдириб бориши.

Агарда ўрта мактабда тақдим қилинадиган билимлар бир дарслик ҳажмида бўлса, олий мактабда 5-10 дарслик ҳажмида қўлланма бўлади. Буларнинг ҳар бири чуқур билим олишга хизмат қилади. Иқтисодий масалалар билан боғланган қарор ва тушунтиришга эътибор берилади.

Олий мактабда ёш жиҳатидан юқори бўлган (17 ёшдан юқориси) йигит ва қизлар таълим оладилар. Улар тартиб интизом жиҳатидан шаклланган бўладилар, ота-оналар мажлиси тез-тез чақириб турилмайди.

Ўрта мактабда талабанинг ўзлаштириш даражаси мунтазам текшириб борилади. Олий мактабда рейтинг тизими жорий қилинган. Ўрта мактабда фанлар дарс сифатида ўргатилади. Олий мактабда маъруза ва амалий машғулотлар асосида тушунтиришга аҳамият берилади.

Олий мактабларда талабаларнинг мустақил ишларини амалга оширишга алоҳида аҳамият берилади.

Шундай қилиб, олий таълим ўзининг билим даражаси билан ўрта таълимдан кескин фарқ қилади. Бундай юқори даражада билим бериш учун мустақил ишлашга алоҳида аҳамият берилади.

Ҳозирги даврда фан-техника тараққиётининг ўта ривожланиши ахборот оқимини кескин кўпайишига олиб келди.

Лекин ахборотни қабул қилиш, ўзлаштириш, таҳлил қилиш, баҳолаш, улар асосида хулоса чиқариш учун вақт ниҳоятда чек-ланган. Ахборот олинадиган манбалар турли туман ва хилма-хил. Тараққиёт туфайли улар янада такомиллашиб, янги-янги турлари вужудга келмоқда.

Инсон туғилганидан бошлаб, то умрининг охиригача ахборот қабул қилади ва олинган ахборотга ўз муносабатини билдиради. Инсон томонидан қабул қилинадиган ахборотлар тайёр ёки янги шакллантириладиган билимлардан иборат бўлади.

Биринчи ҳолатда тайёр билимлар ўзлаштирилади. Иккинчи ҳолатда янги билимга эга бўлиш учун интилиш туфайли уларни такомиллаштириш ва

бойитиб бориш жараёни амалга оширилади. Ҳаёт учун кураш, инсоннинг ўз-ўзини сақлаш, ҳимоя қилиш ин-стинкти янги билимлар учун интилишни ҳаётий заруриятга айлан-тиради. Ёшларнинг мавжуд билимларни ўзлаштириш, янги билим-лар учун интилиши, асосан, таълим жараёнида шакллантирилади.

Таълим жараёни-таълим берувчи билан таълим олувчи ўртаси-даги қўйилган мақсад асосида белгиланган билим, кўникма ва та-рбияни таркиб топтиришга йўналтирилган ўзаро мулоқот (таъсир кўрсатиш) жараёнидир.

Таълим мақсади таълим натижаси сифатида ўқувчи эришиши лозим бўлган билим, кўникма, малака, одоб бўлиб, айнан шулар унинг шахсий фазилатларини шакллантиради.

Ахборотларни ўзлаштириш жараёнида қуйидаги билим бос-қичлари иштирок этади.

- Сезги (кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билиш, ҳис қи-лиш, улар инсоннинг кўзи, қулоғи, бурни, тили, териси орқали юз бериб, билишнинг бошланғич воситачилари ҳисобланади). Сезиш ҳали маълумотларни ўзлаштириш деган сўз эмас, бунда сезгилар орқали маълумотлар бир неча хусусиятларига кўра яхлит ҳолатга олиб келинади. Бу–маълумотларни идрок қилиш, дейилади.

- Идрок (маълумотларни ранглар, белгилар, ҳаракат, кўриш, эшитиш, сезиш, ҳис қилиш орқали яхлит тасаввурга олиб келиш).

- Хотира. У механик, образли, қисқа ва узоқ муддатли, их-тиёрий, ихтиёрсиз, тезкор бўлиши мумкин.

- Тафаккур. Инсонни инсон сифатида барча мавжудотлардан алоҳида ажралиб туриши, уни табиатнинг гултожи сифатида эътироф қилиниши ҳам тафаккур билан боғлиқ. У таҳлил қилиш, синтез қилиш, таққослаш, мавҳумлаштириш, умумлаштириш, классификациялаш (туркумларга ажратиш), қарор қабул қилиш кабиларни ўз ичига олади.

- Хаёл, ижодкорлик. Янги тимсоллар, янгиликлар яратиш, ихтиролар қилиш кабилардан иборат.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. «Мутахассисликка кириш» фани нима учун иқтисодий фанлар таркибидан ўрин олган?
2. Фанни ўрганиш усуллари ҳақида тушунча беринг
3. «Мутахассисликка кириш» фани ўз предметини ўрганишда қайси фанлар билан алоқада бўлади?
4. «Мутахассисликка кириш» фанини ўқитиш нима учун керак?
5. «Мутахассисликка кириш» фани нимани ўргатади унинг қандай вазифалари бор?
6. «Мутахассисликка кириш» фанининг мазмунида нималарни ўргатиш мақсади ётади ва унинг мутахассислар тайёрлашдаги роли қандай?

2-Мавзу. 5230100 «Иқтисодиёт» (тармоқлар бўйича) давлат таълим стандартларининг моҳияти ва мазмуни

Режа

1. 5230100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналишининг умумий тавсифи

2. 5230100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар

1. 5230100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналишининг умумий тавсифи

1.1. Йўналиш - Ўзбекистон узлуксиз таълим Давлат таълим стандартлари, Олий таълимнинг Давлат стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига киритилган.

1.2. Таълимнинг кундузги ўқиш шаклида муддати – 4 йил.

Академик даража – «Бакалавр».

1.3 Бакалавр:

- касблар ва лавозимлар миллий классификаторига мувофиқ олий маълумотли шахс эгаллаши лозим бўлган лавозимларда таълимнинг ушбу йўналиши бўйича мустақил фаолият кўрсатишга;

- ушбу таълим йўналиши ҳамда турдош таълим йўналишларининг магистратура мутахассисликлари бўйича олий таълим олишни давом эттиришга;

- қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касбий таълим олишга тайёрланган бўлиши керак.

1.4. 5230100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий фаолияти соҳалари ва объектларининг тавсифи

1.4.1. Йўналишнинг илм-фан ва иқтисодиёт соҳасидаги ўрни.

5230100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) иқтисодий салоҳият ва вазиятларни ўрганадиган иқтисодий фан соҳасидаги йўналиш бўлиб, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мажмуалари ривожланиши, иқтисодиёт тармоқлари ва минтакаларда макро-микроиқтисодий ривожланиш ва уни тартибга солиш механизми ҳамда миллий иқтисодиётни модернизациялаш стратегияси ва йўналишлари мажмуасини ўз ичига олади.

1.4.2. Касбий фаолият объектлари.

5230100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий фаолиятининг объекти бўлиб, иқтисодиёт тармоқлари ва уларнинг таркиби, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мажмуалари, ассоциациялар, коопорациялар, концернлар, холдинглар, ишлаб чиқариш бирлашмалари, фирма ва компаниялар, банклар, хокимиятлар, вазирликлар, бошқармалар, шунингдек, турли мулк шаклидаги корхоналар, илмий тадқиқот муассасалари ва маҳаллий давлат органлари ҳисобланади.

1.4.3. Касбий фаолият турлари.

5230100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши фундаментал, умумкасбий ва махсус тайёрланишларига мувофиқ куйидаги касбий фаолият турларини бажариши мумкин:

- ишлаб чиқариш-иқтисодий: ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳалар фаолиятининг барча бўлинмаларида иқтисодчи, бухгалтер, менеджер, бошқарув лавозимларида фаолият олиб бориш;

- иқтисодий-режали: Республика, вилоят, шаҳар, туман, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мажмуалари бўлинмаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, давлат дастурлари учун тавсиялар, ҳамда башоратлар ишлаб чиқиш;

- иқтисодий-молиявий: иқтисодиётнинг барча тармоқларида иқтисодий кўрсаткичларни ўрганиш ва ҳисоблашни билиш, макроиқтисодий барқарорлик, истеъмол ва инвестиция функциялари, пул бозори ва банк тизими ўрнини аниқлаб бериш, ишлаб чиқариш режалари ва ресурслар харажатлари меъёрларини ишлаб чиқиш, иқтисодий самарадорлик бўйича ҳисоб-китоб олиб бориш ва бошқалар.

1.4.4. Турдош касбларга мослашиш имкониятлари.

5230100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши куйидаги касбий фаолият турлари бўйича ишлашга мослашиши мумкин:

- норматив-услубий: норматив, услубий ва ҳисоб-китоб асослари, баҳо, таҳлил, иқтисодий ва ижтимоий лойиҳаларни экспертиза қилиш;

- лойиҳавий-таҳлилий: лойиҳалар ва таклифларни институционал, иқтисодий ва ижтимоий концепцияларини таҳлил қилиш;

- ташкилий-иқтисодий: техник иқтисодий асослар, ташкилий ва иқтисодий ечимлар таҳлили ва бошқалар.

Бакалавр белгиланган тартибда олий ва ўрта махсус таълимнинг таълим муассасаларида, шунингдек, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида ишлаши мумкин.

1.5. Таълим олишни давом эттириш имкониятлари

5230100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалавр куйидаги:

5A340101 – Иқтисодий назария;

5A340102 – Тармоқлар иқтисодиёти (тармоқлар ва соҳалар бўйича);

5A340103 – Макроиқтисодиёт;

5A340104 – Микроиқтисодиёт;

5A340105 – Минтақавий иқтисодиёт;

5A310106 – Статистика ва иқтисодиётда математика усуллари;

5A340107 – Иқтисодиётда ахборот тизими ва технологиялари;

5A340109 – Аҳолишунослик ва меҳнат иқтисодиёти;

5A 340110– Касб-хунар фанларни ўқитиш методикаси ва тармоқ стандартларига мос равишда магистратуранинг тармоқ мутахассисликлари бўйича ҳамда таълимнинг ваколатли бошқарув органи(лари) томонидан белгиланган, турдош таълим йўналишлари (мутахассисликлари) бўйича икки

йилдан кам бўлмаган муддатда магистратурада ўқишни давом эттириши мумкин.

2. 5230100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар

2.1. Бакалавр тайёргарлигига қўйиладиган умумий малакавий талаблар Бакалавр:

- глобал фикрлаш, касбий маҳорат, компетентлик, зарурий билимлар ва амалий кўникмаларга эга бўлиши;
- Ватан тарихини билиши, руҳан миллий ва умуминсоний қадриятлар бўйича ўз нуқтаи назарини баён этиши ва илмий асослай олиши, миллий истиқлол ғояси асосида фаол ҳаётий ўринни эгаллаши;
- табиат ва жамиятда юз бераётган жараёнлар ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожига ҳақида билимларга эга бўлиши, улардан ҳаётда ва касбий фаолиятда замонавий илмий асосларда фойдалана олиши;
- инсонлар орасида жамиятга, атроф-муҳитга бўлган муносабатини тартибга солувчи ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларни касбий фаолиятда ҳисобга ола билиши;
- хорижий технологияларни ўзлаштириш натижасида ахборотни тўплаш, таҳлил қилиш, сақлаш, уларга ишлов бериш ва унумли фойдаланиш методларини эгаллаши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил фикрлаш ва керакли қарорлар қабул қила олиши;
- бакалавриятнинг мос йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;
- янги билимларни мустақил ўзлаштира олиши, ўзини такомиллаштириши ва ўз меҳнатини илмий асосда ташкил қила билиши;
- соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жисмонан бақувват ва спорт билан шуғулланиб бориш зарурати ҳақида илмий тасаввурга ва эътиқодга эга бўлиши, ўзини жисмонан такомиллаштиришнинг малака ва кўникмаларига эга бўлиши керак.

2.2. Касбий малакавий талаблар.

Бакалавр:

иқтисодий соҳада: иқтисодиёт ва тармоқларининг ривожланиш қонунлари ва қонуниятларини мукамал билиши ва улардан фойдаланишни;

ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш соҳасида: корхона ва ташкилотларда, молия ва банк тизимида, маҳаллий бошқарувда, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг самарали усулларини жорий этишни, етакчилик ва бошқарув кўникмалари устуворлигини таъминлаш ҳамда ривожлантиришни амалга оширишни;

бизнес ва тадбиркорлик соҳасида: турли мулкчилик шаклидаги корхоналарни тузиш ва улар фаолиятини бошқариш, жами талаб ва таклифни ўрганиш, уларни қондириш йўллари билиши зарурлиги, ;

молия-ҳисоб соҳасида: миллий даромад, соф миллий маҳсулот, шахсий даромад ва ихтиёрдаги даромадни молиявий ҳисоб ва таҳлилни ўтказишни, корхоналарда ҳисоб ва ҳисоботларни аниқ олиб боришни, маблағларни қонунчилик доирасида ташкиллаштиришни, ўз вақтида бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий тўловларни амалга оширишни;

илмий соҳада: иқтисодиётда инфляция ва фоиз ставкаларини аниқлаш, жамғариш ва инвестиция моделини ишлаб чиқиш, миллий ишлаб чиқишнинг мувозанат даражасидаги ҳажми ва ўсиш суръатларини аниқлаш, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш ҳамда бошқарув фаолиятини ташкил этиш бўйича намунавий усулларда илмий-амалий тадқиқот ўтказишни;

таълим соҳасида: узлуксиз таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш (ўқув персонали), тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида ўқув машғулотларини ўтиш, замонавий педагогик ва ахборот технологияларни эгаллаш ва тадбиқ этишни билиши керак.

Касбий маҳорат бўйича ўз билими ва кўникмасини эгаллаган лавозимида мустақил фаолият кўрсатиш талаблари ва профессионализмга жавоб бериши керак.

2.3. Таълим дастурлари бўйича билим, малака ва кўникмаларга қўйилган талаблар

2.3.1. Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар бўйича талаблар

Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блоки бўйича талаблар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқлаган ««Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар» блоки бўйича бакалаврлар тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйилган талаблар» асосида белгиланади.

2.3.2. Математик ва табиий-илмий тайёргарлик бўйича талаблар

Математик коммуникатив курс

Бакалавр:

- математика дунёни билишнинг ўзига хос усули, унинг тушунчалари ва тасаввурларининг умумийлиги;

- математик моделлаш;

- информация, уни сақлаш, ишлов бериш ва узатиш методлари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

- математик таҳлил, аналитик геометрия, чизикли алгебра, комплекс ўзгарувчи функцияси назарияси, эҳтимоллик назарияси ва статистик математика, дискрет математиканинг асосий тушунчалари ва методларини;

- табиатшунослик ва техникадаги энг оддий тизимлар ва жараёнларнинг математик моделларини;

- муайян жараёнлар учун эҳтимолий моделларни ва тузилган модель доирасида ҳисобларни олиб боришни;

- турли даражадаги дастурлаш тилларини, маълумотлар базаларини, дастурий таъминот ва дастурлаш технологиясини;
- функционал ва ҳисоблаш масалаларини ечиш моделларини билиши ва улардан фойдалана олиши;
- объектларнинг миқдорий ва сифат нисбатларини ифодалаш учун математик символлардан фойдаланиш;
- моделларнинг иерархик структураси ва олинган натижалар қўлланилиши чегараларини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда моделларни тадқиқ қилиш;
- экспериментал маълумотларга ишлов беришнинг асосий методлари ва усулларидан фойдаланиш;
- алгебрик тенгламаларни аналитик ва сонли ечиш;
- оддий дифференциал тенгламаларни тадқиқ қилиш, уларни аналитик ва сонли ечиш;
- математик физиканинг асосий тенгламаларини аналитик ва сонли ечиш;
- дастурлаш ва ҳисоблаш техникаси ҳамда дастурий таъминот имкониятларидан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиши керак.

Табиий-илмий курс

Бакалавр:

- борлиқ бир бутун физикавий объект ҳақидалиги ва унинг эволюцияси;
- табиий-илмий фанларнинг назарий асосларини;
- ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг қонуният, таъмойил ва омилларини ҳақида;
- халқаро меҳнат тақсимоти ва интеграцион жараёнлар ҳақида;
- Ўзбекистон ва айрим ҳорижий мамлакатларнинг табиати, аҳолиси ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлари ҳақида;
- атроф муҳит, экологик тизим, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан унумли фойдаланиш;
- жаҳон тарихи ва ноосферада инсоният эволюцияси ҳақида;
- бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида Ўзбекистонда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва хўжаликларни ҳудудий ташкил этиш;
- хўжалик субъектларида бозор муносабатлари кўламини шакллантиришда минтақавий иқтисодий ривожланиш хусусиятлари ва уларнинг ривожланишга таъсири;
- жаҳонда, Ўзбекистоннинг айрим минтақалари ва ҳамдўстлик давлатларида юзага келган экологик муаммолар ва уларни ҳолати;
- техника ва технологияларни ривожланишининг атроф муҳитга таъсир этиши шакли ва даражаси ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- ижтимоий районлаштириш ва иқтисодий-географик тадқиқотлар усуллари;
- ижтимоий-экологик-иқтисодий тизимларни шаклланиш жараёнларини;
- ҳудудларни табиий ресурс ва меҳнат ресурслари салоҳиятидан оқилона фойдаланиш йўллари;

- бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон Республикаси ва унга яқин хорижий мамлакатларда ишлаб чиқаришни ҳудудий жойлаштириш ҳамда ҳудудий ташкил этиш характери ҳақида;

-хўжалик юритувчи субъектларда ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиши ва бозор кўламининг шаклланиш хусусиятлари ҳақида;

-моддий ишлаб чиқаришнинг асосий тармоқлари, банк, суғурта ва инвестиция фаолиятини ҳудудий ташкил этиш соҳасидаги жараёнларнинг моҳияти ҳақида;

- техника ва технологияларнинг ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ахборот мониторинги ва бошқариш билан ўзаро алоқаси ҳақида;

-Ўзбекистон Республикаси, мустақил ҳамдўстлик давлатлари ва бутун ер юзида экологик вазиятнинг мураккаблигини билиши ва улардан фойдалана олиши;

- алоҳида мамлакатлар ва минтақалар табиий шароити ва ресурслари, географик ўрнини белгилаш бўйича;

-ижтимоий-статистик маълумотлар йиғиш ва таҳлил қилиш бўйича;

- иқтисодий жihatдан табиий компонентларни тадқиқ этиш бўйича;

- ишлаб чиқариш жараёнларида ва техника объектларида оддий физик, кимёвий ва биологик тизимлар моделларидан фойдаланиш бўйича;

- табиий фанлар турли қисмларига хос бўлган катталиклар сон тартибини ўлчаш ва баҳолаш бўйича кўникмаларга эга бўлиши керак.

2.3.3. Умумқасбий фанлар бўйича талаблар

Умумиқтисодий курс

Бакалавр:

- бозор тузилмалари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари;

- микроиқтисодий ўзгаришларнинг назарий асослари;

- бозор қатнашчилари ва уларнинг фаолиятига таъсир қилувчи омиллар;

- бозор мувозанати ва умумий мувозанатлар;

- ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва ходисаларни миқдорий баҳолаш ва статистик ўзгаришлар;

- статистика назарияси асослари ва статистик кўрсаткичлар;

- чет эл мамлакатлари миллий иқтисодиётининг ривожланиш тажрибаси;

- миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви ва иқтисодиётнинг глобаллашуви;

- меҳнат иқтисодиётининг назарий асослари;

- меҳнат кўрсаткичлари, меҳнат жараёнлари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги;

- инсон ресурслари, уларнинг шаклланиши, улардан самарали фойдаланишда демографик жараёнларнинг таъсири ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

- талаб ва таклиф асосларини;

- номинал ва реал ЯИМ ва даромадларни ҳисоблашни;

- иқтисодий ислохотлар ва унинг устивор йўналишларни;

- ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш корхоналарида турли хил хўжалик операцияларини;

- корхонани истиқболини аниқлашда хориж давлатларида содир бўлаётган сиёсий - иқтисодий жараёнларни мулоҳаза қилиш ва у асосида корхона истиқболини белгилаш;

- жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар ривожланиш тенденцияларини;

- ривожланган мамлакатларда инсон ва капитал ресурсларидан оқилона фойдаланишни;

- макроиқтисодий ҳолатни акс эттирувчи асосий кўрсаткичларни;

- компания, ассоциация, коорпорацияларнинг роли ва аҳамиятини;

- статистик кузатишни ташкил этиш тамойилларини;

- статистик кўрсаткичларни тақдим этишнинг асосий усулларини;

- меҳнат унумдорлиги ва уни ошириш омиллари, резервлари ва асосий йўлларини;

- ходимлар меҳнатини баҳолаш ва иш ҳақини ташкил этиш тизимини билиши ва фойдалана олиши;

- микро-макроиқтисодий ўзгаришлар қонуниятларини таҳлил этиш;

- микро ва макро кўрсаткичларни ҳисоблаш;

- бозор иштирокчиларини иқтисодий фаолиятини таҳлил қилиш;

- ишсизлик ва инфляция даражалари бўйича тадқиқотлар ўтказиш;

- стратегик ва бизнес режаларни тузиш;

- меҳнат кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

- инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш бўйича кўникмаларга эга бўлиши керак.

Бизнес курси

Бакалавр:

- менежмент назарияси ва амалиётининг ривожланиши;

- менежмент қонунлари ва тамойиллари;

- маркетинг назарияси концепцияси ва унинг эволюцияси;

- маркетинг тамойиллари, вазифалари ва функциялари;

- пул функциялари ва унинг муомаласи қонунлари;

- пул - кредит сиёсати ва инструментлари;

- бухгалтерия ҳисобининг усуллари;

- бухгалтерия ҳисобининг усуллари; бухгалтерия балансининг тузилиши;

- хўжалик операциялари таъсирида балансда содир бўладиган ўзгаришлар;

- молиявий бошқарув ва назорат;

- солиқларнинг иқтисодий моҳияти ва хусусиятлари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

- менежер фаолиятини ташкил этиш ва қарор қабул қилишни;

- менежмент самарадорлиги, менежментда низо ва стрессларни бошқаришни;

- товарлар ва хизматлар маркетингини;

- стратегик ва операцион маркетинги;

- банк тизими турлари, операциялари ва функцияларини;

- пул маблағлари ва ташкилотлар ўртасида ҳисоб-китоблар ҳисобини;
- материаллар ҳисоби, уларни туркумлаш ва баҳолашни;
- хўжалик юритувчи субъектлар молиясини;
- солиқлар ва макроиқтисодий кўрсаткичларини узвий боғлиқлигини билиши ва фойдалана олиши;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил қилиш;
- менежмент тизимида етакчилик;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда бошқарув;
- инсон ресурслари менежментини ташкил қилиш;
- ноаниқлик шароитларида бошқарув қарорлари қабул қилиш;
- моддий ва маънавий рағбатлантириш усулларида фойдаланиш;
- кадрларни танлаш ва баҳолаш;
- ҳамкорлар билан музокара юритиш;
- ҳамкорлар билан шартномалар тузиш;
- нарх шакллантириш;
- бозор ҳолати ҳақида ахборот тўплаш, узатиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш бўйича малакага эга бўлиши лозим.

Тармоқ фанлари курси

Бакалавр:

- республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва иқтисодиётни модернизациялашнинг асосий йўналишлари;
- саноат тармоқлари иқтисодиёти;
- инвестицияларни лойихалаштириш ва техник-иқтисодий асослаш тамойиллари;
- агросаноат мажмуи (АСМ) тармоқлари иқтисодиёти;
- бозор ва тадбиркорлик инфратузилмаси;
- корхона иқтисодиёти ташқи ва ички муҳити;
- ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг атроф муҳитга таъсири;
- иқтисодий ўсиш омиллари ва улардан фойдаланиш йўналишлари;
- меҳнат бозори ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизими ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, иқтисодиётни модернизациялаш ва ислоҳатларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларини;
- республиканинг маъмурий-ҳудудий бўлинишини;
- республика иқтисодиётининг тармоқ, минтақавий ва таркибий тузилишини;
- иқтисодиёт тармоқлари ва минтақаларни ривожлантиришнинг устивор йўналишларини;
- иқтисодиёт тармоқлари ва минтақаларнинг инвестицион жозибadorлиги кўрсаткичларини баҳолашни;
- иқтисодий ўсиш омиллари ва кўрсаткичлари таҳлилин;
- меҳнат ресурсларини жойлаштиришнинг қонуниятлари ва тамойилларини;

- меҳнат бозори ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш шакллларини;
- бозор инфратузилмасини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўллари;
- талаб ва таклиф мувозанати таҳлили ҳамда бозор ҳажмини башорат қилишни;
- корхона иқтисодиётини ташкил этиш йўллари;
- корхона иқтисодиётини самарали ривожлантиришнинг ички ва ташқи муҳити омилларини;
- корхона стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш йўллари билиши ва фойдалана олиши;
- иқтисодиётни модернизациялаш, техник ва технологик ривожлантириш йўналишларини баҳолаш;
- республика ва минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг макроиқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш;
- республика ва минтақалардаги ижтимоий- демографик ҳолатни таҳлил қилиш;
- республика ва минтақалар иқтисодиёти тармоқларида товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни таҳлил қилиш;
- республика минтақаларида бозор инфратузилмасини таҳлил қилиш;
- иқтисодий хавфсизлик турларини таснифлаш ва оқибатларини баҳолаш;
- картографик усул ёрдамида республика маъмурий-ҳудудий бўлинишини аниқлаш;
- маҳаллий бюджет даромадларининг шаклланиши ва харажатларининг сарфланиш манбаларини таҳлил қилишга оид масалаларни ечиш;
- инвестиция сиёсатини самарали бошқариш;
- меҳнат бозори ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизими самарадорлигини баҳолаш;
- аҳолини иш билан бандлиги ва турмуш фаровонлигини ошириш кўрсаткичларини таҳлил қилиш;
- товар ва хизматлар ишлаб чиқариш бўйича минтақалар ихтисослашувини аниқлаш;
- корхона иқтисодиётини ривожлантиришга қаратилган аниқ таклифлар ишлаб чиқиш;
- корхоналарда ҳамкорлик музокаралари ва кооперацион алоқаларни ўрнатиш бўйича малакага эга бўлиши лозим.

2.3.4. Ихтисослик фанлари бўйича талаблар:

Ихтисослик фанлари курси

Бакалавр:

- иқтисодий тизимлар ва уларнинг таснифи, хусусиятлари;
- бозор ва бозор иқтисодиёти тушунчалари;
- ахборот асимметрияси, тадбиркорлик ва бизнес хатарлари турлари;

- ҳалқаро бозор ва жаҳон мамлакатларида бизнесни ривожлантириш ҳамда бошқарилиш таснифи, уларнинг ўзига хос хусусиятлари;
- ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг назарий, ташкилий-ҳуқуқий асослари устувор йўналишлари;
- мутахассисларга бўлган талабни аниқлаш услуги;
- халқ ҳўжалиги баланси ва миллий ҳисоблаш тизими тушунчалари, уларнинг таркибий тузилиши ва кўрсаткичлари;
- миллий ҳисоблаш тизимини ҳисобланиш тартиби ва макроиқтисодий кўрсаткичлари;
- қабул қилинаётган янги қонунлар ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг такомиллашуви натижасида лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш учун очилаётган янги имкониятлар;
- ғоялар ва уларнинг таснифи;
- тадбиркорлик ғояси ва уни амалга ошириш босқичлари;
- лойиҳа ғоясининг келиб чиқиши асослари, лойиҳа олди, лойиҳалаш, лойиҳани амалга ошириш босқичларини олдиндан кўра билиш;
- лойиҳанинг иқтисодий, тижорий, экологик, ижтимоий, қиймати ва самарасини институционал ўзгаришлардан олинадиган нафни ҳисоблаш ҳамда баҳолаш;
- ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тушунчаси, йўналишлари асослари кўрсаткичлари;
- иқтисодиётнинг тармоқ, минтақавий ва таркибий тузилиши;
- меҳнат бозори ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тамойили, тизимлари;
- меҳнат ресурсларини бошқариш тамойиллари;
- ижтимоий ривожланиш таркиби, унинг тизимлари;
- миллий иқтисодиётни барқарор ва мутаносиб ривожланиш омиллари ҳамда шарт-шароитлари;
- минтақаларни комплекс ривожлантириш хусусиятлари ва муаммоларни асосий индекаторлари
- радикал инновациялар – жамиятдаги ўзгаришларнинг асосий воситаси эканлиги;
- стратегик режалаштириш услубияти, усуллари ва босқичлари;
- инновацион ананавий ривожланиш моҳияти;
- STEP, ATDA, PEST таҳлиллари;
- барқарор ривожланиш муаммоларини тадқиқ этиш;
- узоқ муддатли стратегик режалаштиришни эҳтиёжга кўра қўллаш;
- миллий иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб ривожлантириш ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- иқтисодий тизимлар ва бозор таснифларини;
- ноаниқлик шароитида ахборот асимметрияси ва тадбиркорлик ҳамда бизнес хатарларни ўлчашни;
- меҳнат унумдорлиги ва самарадорликни;
- иқтисодий танлов қондасини ва муқобил хатарларни;

- бизнес ва тадбиркорликни юритиш, бошқариш тамойилларини;
- иқтисодиётни истиқболли тартибга солиш ва бошқаришни ташкилий-ҳуқуқий, назарий- услубий асосларини;
- иқтисодиётни тартибга солиш турлари, воситалари ҳамда шакиллари ҳуқуқий-меъёрий асосларини;
- лойиҳаларни таҳлил қилишда фойдаланиладиган нормативлар ва улардан қиёсий хулосалар қилишни;
- лойиҳаларнинг муқобил вариантларини таққослаш ва хулосалар қилишни;
- лойиҳаларни самарадорлигини кўрсатиб, исботлаб беришни ҳамда инвестор олдида техник-иқтисодий асосларини ҳимоя қилишни;
- янги лойиҳа ғояларини ярата олиш ва ишлаб чиқишни;
- иқтисодиёт асосини ташкил этувчи тармоқлар таркибини;
- иқтисодиётни тартибга солишда молия-кредит воситаларини;
- иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солинишини;
- иқтисодиётни тартибга солишда бюджет-солиқ сиёсатининг ролини;
- давлатнинг иқтисодиётга максимол ва минимол аралаш чегараларини;
- миллий ҳисоблар тизимини ва унинг асосий таркибий қисимларини;
- турли макро ва микро стратегия амалга оширишни;
- стратегияни табақалаштириш ва уларни устуворини танлашни;
- стратегик режалаштириш жараёнининг асосий босқичларини ва хусусиятларини;
- стратегик таҳлилни амалга ошириш йўналишларини;
- индикатив режалаштиришнинг услубияти ва ҳуқуқий базасини билиши ва улардан фойдалана олиши;
- бозор турларини ажратиш ва таҳлил қилиш;
- эҳтиёжларни қондиришнинг оптимал даражасини аниқлаш;
- фойда ва рентабелликни ҳисоблаш;
- бизнес хатарларини камайтириш ва ўлчаш, баҳолаш йўллари аниқлаш;
- чекланган ресурсларни асраб, улардан оқилона фойдаланиш;
- талаб ва жами таклифни мутаносибликни турли талқинларининг;
- аниқ даврда ҳал этилаётган ижтимоий муаммолар ва иқтисодиёт ҳолати;
- ижтимоий-йўналтирилган бозор иқтисодиёти даврида стратегик режалаштириш роли ва хусусиятлари;
- тайёр лойиҳаларни таҳлил қилиш ва энг самарали вариантини молиялаштиришга тавсия этиш;
- лойиҳаларни техник-иқтисодий ассортиментини ишлаб чиқиш;
- лойиҳаларни корхона ва инвестор нуктаи назаридан баҳолаш;
- лойиҳа олди ҳамда лойиҳалаш босқичларида ўз ҳисоб-китоблари билан тавсия ва таклифлар бериш;
- ресурсларни прогнозлаштириш ва уларни таркиби;

- прогнозлаштириш моделлари ва турлари;
- тармоқни прогнозлаштириш моделлари;
- ижтимоий-иқтисодий ўз-ўзини бошқариш тўғрисидаги қонун;
- прогнозлаштиришнинг самарасини;
- муайян даврда ҳал этилаётган муаммолар ва иқтисодиёт ҳолатининг таҳлили;
- мамлакатнинг юксалиш даражасини тавсифловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш;
- мамлакат интеграция жараёнларини жадаллаштиришда инвестиция сиёсати;
- барқарор ривожланиш стратегиясининг ижтимоий жиҳатлари;
- турмуш даражасини ифодаловчи асосий кўрсаткичларни ҳисоблаш;
- барқарор ва мутаносиб ривожланишни баҳолаш;
- меҳнат муносабатлари соҳаси стратегиялари ва уларни баҳолаш;
- ижтимоий фаолликни ривожлантириш стратегиясини;
- аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилишни яхшилаш;
- ижтимоий-демографик кўрсаткичларни таҳлил қилиш;
- рақобатчилик стратегияларни таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- стратегик бошқариш назариясида эгулувчанлик тамойиллари;
- минтақалар комплекс ривожлантириш дастурларини баҳолаш ва таҳлил қилиш;
- минтақа кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, касаначилик фаолиятини ривожлантириш орқали аҳоли бандлиги, турмуш фаровонлигини ошириш имкониятлари;
- минтақада экспортга йўналтирилган ва импортнинг ўрнини босувчи товар ва хизматлар ишлаб чиқариш тизими таҳлили

бўйича кўникмаларига эга бўлиши керак.

Ихтисослик фанлари бўйича бакалавр:

- ихтисосликка мос соҳаларнинг асосий илмий – назарий, ташкилий-ҳуқуқий муаммолари ва ривожланиш истиқболларини ҳамда уларнинг турдош соҳалар билан ўзаро алоқасини тушунишини;
- ихтисосликнинг муайян соҳаси билан боғлиқ бўлган асосий объектларни, ҳодиса ва жараёнларни билиши, уларни тадқиқ қилиш усулларидан фойдаланишни;
- ўрганилаётган иқтисодий объектларга қўйиладиган ташкилий-иқтисодий талабларни таърифлаб беришни удралаши, уларни амалга оширишнинг мавжуд илмий-амалий воситаларини билиши керак.

Бакалавр ихтисослигига қўйиладиган муайян талаблар ихтисослик ўқув фанлари туркумидан танланган вариантдаги ўқув фанларининг мазмуни бўйича олий таълим муассасаси томонидан ўзгартирилиши мумкин.

2.3.5. Битирув малакавий иши (лойихаси) га қўйиладиган талаблар

Битирув малакавий ишида бакалавр фанларнинг ҳамма туркумлари бўйича билимлар қўлланилишини талаб қиладиган тугалланган касбий вазифани ечади.

Мазкур ишда бакалавр:

- ечилаётган вазифа бўйича масала ҳолатининг шарҳини ва бу масала ҳолатининг таҳлилини бериши керак;
- эришиладиган мақсадни шакллантиради, вазифани ечишнинг турли вариантларини кўриб чиқади ва рационал вариантини аниқлайди;
- рационал вариантнинг услубий, таҳлилий, конструкцион ва иқтисодий ечимини беради;
- вазифа ечими бўйича хулоса ва таклифларни беради ҳамда уларни иқтисодиётнинг мос соҳаларида қўллаш имкониятини аниқлайди.

2.3.6. Малакавий амалиёт бўйича талаблар

Ишлаб чиқариш амалиёти

Бакалавр:

- иқтисодиётни ривожлантириш учун транспорт, иқтисодий ва маданий ресурсларни;
- иқтисодий соҳасидаги қонуний актлар ва нормативларни;
- амалиёт объекти томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ёки кўрсатилаётган хизматларни лойиҳалаштиришни ва уни бозорга етказиш усуллари билиши ва улардан фойдалана олиши;
- иқтисодиётни турли соҳаларида хўжалик юритишнинг илғор шаклларида фойдаланиш;
- макроиқтисодий қонуниятлар ва улардан амалий фаолиятда фойдаланиш;
- шартнома ва келишувлар тузиш кўникмаларига эга бўлиши керак.

Битирув олди амалиёти

Бакалавр:

- ишлаб чиқариш шароитларида тармоқ соҳалари фанлари бўйича назарий ва амалий билимларни;
- ташкилий-иқтисодий босқичларни таҳлил қилишни;
- белгиланган дастур ва танланган мавзу амалиёт объекти билан боғлиқлигини;
- битириув малакавий иши мавзуси учун маълумотлар йиғиш, таҳлил қилишни ва унинг натижасида мулоҳаза ва таклифлар беришни билиши ва фойдалана олиши;
- малакавий амалиёт ҳисоботини тайёрлаш, амалиёт объектга баҳо бериш ва иқтисодий ҳисоботларни таҳлил қила олиш;
- тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш ва маълум хулосалар бериш даражасидаги;
- ишлаб чиқариш амалиёти ҳисоботини мустақил таёрлаш ва химоя қилиш даражасидаги;
- малакавий амалиёт ҳисоботини тайёрлаш, амалиёт объектга баҳо бериш ва иқтисодий ҳисоботларни таҳлил қила олиш бўйича;
- малакавий амалиёт ҳисоботи химояси учун илмий хулосалар ва тавсиялар бера олиш даражасидаги кўникмаларга эга бўлиши керак.

3. Таълим дастурининг мазмуни ва компонентлари

3.1. 5230100–Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларни тайёрлашнинг таълим дастури таълимнинг кундузги шакли бўйича 4 йил ўқишга мўлжалланган бўлиб, қуйидаги вақт тақсимотига эга:

Назарий ва амалий таълим, шу жумладан, оралиқ ва якуний аттестациялар 136 ҳафта

Малакавий амалиёт:

- ишлаб чиқариш малакавий амалиёти

- битирув олди малакавий амалиёти

11 ҳафта

11 ҳафта

Битирув малакавий иши 8 ҳафта

Давлат аттестацияси 2 ҳафта

Таътиллар 36 ҳафта

Жами 204 ҳафта

3.2. Талаба ҳафталик ўқув юкларининг максимал ҳажми 54 соат, шундан аудиториядаги ўқув юкларининг – 28 соатгача, қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

3.3. Жорий, оралиқ ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда таълим дастурининг умумий ҳажми 4 йиллик ўқув даври учун 9072 соатни ташкил этади.

3.4. Таълим дастурини ўзлаштиришда бир қатор масалалар аудитория соати ҳисобига интеграллаштирилган курслар муаммоси бўйича талабаларнинг мустақил таълими кўзда тутилади.

3.5. 5230100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) йўналиши бўйича таълим дастурининг зарурий мазмуни.

3.5.1. Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар

Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блоки фанлари мазмуни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасдиқлаган «Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар» блоки бўйича бакалаврлар тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйилган талаблар» асосида белгиланади.

3.5.2. Математик ва табиий-илмий фанлар

Математик коммуникатив курс

Олий математика:

“Олий математика” курсининг предмети, мақсади ва вазифалари, унинг иқтисодиётда тутган ўрни. Матрицалар ва уларнинг хоссалари. Детерминантлар ва уларнинг асосий хоссалари. Чизиқли тенгламалар системаси. Гуасс усули. Тенгламалар системасини ечишнинг бошқа усуллари. n -ўлчовли ҳақиқий арифметик векторлар фазоси. Векторлар системаси. Чизиқли фазо. Квадратик формалар. Халқаро савдо модели. Аналитик геометриянинг предмети ва вазифалари. Текисликдаги аналитик геометрия. Тўғри чизиқ, айлана, эллипс, гиперболо ва парабола. Иккинчи тартибли эгри чизиқлар. Фазодаги аналитик геометрия. Иккинчи тартибли сиртлар.

Математик анализ элементлари. Тўпламлар ва улар устида амаллар. Сонли кетма – кетликлар ва уларнинг хоссалари, яқинлашувчанлиги. Бир ўзгарувчи функция, унинг берилиш усуллари. Функция лимити. Ажойиб лимитлар. Бир ўзгарувчи функция хосиласи. Хосиланинг механик, геометрия ва иқтисодий талқини. Мураккаб функция хосиласи. Функция экстремумининг зарурий ва етарли шартлари. Кўп ўзгарувчи функция ва унинг хусусий хосилалари. Кўп ўзгарувчи функция экстремуми.

Бошланғич функция ва унинг хоссалари. Аниқ интеграл ва уни ҳисоблаш усуллари. Интегралнинг иқтисодиётдаги татбиқлари.

Дифференциал тенгламалар. Биринчи тартибли дифференциал тенгламалар, ўзгармас коэффициентли юқори тартибли чизиқли тенгламалар. Дифференциал тенгламаларнинг иқтисодиётда қўлланилиши.

Сонли қаторлар ва уларнинг яқинлашиш шартлари. Функционал қаторлар. Даражали қаторлар. Тейлор ва Маклорен қаторлари.

Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика:

“Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика”нинг фан сифатида вужудга келиш босқичлари ва унинг иқтисодий жараёнларда қарор қабул қилишдаги роли. Элементар ҳодисалар фазоси, ҳодиса ва улар устида амаллар. Эҳтимоллар назариясининг аксиоматик қурилиши. Эҳтимол тушунчаси. Эҳтимоллик таърифлари ва хоссалари. Шартли эҳтимол. Ҳодисаларнинг боғлиқмаслиги. Тўла эҳтимоллик формуласи. Байес формуласи.

Боғлиқмас синашлар кетма-кетлиги. Бернулли теоремаси. Пуассон теоремаси. Муавр-Лапласнинг локал ва интеграл теоремалари. Энг катта эҳтимоллик сон. Тасодифий миқдор ҳақида тушунча. Дискрет тасодифий миқдорлар ва уларнинг тақсимот қонунлари (биномиал, геометрик ва Пуассон тақсимот қонунлари). Узлуксиз тасодифий миқдорлар. Тақсимот функция тушунчаси. Зичлик функцияси. Нормал қонуннинг иқтисодиётда қўлланилиши. Кўп ўлчовли тасодифий миқдорлар. Ковариация ва корреляция коэффициенти. Катта сонлар қонуни. Марказий лимит теорема.

Эмпирик тақсимот функция ва унинг хоссалари. Нуқтавий баҳолар, уларнинг асосий хоссалари. Баҳолашнинг классик усуллари. Интервалли баҳолар. Ишончлилик интервали. Статистик гипотезаларни текшириш. Асосий ва альтернатив гипотезалар. Оддий ва мураккаб гипотезалар. Пирсоннинг мослик критерийси.

Регрессион таҳлилнинг асосий масалалари. Чизиқли корреляцион таҳлил. Кўп ўлчовли регрессия. Вақтга боғлиқ тасодифий миқдорлар. Кетма – кетлигининг таҳлили. Вақтга боғлиқ қаторларни башорат қилиш усуллари.

Иқтисодий-математик усуллар ва моделлар:

Иқтисодий-математик усуллар ва моделлар фанининг иқтисодий жараёнларни ўрганишдаги аҳамияти. Иқтисодиётнинг иерархик тузилиши ва иқтисодий жараёнларнинг мураккаблиги. Иқтисодий ресурсларнинг чегараланганлиги ва танлов.

Иқтисодий-математик усуллар ва моделларнинг таснифи. Оптимизацион, баланс, корреляцион-регрессион, матрицали усуллар. Статик, динамик, тренд,

магистрал, чизиқли ва чизиқсиз моделлар. Бозор иқтисодиёти моделлари. Бир ва икки индексли моделлар. Чизиқли дастурлаш усулининг масалалари. Иккиланган масалалар ва уларнинг иқтисодий маъноси.

Тақсимот усуллари. Транспорт масаласи. Иқтисодий субъектлар ўртасида оптимал иқтисодий алоқаларни аниқлаш. Ишлаб чиқариш субъектлари қувватларини оптималлаш. Янги ишлаб чиқариш корхоналарини бозор талаблари асосида жойлаштириш ва ривожлантириш. Оптималлаш моделлари. Чегараланган ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиб, корхоналарнинг бозор талаблари асосида маҳсулот ишлаб чиқаришининг кўп вариантли ечимларини аниқлаш.

Иқтисодий динамика. Иқтисодий жараёнлар ва уларга таъсир этувчи омиллар ўртасидаги боғланишлар. Боғланишлар турлари: тўғри ва тесқари. Корреляция коэффициенти. Регрессия коэффициенти. Иқтисодий таҳлил ва башоратлаш. Ишлаб чиқариш функциялари. Иқтисодий ўсиш моделлари.

Матрицали моделлар. Тармоқлараро баланс моделлари. Тармоқлараро балансда агрегациялаш муаммолари. Бевосита ва тўлиқ харажатлар коэффициенти. Тармоқлараро баланс моделлари ёрдамида пировард маҳсулотлар ҳажмини аниқлаш. Тармоқлараро баланс моделларида меҳнат харажатларини аниқлаш. Соф маҳсулот ва унинг қайта тақсимланиши.

Ўйинлар назарияси. Оммавий хизмат кўрсатиш моделлари. Тўрли моделлар.

Информатика ва ахборот технологиялари:

Ахборот тушунчаси. Ахборот ва маълумотларнинг таснифи ва хусусиятлари. Ахборотларни йиғиш, узатиш, қайта ишлаш ва тақдим этиш жараёнларининг тавсифи. Жамиятни ахборотлаштириш жараёнлари. Ахборотлашган жамият. Ахборот маданияти. Иқтисодиётда ахборот технологиялари фанининг мақсад, вазифалари ва предмети. Ахборот инфраструктураси. Ахборотлаштириш концепцияси ва унинг вазифалари. Ўзбекистон Республикаси ахборотлаштириш дастури ва уни амалга оширишнинг чора-тадбирлари. Ўзбекистон Республикасининг ахборотлаштириш, компьютерлаштириш ва замонавий ахборот технологияларини иқтисодиётга тадбиқ қилиш тўғрисидаги Қонунлари. Юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда фаннинг аҳамияти. Технологиялар. Ахборот технологиялари. Технологияларнинг умумназарий жиҳатлари. Моддий ресурслар: маҳсулот, ахборот маҳсулоти, технология компонентлари Автоматлаштирилган ахборот технологияларининг таснифи. Ахборот тизимининг бутун ҳаётий цикли. Ахборот технологиясининг элементлари. ААТни тадбиқ қилиш усуллари. Компьютер графикаси. Тармоқли ААТ. Интеграллашган ахборот технологиялари. Ахборот фаолияти. Ахборот-коммуникациялар бизнеси иштирокчиларининг ўзаро муносабатлари. Интерактив хизматлар. Ахборот-коммуникациялар бизнесига таъсир қилувчи омиллар. Ахборот маҳсулотлари. Интерактив хизматлар маҳсулотларининг таснифи. Ахборот технологиялари эволюцияси. Механик, электро-механик, электрон давр. Ахборотни тақдим этиш тизимининг ривожланиши. Нутқ, ёзув, китоб. Коммуникация тизимининг ривожланиши. Телеграф, телефон, радио,

телевизор, Интернет, видеоконференция, телеконференция. Ахборот технологияларининг ривожланиш тенденциялари. Глобаллаштириш. Конвергенция. Ташкилотни бошқаришнинг автоматлаштирилган ахборот тизими. Автоматлаштирилган ахборот тизимларининг концептуал ва функционал модели. Автоматлаштирилган ахборот тизимининг тузилиши. Ахборот таъминоти. Техник таъминот. Математик таъминот. Дастурий таъминот. Умумий тизимли дастурий таъминот. Махсус дастурий таъминот. Услубий таъминот ва ташкилий таъминот. Эргономик таъминот. Ҳуқуқий таъминот. Лингвистик таъминот. Ахборот тизимининг функционал қисми. Автоматлаштирилган ахборот тизимининг ҳаётий цикли. Автоматлаштирилган ахборот тизимларини автоматлаштириш даражаси бўйича туркумлаш. Автоматлаштирилган ахборот тизимларини бошқарув жараёни бўйича туркумланиши. Автоматлаштирилган ахборот тизимларининг қўлланилиш ва фаолият кўрсатиш соҳаси бўйича туркумланиши. Бошқарув тизимининг даражаси бўйича автоматлаштирилган ахборот тизимларини туркумланиши. Автоматлаштирилган ўқитиш тизимлари. Сифат даражаси бўйича автоматлаштирилган ахборот тизимларининг синфларга бўлиниши.

Табиий-илмий курс

Иқтисодий география ва экология:

Иқтисодий география ва экологиянинг предмети, тадқиқот усуллари ва вазибалари. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш /ИЧКЖ/ омиллари ва принципларининг тарихан ўзгарувчанлиги ва уларнинг бозор иқтисодиёти шароитида ўзига хос хусусиятлари. ИЧКЖнинг ижтимоий-сиёсий, техника-иқтисодий, табиий ва кўп аспекти омиллари. Дунё сиёсий харитасининг муҳим ўзгаришлари. Дунё мамлакатлари типологик классификацияси. Дунё-айрим гуруҳ мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлари. Дунё аҳолиси географияси. Демографик ва миграцион сиёсат. Жаҳон хўжалиги географияси ва халқаро меҳнат тақсимоли. Дунёнинг регионал таърифи.

Ўзбекистон – янги мустақил давлат, унинг халқаро нуфузининг кенгайиб бориши. Ижтимоий-географик, харбий стратегик, мезо ва макрожайланиш хусусиятлари таҳлили. Ўзбекистон меҳнатва табиий ресурс салоҳиятини иқтисодий баҳолаш. Табиат ресурсларидан ноўрин фойдаланиш экология оқибатлари. Орол муаммоси, янги иқтисодий шароитда атроф муҳитни асраш ва табиатдан фойдаланиш бошқарув тизимини такомиллаштириш. Ўзбекистон демографик сиёсати ва аҳоли бандлиги муаммолари. Ҳозирги босқичда иқтисодий ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари. Хўжаликнинг тармоқ ва ҳудудий тизимларини қайта қуриш, кўп ўқладли иқтисодиётни барпо этиш. Хўжалик юритишнинг бозор механизмларини жорий қилиш. Саноат, қишлоқ хўжалиги, инфраструктура соҳаларининг ривожланиши ва ҳудудий ташкил хусусиятлари. Ўзбекистон табиий иқлим зоналарга бўлиш тамойиллари ва уларнинг иқтисодий-географик таъриф. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши. Чет эл инвестициясининг ўсиб бориши.

Экология фанининг назарий асослари. Биосфера, экологик омиллар ва тизимлар. Табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар. Бозор иқтисодиёти ва табиатдан фойдаланишнинг экологик-иқтисодий асослари.

Табиат компонентларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг экологик-иқтисодий асослари. Минерал хом ашё ресурсларидан самарали фойдаланиш. Аҳоли, экологик адаптация ва экологик хавфсизлик. Геоэкологик муаммолар ва уларнинг ечими. Ўзбекистонда таркиб топган экологик вазиятлар ва экологик хавфсизликни таъминлаш.

3.5.3. Умумқасбий фанлар

Умумиқтисодий курс

Микроиқтисодиёт:

Микроиқтисодиёт фани предмети, вазифалари, тадқиқот услублари, фаннинг базис тушунчалари. Ресурслар чекланганлиги ва иқтисодиётнинг бош муаммоси. Бозор ва бозор иқтисодиёти. Талаб ва таклиф, бозор мувозонати, максимал ва минимал нархлар. Талаб ва таклиф эластиклиги. Эластиклик назариясини амалда қўллаш. Бозор иқтисодиётида истеъмолчи танлови ва унга таъсир қилувчи омиллар. Истеъмолчи танлови масаласи. “Даромад” самараси, “Алмаштириш” самараси. Ишлаб чиқариш назарияси. Чекли унумдорликнинг камайиш қонуни. Ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш. Ишлаб чиқариш функциялари. Фирмаларнинг ташкилий-иқтисодий асослари. Ишлаб чиқариш харажатлари ва фирма фойдаси. Қисқа муддатли ораликда рақобатлашган бозорда фирма харакати, мувозанати, фойдаси ва таклифи. Узок муддатли ораликда фирма ва тармоқ мувозанати. Масштаб самараси. Корхонанинг самарали қуввати. Бозор тузилмалари турлари. Соф монополия, рақобатлашган монополия, монополия шароитида нарх белгилаш. Монополияга қарши қонунчилик, меҳнат бозори, капитал бозори ва ер бозори, иқтисодий рента. Умумий мувозанатлик. Ноаниқлик шароитида қарор қабул қилиш. Таваккалчилик ва уни пасайтириш йўллари. Ташқи самара, Кауза теоремаси ва унинг аҳамияти. Бозор иқтисодиётини бошқаришда давлатнинг роли.

Статистика:

Статистика предмети ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Оммавий ҳодиса, унинг муҳим белгилари. Статистика методи. Статистик тадқиқот ва унинг босқичлари. Ҳозирги замон Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси ва халқаро статистика.

Статистик кузатиш моҳияти ва аҳамияти. Статистик кузатишни ташкил этиш тамойиллари. Статистик сводкалаш ва гуруҳлаш, унинг мазмуни, аҳамияти ва вазифалари. Гуруҳлаш турлари. Статистик кўрсаткич турлари ва таснифи. Статистик кўрсаткичларни тақдим этишнинг асосий усуллари. Умумлаштирувчи кўрсаткичлар тизими. Мутлақ ва нисбий кўрсаткичлар. Мутлақ кўрсаткич турлари. Нисбий кўрсаткичлар, уларнинг мазмуни ва ифодалаш шакллари. Статистик жадваллар. Статистик маълумотларни графикларда тасвирлаш. Диаграммалар.

Ўртача миқдор турлари ва шакллари. Арифметик ўртача: оддий ва тортилган шакллари. Геометрик ўртачанинг хоссалари. Квадратик ва кубик ўртача миқдорлар ҳамда уларни қўллаш масалалари. Даражали ўртача.

Вариация моҳияти ва уни статистик ўрганиш зарурияти. Вариация кўрсаткичлари. Асимметрия коэффиценти ва уни аниқлаш тартиби. Таксимот эксцесси, унинг моҳияти ва даражасини миқдорий баҳолашнинг аҳамияти.

Танланма кузатиш, унинг мазмуни, қўлланиш сабаблари ва афзалликлари. Танланма репрезентативлигини таъминловчи танлаш усуллари.

Корреляцион-регрессион усуллари қўллаш шарт-шароитлари. Жуфт корреляция. Жуфт регрессия тенгламасини тузиш тартиби. Жуфт корреляция коэффициенти ва уни талқини. Детерминация коэффициенти ва уни талқин этиш.

Динамика қаторларининг турлари. Қатор ўртача даражаси ва ўртача динамикаси суратини аниқлаш усуллари. Динамика қаторларида асрий тенденциялар, мавсумий ва конъюнктуравий тебранишлар, уларни ўрганиш зарурияти. Динамика қатори даражаларини интерполяциялаш ва экстраполяциялаш.

Иқтисодий индексларни моҳияти, аҳамияти ва роли. Агрегат индекслар, уларнинг синтетик ва аналитик функциялари. Жорий ва базис вазнли индекслар, уларнинг хусусиятлари. Статистика амалиётида қўлланиладиган иқтисодий индекслар. ЯИМ дефлятори ва жисмоний ҳажм индекси. Истеъмол баҳолари индексини тузиш тартиби.

Миллий ҳисобламалар тизими (МҲТ) - макроиқтисодий статистиканинг асосий услуги. МҲТ моҳияти, аҳамияти ва функциялари. МҲТ нинг асосий категориялари ва тушунчалари. МҲТни асосий ҳисобламалари ва уларнинг кўрсаткичлари.

Макроиқтисодиёт:

Макроиқтисодиёт тушунчаси, ресурслар, товарлар ва хизматлар ҳамда даромадларнинг доиравий айланиши. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва уларни ҳисоблаш: Макроиқтисодий ҳолатни акс эттирувчи асосий кўрсаткичлар. Иқтисодий даврлар ва иқтисодий тебранишларнинг сабаблари. Меҳнат бозорида мувозанат механизми. Ишсизликнинг иқтисодий оқибатлари. А. Оукен қонуни. Инфляциянинг моҳияти, турлари ва ҳисобланиш усуллари. Инфляция ва ишсизлик ўртасидаги боғлиқлик. Филлипс эгри чизиғи. Истеъмол ва инвестиция функциялари. Истеъмол ва жамғариш, уларнинг графиклари. Истеъмол ва жамғаришга чегараланган мойиллик. Акселератор модели. AD - AS модели. Классик иқтисодчиларнинг иқтисодий мувозанат назарияси хусусиятлари. Кейнснинг макроиқтисодий мувозанат назарияси асослари. Ҳақиқий ва режалаштирилган харажатлар. «Кейнс хочи». Ишлаб чиқариш ҳажмининг мувозанат даражасига эришиш механизми. Автоном харажатлар мультипликатори. Пул агрегатлари. Пулга талабнинг классик назарияси. Пулга талабнинг кейнсча назарияси. Банк ва пул мультипликатори. Пул таклифининг кенгайтирилган модели. Бозор иқтисодиётида давлатнинг роли: Давлатнинг бозор иқтисодиёти ривожланишига аралашуви зарурлиги. Давлатнинг иқтисодий функциялари. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш воситалари. Ресурсларни қайта тақсимлаш ва барқарорлаштириш сиёсати. Фискал сиёсат. Пул-кредит сиёсати. Пул-кредит ва фискал сиёсатнинг ўзаро боғлиқлиги. IS-LM модели. IS - LM моделининг моҳияти ва AD-AS модели билан боғлиқлиги. Иқтисодий ўсиш ўлчови. Иқтисодий ўсишнинг Домар модели. Иқтисодий ўсишнинг Р. Харрод модели. Р.Солоунинг неоклассик модели асослари. Халқаро савдо назарияси. Ташқи савдо сиёсати. Тўлов

баланси. Валюта курси. Ўзбекистон Республикаси валюта сиёсатининг узига хос хусусиятлари ва натижалари.

Меҳнат иқтисодиёти ва аҳолишунослик:

Фаннинг предмети, мазмуни ва асосий вазифалари. Меҳнат фаолиятини ташкил этиш. Меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва улардан фойдаланиш. Аҳолини иш билан таъминлаш ва ишсизлик. Меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланиши. Аҳолининг турмуш даражаси ва даромадлари. Иш ҳақи тизими. Рағбатлантирувчи тизимлар, иш ҳақига қўшимчалар ва устамалар, мукофотлаш тизими. Хорижда иш ҳақини ташкил этиш ва тартибга солиш. Меҳнат унумдорлигининг омиллари ва фойдаланилмаган имкониятлари (резервлари). Меҳнат унумдорлигини таҳлил қилиш. Корхонада иш ҳақи жамғармасини таҳлил этиш. Корхонанинг меҳнат ресурслари билан таъминланишини таҳлил қилиш. Глобаллашув жараёнида аҳолишунослик муаммолари. Аҳолишуносликка оид маълумотлар ва улар билан ишлаш. Демографик жараёнлар. Аҳолининг миқдор жиҳатдан ўзгариши. Аҳоли таркиби ва уни ўрганиш усуллари. Туғилиш ва аҳолининг табиий кўпайиши. Ўлим ва аҳолининг ўртача умр узунлиги. Никоҳ ва ажралишларнинг ижтимоий, иқтисодий ва социологик моҳияти. Аҳоли миграцияси ва урбанизацияси. Аҳолининг миграцион ҳаракати. Миграция оқимлари ва аҳолишунослик муаммолари. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг асосий йўналишлари. Аҳолининг кам таъминланган қисмини манзилли ижтимоий муҳофаза қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш йўллари. Ишсизларни ижтимоий муҳофаза қилиш механизмлари. Нафақахўрларни ижтимоий муҳофаза қилиш тизимлари. Талабаларни ижтимоий муҳофазалаш тадбирлари. Ўзбекистоннинг демографик муаммолари. Ўзбекистон аҳолиси. Ўзбекистон ҳудудлари бўйлаб аҳолининг жойлашуви.

Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар:

Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар: асосий кўринишлари ва хусусиятлари. Халқаро меҳнат тақсимоти. Халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида халқаро савдо. Халқаро капитал миграцияси. Эркин иқтисодий ҳудудлар. Халқаро ишчи кучи миграцияси. Халқаро валюта-кредит муносабатлари. Ривожланган мамлакатлар - халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида. Халқаро иқтисодий интеграция ва унинг миллий хўжаликлар ривожланишига таъсири. Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдоси ва уни тартибга солиш механизмлари. Жаҳон иқтисодиётининг моҳияти. Жаҳон хўжалигида давлатларнинг асосий гуруҳлари. Халқаро меҳнат тақсимоти ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар. Халқаро савдо концепциялари: меркантилизм, мутлақ устунлик, нисбий устунлик, Хекшер-Олин назариялари, Леонъев парадокси. Халқаро савдонинг жуғрофий ва товар таркиби. Капитал чиқаришнинг сабаби, моҳияти ва асосий шакллари. ЭИХнинг шакллари ва хусусиятлари. Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий ташкилотларда ва интеграцион жараёнларда қатнашиши.

Бизнес курс

Менежмент:

«Менежмент» фанининг предмети, мазмуни ва вазифалари. Менежмент назарияси ва амалиётининг ривожланиши. Менежментга тизимли-вазиятли ёндашув. Менежмент қонунлари ва тамойиллари. Менежмент функциялари, менежментда иқтисодий бошқаришнинг ташкилий тузилиши. Менежмент тизимида тадбиркорлик ва бизнес. Менежмент усуллари. Менежментда ахборот ва коммуникация. Менежментда қарор қабул қилиш. Менежер фаолиятини ташкил этиш. Менежмент маданияти ва услублари. Маркетинг менежменти. Ижтимоий менежмент. Ҳуқуқий менежмент. Менежмент самарадорлиги. Менежментда низо ва стрессларни бошқариш. Ижтимоий бошқарув. Давлат менежменти, ҳудудий менежмент ва бошқа масалалар.

Маркетинг:

Маркетинг тушунчаси ва унинг моҳияти. Маркетингни вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари. Маркетинг назарияси концепцияси ва унинг эволюцияси. Замонавий маркетинг тушунчаси. Маркетинг тамойиллари, вазифалари ва функциялари. Маркетинг фаолиятини ахборот билан таъминлаш. Ахборот турлари ва уларни туркумлаш. Ички ва ташқи ахборот. Бирламчи ва иккиламчи ахборот. Ахборот тўплаш услублари. Маркетингнинг таркибий тузилиши. Тармоқ маркетинги. Товарлар ва хизматлар маркетинги. Ишлаб чиқариш воситалари маркетинги. Микромаркетинг ва макромаркетинг. Халқаро маркетинг. Маркетинг дастури ва унинг асосий бўлимлари. Маркетингда стратегик ва тактик режалаштириш, унинг мақсади ва вазифалари. Маркетинг назорати турлари. Бозор конъюктурасини тадқиқ этиш ва башорат қилиш. Бозор сегментацияси ва унинг турлари. Бозорни сегментлашнинг асосий тамойиллари. Маркетингда товар ва товар сиёсати. Товарлар рақобатбардошлигини баҳолаш услублари. Товарларнинг ҳаётийлик даври ва уларнинг асосий бўғинлари. Маркетингда нарх ва нарх сиёсати. Нархни таҳлил этиш ва башорат қилиш услублари. Нарх даражасини ҳисоблаш услублари. Товарларнинг “ҳаётийлик даври” мобайнида нархларнинг ўзгариши. Маркетингда сотиш сиёсати. Чакана савдо, улгуржи савдо. Воситачини танлаш. Тақсимот каналлари. Сотининг янги турлари ва шакллари. Маркетингда коммуникация сиёсати, унинг моҳияти, мазмуни ва мақсади. Талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантириш. Маркетинг коммуникацияси комплекси.

Пул, кредит ва банклар:

Пулнинг асосий хусусиятлари ва уларнинг такрор ишлаб чиқаришдаги ўрни. Пулнинг функциялари. Пул муомаласи қонунлари. Кредит пуллар ва уларнинг замонавий шакллари. Пул тизими тушунчаси, унинг элементлари ва турлари. Пул агрегатлари. Пул назариялари. Пулнинг металл назарияси. Пулнинг номинал назарияси. Пулнинг миқдорий назарияси. Замонавий монетаризм. Судда капитали ва кредитнинг иқтисодий асослари. Кредит функциялари, шакллари ва турлари. Кредит тизими: моҳияти, тузилиши, турлари. Кредит назариясининг асосий йўналишлари. Молия: моҳияти ва функциялари. Молия тизими ва унинг бўғинлари. Давлат бюджети тизими, функциялари ва тузилиши. Корхона молиясини ташкил қилиш асослари. Солиқлар ва солиқ тизими. Банк тизими турлари, операциялари ва

функциялари. Марказий банк. Пул - кредит сиёсати ва инструментлари. Инфляция: моҳияти, пайдо бўлиш шакллари. Инфляция турлари. Пул ислохатлари. Қимматли қоғозлар: умумий тушунчаси ва турлари. Қимматли қоғозлар бозори. Фонд биржалари ва уларнинг функциялари. “Тошкент РФБ” ва унинг функциялари. Валюта муносабатлари ва валюта тизими. Ҳалқаро ҳисоб-китоблар. Ҳалқаро кредитлар. Тўлов баланси. Суғурта: иқтисодий моҳияти, функциялари, шакллари. Ўзбекистон Республикаси суғурта қонунчилиги.

Молиявий ва бошқарув ҳисоби:

Хўжалик ҳисоби тўғрисида тушунча. Хўжалик ҳисобининг турлари. Бухгалтерия ҳисобининг предмети ва вазифалари. Бухгалтерия ҳисобининг усуллари. Бухгалтерия балансининг тузилиши. Хўжалик операциялари таъсирида балансда содир бўладиган ўзгаришлар. Пул маблағлари ва ташкилотлар ўртасида ҳисоб-китоблар ҳисоби. Касса операцияларининг ҳисоби. Банкдаги ҳисоб-китоб, валюта счёти ва махсус счёتلарнинг ҳисоби; материаллар ҳисоби, уларни туркумлаш ва баҳолаш. Материалларни ўртача баҳода, ФИФО, ЛИФО усулларда баҳолаб сарфлаш ҳисоби. Асосий воситаларни туркумлаш ва баҳолаш тартиби. Асосий воситаларнинг ҳаракатини ҳисобга олиш. Асосий воситаларнинг синтетик ҳисоби. Асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш тартиби ва усуллари. Асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари ҳисоби. Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш ҳисоби. Номоддий активлар ҳисоби. Номоддий активларни баҳолаш. Номоддий активларнинг аналитик ва синтетик ҳисоби. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг шакллари ва турлари. Меҳнат ва иш ҳақини дастлабки ҳужжатларда расмийлаштириш. Иш ҳақидан ушлаб қолинадиган ва чегириладиган суммалар ҳисоби. Меҳнат таътили заҳиралари ва тўловлари ҳисоби. Узок муддатли молиявий кўйилмалар ҳисоби. Узок муддатли молиявий кўйилмалар ҳисоби. Бошқарув ҳисобининг предмети ва методи. Бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг вариантлари. Харажатларни туркумлаш. Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархига кўшиладиган харажатлар ва уларни тақсимлаш. Маҳсулот таннархи таркиби ва турлари. жараёнли, бўлинмали, буюртмали таннарх ҳисоблаш усуллари. Ҳақиқий ва норматив усуллар бўйича харажатлар ҳисоби ва таннархни ҳисоблаш. «Стандарт кост» ва «Директ костинг» усуллари. Бошқарув ҳисоби тизимида режалаштириш. Ишлаб чиқариш зарарсизлигини таҳлил этиш. Сотиладиган маҳсулот (товарлар) ассортиментини режалаштириш. Баҳони шакллантириш. Трансферт баҳони шакллантириш ва сегментар ҳисобот. Тайёр маҳсулотлар ҳисоби. Маҳсулотни сотишда баҳо ўрнатиш тартиби. Маҳсулот сотишни ҳисобга олиш. Капитал, унинг таркиби (устав, кўшилган, резерв). Капитал ҳаракатини ҳисобга олиш. Молиявий натижаларни аниқлаш ҳисоби. Асосий фаолиятдан олинган молиявий натижалар ҳисоби. Умумхўжалик фаолиятдан олинган молиявий натижалар ҳисоби. Солиқ тўлагунга қадар фойдани аниқлаш ҳисоби. Соф фойдани аниқлаш ва тақсимлаш ҳисоби. Фойда ва зарарлар ҳисобини юритиш тартиби. Молиявий ҳисобот ва унинг таркиби, бухгалтерия баланси. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот. Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот. Асосий воситалар ҳаракати

тўғрисидаги ҳисобот. Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот. Молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар. Молиявий ҳисобот маълумотлари ва унга аудиторлар ҳулосасининг зарурлиги.

Молия ва солиқлар:

Молиянинг умумий назариясига кириш. Молиявий бошқарув. Молиявий назорат. Молиявий бозорлар ва молиявий институтлар. Божхона дарормадлари. Хўжалик юритувчи субъектлар молияси. Бюджет ва бюджет тизими. Бюджет жараёни. Бюджетлараро муносабатлар. Давлат кредити. Бюджетдан ташқари фондлар. Корпоратив молия. Суғурта бозори. Уй хўжалик молияси. Халқаро молия. Солиқ муносабатларининг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари. Солиқларнинг иқтисодий моҳияти ва хусусиятлари. Солиққа тортиш тамойиллари. Солиқ назариясининг элементлари. Солиқ сиёсати ва унинг асосий йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг назарий асослари. Солиқлар ва макроиқтисодий ҳолатнинг узвий боғлиқлиги.

Иқтисодий таҳлил ва аудит:

Иқтисодий таҳлилнинг объекти ва предмети. Иқтисодий таҳлилнинг асосий вазифалари. Иқтисодий таҳлилда фойдаланилувчи кўрсаткичлар тизими ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш таҳлили. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотишни тавсифловчи асосий кўрсаткичлар. Маҳсулот ишлаб чиқариш меъёрийлигининг таҳлили. Таннархни пасайтириш омиллари таҳлили. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш таҳлили. Меҳнат ресурслари таркиби ва тузилиши. Меҳнат ресурслари билан таъминланганлиги таҳлили. Меҳнат омилларининг маҳсулот ҳажмига таъсири ва уларни ҳисоблашнинг турли усуллари. Асосий воситалар таҳлили. Асосий воситалар эскириши бўйича кўрсаткичлар таҳлили. Асосий фондлар таркиби ва динамикаси таҳлили. Асосий фондлардан самарали фойдаланиш таҳлили. Аудитнинг турлари. аудит ва тафтиш. аудитор ва мижоз ўртасидаги ўзаро алоқалар. Аудиторлик ташкилотлари томонидан мижозларни танлаб олиш. Аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида шартнома. Аудиторнинг мижоз олдидаги мажбурият хати. Аудитни режалаштириш. Аудитнинг умумий режаси ва дастурини тайёрлаш. Аудитда жиддийликни аниқлаш. Аудиторлик таваккалчилиги ва ички назорат тизимини баҳолаш. Аудитда эксперт хизматидан фойдаланиш. Аудит натижаларини баҳолаш. Аудиторлик ҳисоботи ва уни тузиш тартиби. Аудиторлик ҳулосаси ва уни тузиш тартиби.

Тармоқ ва соҳа фанлари курси

Миллий иқтисодиёт:

Миллий иқтисодиётнинг ўлчов хусусиятлари. Миллий бойлик – давлат қудратини белгиловчи кўрсаткич. Илмий техника тараққиёти ва унинг иқтисодиётдаги роли. Макроиқтисодий вазият ва унинг асосий йўналишлари. Янги хўжалик юритиш шароитида моддий ишлаб чиқариш мажмуи. Агросаноат мажмуининг юксалиш йўллари. Давлатнинг инвестиция сиёсати. Республика қурилиш мажмуаси. Бошқарув тизимини такомиллаштириш йўллари. Иқтисодиётни бошқаришда солиқлар. Республикада бозор инфратузилмасининг асосий йўналишлари. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш. Давлат сиёсатида ижтимоий мажмуа. Меҳнат бозорини тартибга солиш ва аҳолининг

иш билан бандлиги муаммолари. Миллий иқтисодиёт ривожланишининг макроиқтисодий дарстурларини тузиш. Стратегик режалаштириш ва ҳудудий иқтисодиётнинг муаммолари. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш. Ташқи иқтисодий сиёсат асослари. Миллий иқтисодиётнинг марказий Осиё мустақил давлатлари трансформацияси. Жаҳон иқтисодиётига интеграция йўллари. Глобаллашув ва жаҳон бозори.

Институционал иқтисодиёт:

Институционал назариялар пайдо бўлиши ва ривожланиши. Институционал иқтисодиёт предмети ва тамойиллари. “Эски” ва “янги” институционализм. Меъёр ва институтлар. Ўйинлар назарияси ва ўзаро ҳаракатларни моделлаштириш. Режа ва бозор институтлари. Трансакциялар ва трансакцион харажатлар. Трансакция харажатлари турлари ва уларни камайтириш воситалари. Ташқи самаралар ва мулкчиликнинг муқобил шакллари. Мулкчилик шакллариининг таснифланиш белгилари. Мулк шакллариининг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятлари. Хуфёна иқтисодиёт. Хуфёна фаолиятнинг келиб чиқиши сабаблари. Институтларнинг ривожланиши. Институтлар фаолиятининг расмий ва норасмий қоидалари. Институционал ислоҳотлар. Ислоҳотларнинг бош мақсади, вазифалари ва ҳуқуқий асослари. Шартнома (контракт) назарияси. Шартнома доирасида «бююртмачи» ва «бажарувчи» муносабатлари ва улар ўртасидаги чегаралар. Бозор ва фирма институтлари. Корпоратив тузилмалар ва улар ривожланиши истиқболлари. Ташкилий тузилмалар таҳлили. Давлатнинг янги институционал назарияси. Давлатнинг ташкилот сифатида функциялари ва вазифалари. Уй хўжаликлари ва унинг турлари. Уй хўжалиги таърифи, унинг ўзига хос хусусиятлари. Ривожланишнинг институционал назарияси ва инновация турлари.

Минтақавий иқтисодиёт:

Минтақавий иқтисодиёт фанининг бошқа фанлар билан алоқалари. Минтақавий тадқиқотларнинг услублари. Минерал-хом ашё ресурслари тушунчаси. мазмуни ва уларнинг ҳудудий жойлашуви ҳамда унинг иқтисолиётда тутган ўрни. Бозор иқтисодиёти шароитида минерал-хом ашё базасини мустаҳкамлаш. Ўзбекистон маъмурий-ҳудудий бўлинишининг ҳозирги ҳолати. Ҳудудий ва маҳаллий ҳокимият органларини ислоҳ қилиш йўллари. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш бўйича хорижий назариялар, қонуниятлар ва тамойиллар. Ўзбекистон минтақаларининг демографик ҳолати. Меҳнат бозорининг ривожланиши ва уни тартибга солиш. «Ижтимоий сиёсат» тушунчаси, ижтимоий сиёсатнинг хусусияти, аҳамияти, асослари ва такомиллаштириш зарурияти. Чет мамлакатларда ижтимоий муҳофаза. Республика иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилганлиги. Давлат бюджетидан ижтимоий эҳтиёжлар учун йўналтирилган сарф-харажатлар. Ижтимоий сиёсат муаммолари ва истиқболлари. Саноат тармоқлари ва уларнинг ривожланиш кўрсаткичлари. Стратегик аҳамиятга эга тармоқларнинг миллий иқтисодиётдаги ўрни. Ўзбекистоннинг нефть мустақиллиги асослари. Агросаноат мажмуини ривожлантириш асослари, муаммолари ва устуворликлари.

Фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг минтақавий хусусиятлари. Фермерлик ҳаракати ва унинг имкониятлари. Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш йўллари. Фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўллари. Транспортнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти ва унинг таркиби. Темир йўл ва автомобиль, ҳаво, сув ва қувур транспорти. Давлат ҳокимиятининг турли поғоналари ўртасида ваколатларни тақсимлашнинг вазифалари ва тамойиллари. Республика, минтақавий ва маҳаллий бошқарув органлари ўртасида ваколатларни тақсимлаш жараёнининг ҳозирги ҳолати ва самарадорлигини ошириш йўллари. Минтақавий иқтисодий сиёсатнинг моҳияти ва вазифалари. Минтақавий иқтисодий сиёсат бўйича хорижий тажрибалар. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон минтақавий сиёсатининг асосий йўналишлари. Худудий молиянинг моҳияти ва таркиби. Маҳаллий бюджет - маҳаллий бошқарув органлари асосий молиявий манбасидир. Мол - мулк солиғининг маҳаллий бюджетдаги роли. Пахта комплексининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш. Минтақаларда тайёр маҳсулот экспортини кўпайтириш йўллари. Ҳамкорликка асосланган сиёсат. Хитой – стратегик шерик ва йирик ҳамкор. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти – хавфсизлик ва ҳамкорлик гарови. Худудлар иқтисодий ривожланишини тартибга солишнинг мақсад ва воситалари. Худудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг назарий ва услубий асослари. Худудлар иқтисодиётини ривожлантиришнинг инновацион шарт-шароитлари.

3.5.4.Иқтисослик фанлари

Бозор иқтисодиёти ва бизнес асослари:

Ўзбекистоннинг бозор тарихи, тушунчаси ва унинг вазифалари. Бозорнинг турлари. Ресурсларнинг камёблиги. Эҳтиёжларни қондиришнинг оптимал даражаси. Иқтисодий фаолият турлари, механизми ва танлов қоидаси. Иқтисодий тизимлар. Бозор иқтисодиётининг белгилари, турлари ва ўтиш йўллари. Монополия, аксмонополия сиёсати, мулк шакллари ва бозорнинг асосий моделлари. Давлат мулкани хусусийлаштириш. Молия ва унинг асослари. Бизнес ва тадбиркорлик тамойиллари. Фирмаларнинг шакллари. Бизнесда соф харажатларнинг турлари, меъёрий харажатлар, фойда ва рентабеллик. Инвестиция фаолияти, иқтисодий барқарорликда бизнеснинг ўрни ва истиқболи.

Иқтисодий цикллار ва иқтисодий ўсиш. Халқаро меҳнат бозори. Ишчи кучининг халқаро миграцияси ва унга таъсир этувчи омиллар. Инфляция муаммоси, бюджет-солиқ сиёсати, пул-кредит сиёсати ва валюта курси сиёсати асосида тартибга солиш. Ривожланган мамлакатларда макроиқтисодиётни тартибга солиш. Халқаро валюта-молия ташкилотлари: мақсадлари ва хусусиятлари. Капитал ҳаракатининг моҳияти ва унинг юзага келиш шарт-шароитлари. Халқаро кредитнинг асосий турлари ва уларнинг тавсифи. Халқаро ссуда капитали бозори. Халқаро иқтисодий муносабатлар йўналишларини ҳуқуқий тартибга солиш.

Инвестиция лойиҳалари таҳлили:

Инвестициялар моҳияти, турлари, тузилиши. Инвестиция сиёсатининг моҳияти. Инвестиция лойиҳалари таснифи ва турлари. Лойиҳа таҳлили билан

боғлиқ иқтисодий концепциялар. Лойиҳа таҳлили концепцияси. Лойиҳаларни тайёрлаш. Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иқтисодий баҳолашнинг услубий асослари. Инвестиция лойиҳаларини молиявий – иқтисодий баҳолашнинг асосий усуллари. Инвестиция лойиҳаларини молиявий – иқтисодий баҳолашда қўлланиладиган дисконт ва нодисконт усуллари. Рақобатлашувчи инвестиция лойиҳаларни баҳолаш. Техник таҳлил. Экологик таҳлил. Ижтимоий таҳлил. Институционал таҳлил. Молиявий таҳлил. Иқтисодий таҳлил. Иқтисодий экспертиза. Унинг турлари амалга ошириш усуллари. Инвестиция лойиҳаларида қалтислик таҳлили. Лойиҳа таҳлили ва лойиҳа бошқаруви.

Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаштириш:

Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаштириш фани предмети, мақсади ва вазифалари. Иқтисодиётнинг реал сектори. Тўлов баланси. Бюджет-солиқ сиёсати. Фискал ҳисоблар ва уларнинг таҳлили. Пул – кредит сиёсати. Прогнозлаштиришни ахборот базаси. Иқтисодий-ижтимоий тизим давлат прогнозлаштириш объекти сифатида. Иқтисодий ва ижтимоий прогнозлаш усуллари. Прогнозлаштириш усулини танлашда методологик ёндашув. Иқтисодий ва ижтимоий прогнозлаштириш моделлари. Прогнозлаштиришда эконометрик моделлардан фойдаланиш. Миллий иқтисодиётнинг иқтисодий потенциали — ИИПнинг базаси. Илмий техника тараққиётини прогнозлаштириш. Ижтимоий ишлаб чиқариш тузилмасини ривожланишини прогнозлаш. Иқтисодий ўсишни прогнозлаштириш. Аҳоли турмуш даражасининг кўтарилиши ва ижтимоий ривожланишни прогнозлаш. Демографик прогнозлаш. Тармоқни прогнозлашни тамойиллари ва усуллари. Тармоқ иқтисодий ривожланишини асосий йўналишларини прогнозлаш. Капитал қурилиш ва инвестицион фаолият даражасини прогнозлаш. Миллий ҳавфсизликни прогнозлаш.

Стратегик режалаштириш:

Стратегик режалаштиришнинг моҳияти ва вазифалари. Стратегик режалаштиришнинг объектлари ва субъектлари. Стратегик режалаштириш субъектлари томонидан қарор қабул қилишда қўлланиладиган усуллар. Стратегик режалаштириш моделлари. Стратегик режалаштириш услубияти ва уни ташкил этиш. Глобал стратегия ва рақобат. Корпоратив стратегия. Функционал стратегиялар. Стратегик режалаштириш босқичлари. Микродаражада (фирма) стратегик режалаштиришни ташкил этиш. Фирманинг мақсад ва вазифалари. Инвестицияни режалаштириш. Иқтисодий ташкилотларда молиявий режалаштириш. Фирма стратегиясини режалаштириш. ИТТ тартибга солиш ва стратегик режалаштириш. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишни стратегик режалаштириш тажрибаси. Стратегик режалаштириш ва ҳудудий иқтисодиёт муаммолари. Иқтисодий ислохотлар стратегияси ва уни шакллантириш механизми. Стратегик режани амалга ошириш ва назорат қилиш. Ўзбекистонда индикатив режалашни тадбиқ этиш йўллари.

Юқорида келтирилган ихтисослик фанларининг рўйхати ва мазмуни кадрлар буюртмачиларининг талаблари ҳамда бакалаврлар тайёрланадиган

ушбу йўналиш фани, техникаси ва технологиясидаги замонавий ютуқларни ҳисобга олган ҳолда таълим муассасаси томонидан ўзгартирилиши мумкин.

3.5.5. Малакавий амалиёт

Талабалар умумқасбий фанларни ўзлаштиришида олган билимларини назарий ва амалий мустаҳкамлаш; иқтисодий ва ташкилий бошқарув жараёнларини ва ҳуқуқий асосларини ўрганиш; соҳада қўлланиладиган таҳлил ва прогнозлаш усуллари билан танишиш; Статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш; Корхонанинг ривожланиш стратегияси билан танишиб чиқиш; Корхонани ривожлантириш кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва баҳолаш, кўникмаларини эгаллаш.

Ишлаб чиқариш малакавий амалиёти:

Талабалар корхона, муассаса, бошқарув органлари ва ташкилотлари фаолияти билан яқиндан танишиш ва таҳлил қилиш, уларнинг молиявий-иқтисодий фаолияти билан танишиш, маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўникмаларини эгаллайдилар.

Битирув малакавий иши(лойиҳаси) олди амалиёти:

Битирувчини бевосита стандарт талабларига мувофиқ мустақил ишлашга тайёрлаш; ўзлаштирган назарий билимларини чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш; жамоада ташкилотчилик ва тарбиявий ишлар олиб бориш бўйича тажриба ҳосил қилиш; иқтисодий стратегик корхонанинг ташкилий бўлинмалари тузилишини ва функционал масалаларини ўрганиш; макроиқтисодий йўналишларни шакллантириш ва тадбиқ этишнинг иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш бўйича амалий кўникмаларини эгаллаш ҳамда битирув малакавий ишини бажариш учун материалларни тўплаш.

3.5.6. Битирув малакавий иши (лойиҳаси)

Битирув малакавий иш (лойиҳа)лар мавзулари таълим муассасасининг битиртирувчи кафедралари томонидан мутахассисларга талабгорларнинг талабларини, шунингдек замонавий фан, техника, технологиялар ютуқларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Битирув малакавий ишларининг иқтисодий таҳлил мавзуи прогнозлаш ёки илмий-тадқиқот йўналишида бўлиши мумкин.

Талабага битирув малакавий иши вазифаси, одатда, у учинчи курсни тугатгандан сўнг берилади. Иш умумқасбий ва ихтисослик фанларни талаба ўзлаштириб боргани сари тўртинчи курс мобайнида, шунингдек, мазкур стандартда бажариш учун ажратилган вақт мобайнида бажарилади.

3.5.7. Таълим дастурини амалга ошириш

5340100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастури мазкур йўналиш бўйича аккредитацияланган олий таълим муассасаларида замонавий педагогик ва ахборот-коммуникацион технологиялари асосида замонавий техника воситаларидан унумли фойдаланиб амалга оширилади.

Хорижий тилларни талабалар томонидан ўзлаштирилишига ҳамда педагоглар томонидан ўқитилишига эътибор устувор бўлмоғи ва шароит яратилиши лозим.

Малакавий амалиёт таълим муассасаларида, замонавий корхоналар, ташкилотлар ва ИТИларда ўтказилади. Шунингдек, амалиёт даврида ихтисослик фанларидан ҳам амалий машғулотлар ўтказилиши назарда тутилади.

Таълим мабойнида талаба Давлат аттестацияси (гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлардан ва хорижий тилдан) топширади ва битирув малакавий иш(лойиҳаси)ни бажаради ҳамда натижасига қараб давлат намунасидаги олий маълумот тўғрисидаги хужжат (диплом) берилади. Давлат аттестацияси ўқув жараёни тугашидан олдин интеграллашган курс бўйича ўтказилади.

4. Бакалаврлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш ва баҳолаш

4.1. Бакалаврият йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш қуйидагилардан иборат:

ички назорат – олий таълим муассасаси томонидан амалга оширилади. Ички назорат олий таълимни бошқарувчи ваколатли давлат идораси томонидан тасдиқланган назоратнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом асосида ўтказилади;

яқуний давлат назорати давлат таълим стандартига мувофиқ фанлар бўйича давлат аттестациясини ва битирув иши ҳимоясини ўз ичига олади;

давлат-жамоат назорати олий таълимнинг бошқарувчи ваколатли давлат идораси, жамоат ташкилотлари ва кадрлар буюртмачилари томонидан белгиланган тартибда ўтказилади;

ташқи назорат Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат тест маркази Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасаларини аттестация қилиш бошқармаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Тайёрланган кадрлар сифатини баҳолаш кадрлар истеъмолчилари томонидан меҳнат фаолияти жараёнида амалга оширилади.

4.2. Олий таълим муассасаси:

- ушбу стандартдаги талабларга риоя қилинишига, бакалаврнинг сифатига;

-профессор-ўқитувчилар таркиби ва ўқув-ёрдамчи ходимлар малакаси талабларга тўла мос келишига;

-интеграллаштирилган курс фанларининг дастурларида назарда тутилган ўқув-методик адабиётлар, ўқув-услубий мажмуалар, шунингдек, яқка тартибда ишлаш ва мустақил тайёргарлик учун материаллар билан таъминланганлиги;

-ўқув жараёнининг моддий-техника таъминоти учун тўла масъулдир.

-

5. Эслатма

5.1. Олий таълим муассасасига:

-ушбу стандартда назарда тутилган минимал мазмунни таъминлаган ҳолда талабанинг ҳафталик максимал юкламасини оширмасдан ўқув материални ўзлаштиришга ажратилган соатлар ҳажмини ўқув фанлари

блоклари учун 5% оралиғида, блокга кирувчи ўқув фанлари учун 10% оралиғида ўзгартириш;

-умумқасбий фанлар блокига мос равишда гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий, математик ва табиий-илмий ўқув фанларининг алоҳида бўлимларини чуқурлаштириб ўқитишни белгилаш;

-ўқув фанлари мазмунига, техника ва технологияларнинг ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилади;

-битирув малакавий иш (лойиҳа) мавзусини белгилаш олий таълим муассасаси ректори томонидан расмийлаштирилади.

5.2. Курс ишлари (лойиҳалари) муайян ўқув фаолиятнинг бир тури сифатида кўрилади ва ушбу ўқув фанини ўзлаштириш учун ажратилган соатлар чегарасида бажарилади.

5.3. Давлат таълим стандартини билиш профессор-ўқитувчилар таркибини танлов асосида саралаш шартларидан бири ҳисобланади.

Назорат учун саволлар:

1. Давлат таълим стандарти буйича классификацияга изох беринг.
2. Иқтисодчи касбининг асосий узига хос хусусиятларини изохланг.
3. Иқтисодчиларнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
4. Касбий қобилият нима?
5. Иқтисодчи педагог қандай қобилиятлар мажмуасига эга бўлиши керак?
6. Иқтисодчиларнинг касбий малакаларни белгиловчи хусусиятларни изохланг.

Адабиётлар рўйхати:

1. Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилнинг асосий яқунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2013 йил 30 январь.

2. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш –устувор мақсадимиздир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2013 йил 28 январь.

3. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 6 декабрь.

4. Каримов И.А. Асосий вазифамиз–ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир / -Т.: Ўзбекистон, 2010. 52б.

5. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов.–Т.: Ўзбекистон, 2009йил

6. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009йил

7. Каримов И.А.-“Юксак маънавият– енгилмас куч”. Тошкент. Ўзбекистон. 2009 йил.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чоратадбирлари тўғрисида. 2008 йил 18 ноябрь, ПФ-4053-сон.

9. Абдурахмонов Қ.Ҳ. ва бошқалар., 2004. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш. –Тошкент: ТДИУ.

10.Абулқосимов Х.П.-“Шаклланаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари”. -Т.: Молия, 2005йил

11 Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В.-“ Ўзбекистон – иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида”. Т.: Иқтисодиёт, 2008.

12 Бекмуродов А.Ш., Беркинов Б.Б., Усмонов Б.Б., Ҳамидов О.М., Ғафуров У.В. ва Неъматов И.У.-“Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш йўлида”.- Т.: Иқтисодиёт, 2009йил

13. Иноғомов Р., Тошмуродова Қ. Педагогика фани ХХI асрда. Т. 2000. “Янги аср авлоди” нашриёти.

14. Матвеев В.Г. Основы экономических знаний. Т. Шарқ, 1996, С. 127

15. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т. Меҳнат, 1995 йил

16. Ғайбуллаев Н.Р., Ёдгоров Р., Ждаркин Л.П., Тошмуродова Қ., Маматкулова Р. ва бошқалар. Педагогика. “Университет”, 1999.

17. Ғайбуллаев Н.Р. Ёдгоров Р., Ждаркин Л.П., Тошмуродова Қ.А., Маматкулова Р. ва бошқалар. Педагогика (Барча бакалавр йўналишлари учун). 2000йил

18. Ғайбуллаев Н.Р. Ташаббус - давр талаби. 2000.

19. Акрамова Ф.А. Таълим самарадорлигини таъминлашда фаол педагогик технологияларнинг урни., Информационно-ресурсное обеспечение высшего экономического образования в условиях модернизации экономики: опыт, результаты и перспективы: Сборник докладов и тезисов международной научно-практической конференции. Т. ТГЭУ, 2009г. 197-б

20. Бекмуратов А.Ш. “Информационно-ресурсное обеспечение высшего экономического образования: методика, содержание и техническое обеспечение.” Информационно-ресурсное обеспечение высшего экономического образования в условиях модернизации экономики: опыт, результаты и перспективы: Сборник докладов и тезисов международной научно-практической конференции. Т. ТГЭУ, 2009г. 17-с.

21. Имомов Ж.О., Курбонова И. «Мутахассис кадрларга бўлган талаб иқтисодий ривожланишнинг долзарб масаласи.» Информационно-ресурсное обеспечение высшего экономического образования в условиях модернизации экономики: опыт, результаты и перспективы: Сборник докладов и тезисов международной научно-практической конференции. Т. ТГЭУ, 2009г.

22. Исмоилов А.-”Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш-аҳоли бандлигининг муҳим омили”. “Бозор, пул ва кредит”. журнал.2009.№7.22-24б

23. Минаварова Г.Т. «Экономическое образование как движущая сила модернизации экономики.» Информационно-ресурсное обеспечение высшего экономического образования в условиях модернизации экономики: опыт, результаты и перспективы: Сборник докладов и тезисов международной научно-практической конференции. Т. ТГЭУ, 2009 г.

24. Мухитдинова З. «Талабаларда касбий халоллик ва поклик фазилатларини ўстириш» . Халқ таълими журнали, 2008 йил 2-сон, 78-79-б.

25. Наврўззода Б.Н. «Баркамол авлоднинг иқтисодий салоҳиятини шакллантириш». БухДУ Илмий ахбороти, 2010 йил 2-сон 32-36-б.

26. Шодиев Х.Т. “Бўлажак ўқитувчи касбий сифатларининг шаклланишига таъсир этувчи омилларнинг психологик асослари”. “ Халқ таълими” журнали, 2007 йил 4-сон, 29-33 б.

27. Хайитов О., Расулов З. Иқтисодий таълим ва профессионал билимдонлик контекстида шахс Информационно-ресурсное обеспечение высшего экономического образования в условиях модернизации экономики: опыт, результаты и перспективы: Сборник докладов и тезисов международной научно-практической конференции. Т. ТГЭУ, 2009г.

28. Юлдошева М.Х. «Иқтисодий таълим самарадорлигини ошириш йўллари, назария, амалиёт, муаммолар ва истикболлар». Информационно-

ресурсное обеспечение высшего экономического образования в условиях модернизации экономики: опыт, результаты и перспективы: Сборник докладов и тезисов международной научно-практической конференции. Т. ТГЭУ, 2009г.

29. Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. 2009. – Тошкент, 2010.

30. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллар бўйича статистик тўпламлари.

31. www.federalreserve.gov

32. www.boj.or.jp/en/siryostat/tumi/htm

33. www.bankofengland.co.uk/markets/money/index/htm.

34. www.internetindicators.com – Иқтисодий индикаторлар Интернет веб-сайти.

35. www.ziyounet.uz Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус Таълим Вазирлиги электрон кутубхонаси.

3-мавзу. “Таълим туғрисидаги Қонун” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури”нинг аҳамияти.

1. Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурда инсон омили.
2. Малакали кадрлар тайёрлаш асослари, кадрлар рақобатбардошлиги
3. Кадрлар тайёрлаш тизимида ижтимоий муҳофаза ва моддий таъминот масалалари

1. Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурда инсон омили.

XX-аср охирида саноати ривожланган давлатлар билан интеллектуал давлатлар ўртасидига иқтисодий мусобақа фан-техника ва технологиялар соҳасига, ва пировард таълим соҳасига кўчди. Чунки рақобатбардош кадрларни етиштирмай туриб рақобатга қодир иқтисодиёт бўлиши мумкин эмас.

Бу борада Ўзбекистон Республикасида касбий таълим миллий дастур асосида шундай даражага етиши керакки, бунда таълим мамлакатимида ва хорижда фан-техника, технология ҳамда иқтисодиёт соҳаларида бўлажак тараққиётни ҳисобга ҳолган олда рақобатбардош кадрларни тайёрлашни таъминлай оладиган бўлмоғи даркор. Ҳар томонлама етук, рақобатбардош кадрларнинг янги авлоди истиқболга монанд вазифалар қўйиш ва уларни ечишга қодир, юқори савияда фикрлаш маданиятига эга, сиёсий-ижтимоий ва илмий-техникавий ахборотлар дунёсида мустақил ўз йўлини топа оладиган бўлиши керак.

Миллий дастур бундай талабларга мос келадиган кадрларни тайёрлаш учун янги моделни кадрлар тайёрлашнинг Ўзбекистон моделини назарда тутди. Бу моделнинг ташкил этувчилари қўйидагилардан иборат:

- **шахс-кадрлар** тайёрлаш тизимининг бош субъекти бўлиб, таълимий хизматларнинг истеъмолчиси ва яратувчисидир (“Ўқувчи-ўқитувчи” тандеми);
- **узлуксиз таълим**-малакали кадрлар тайёрлаш тизимининг ўқув-илмий-ишлаб чиқариш ва тарбиявий базасидир;
- **давлат ва жамият**-малакали кадрлар тайёрлашнинг ва уларга бўлган заруриятнинг асосий кафолатчиси;
- **фан**-юқори малакали кадрларни етиштирувчи ва истеъмолчиси;
- **иқтисодиёт**-кадрларга асосий буюртмачи бўлиб, тайёрланган мутахассисларнинг сифатига баҳо беради, шунга ярашга кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жиҳатдан таъминлайди.

Мазкур модель уч қутбга эга. **Биринчи қутб-шахс** узлуксиз таълим тизимида билимларни истеъмол қилиш ва яратиш борасида ўзининг фуқаролик бурчини тўлатуқис амалга оширувчи инсон. **Иккинчи қутб – давлат ва жамият**: шахснинг фуқаролик бурчларини самарали амалга оширилишига ва иқтисод тармоқларини малакали кадрлар билан таъминлаш бўйича миллий

вазифаларни ҳал қилади. **Учинчи кутб** – иқтисодиёт бўлиб, у давлат бюджети ёки контракт асосида ўзи учун зарур бўлган кадрлар етиштиришни моддий-техника базаси ва молия билан таъминлайди.

Миллий дастур кадрлар тайёрлаш тизимининг ана шу уччала кутбларини ўзаро узвий бирлаштиришни таъминловчи барча шарт-шароитлар-ижтимоий иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий, психологик-педагогик ва бошқа шарт-шароитлар яратилишини кўзлайди.

Касбкорлик ва ижтимоий маънода ўқитувчининг шахси алоҳида эътибор талаб этади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида Президентимиз И.А.Каримов ўз нутқида таъкидлаганидек “...ўқитувчи ва мураббийнинг ҳаётий талабларини қондириш, уларни рағбатлантириш, уларнинг ўз иши, касбидан мамнун бўлишини таъминлашимиз лозим”. Бу вазифаларни ҳал қилинишига Миллий дастурнинг “Қишлоқ мактабининг тараққиёти”, “Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш”, “Илмий ва педагогик кадрлар”, “Ижтимоий муҳофаза” номли мақсадли дастурлари бағишланган.

Миллий дастурда иккинчи кутбга-давлат ва жамиятга алоҳида ўрин ажратилади. Давлат ва жамият рақобатбардош маҳсулот ярата оладиган ва раққобатбардош хизматларни кўрсата оладиган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини узлуксиз ривожлантириш ва такомиллаштириш кафили ҳисобланади.

Давлат ва жамият:

- фуқароларнинг билим олиш, касб танлаш ва малака ошириш ҳуқуқининг амалда бажарилишини;
- сифатсиз таълимдан ҳимоя қилинишини;
- давлат таълим муассасаларининг молиявий таъминланишини;
- ўқиш, яшаш ва дам олиш шарт-шароитларини таъминлаш борасидаги вазифаларни ечишда ўз-ўзини бошқарувнинг ортиб боришини;
- ўқувчилар ҳамда педагогик кадрларнинг ижтимоий ҳимоясини;
- жисмонан саломатлиги чекланган шахсларнинг касбий таълим олишини;
- ўқитувчилар, ота-оналар ва ўқувчиларга консультациялар бериш, психологик-педагогик, ижтимоий ва тиббий ёрдамни кўрсатиш ва маслаҳатлар бериш марказлари кўпайтирилишини кафолатлайди.

Дастлабки икки кутб-шахс, давлат ва жамият кутблари орасини тўлдирувчи учинчи кутб – иқтисодиёт ҳисобланади. Бир жиҳатдан иқтисод-кадрлар тайёрлаш тизими учун таянч бўлса, иккинчи томондан иқтисод-истеъмолчи бўлиб, ўзига зарур ва малакали кадрларнинг истеъмолчисидир.

Кадрлар тайёрлаш тизимининг кўп кутблиги (уч қирралиги) “Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур тўғрисида” қонунини умумқонун, барча тегишли эканлигини намоён этади. “Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур тўғрисида” қонунининг амалда ижро этилиш оқибатлари ҳар бир шахснинг фуқаролик етуқлигига давлат ва жамият кафолатининг қай даражада эканлиги ҳамда бозор иқтисодиётининг тараққий этиш даражасига жуда боғлиқ.

Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур ҳар бир шахс ҳамда давлат ва жамият манфаатлари иқтисодий ҳолат ва унинг рақобатбардошлиги билан боғлиқ бўлган бир қатор муаммоларни ечишга ҳал этишга йўналтирилган.

“Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур тўғрисида” қонун ҳақида Президент И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиининг тўққизинчи сессиясида бу қонун “..... Мустақиллигимизнинг, бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг кафолати ҳисобланади”, -деган эди.

Миллий дастурнинг мақсад ва вазифалари, уларнинг асосланганлиги, муҳимлиги ва муаммоларни ҳал қилиш йўллари мустақкам илмий фундаментга таянади.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ўзига хос узлуксиз таъ-лимнинг ўзбек модели сифатида вужудга келди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсади.
(1997 йил 29 августда қабул қилинган)



Таълим соҳасини тубдан ислоҳқилиш, уни ўтмишданқолган мафкуравийқарашлар ва сарқитлардантўла ҳалос этиш, ривожланган демократикдавлатлардаражасида, юксакмаънавий ва ахлоқийталабларга жавоб берувчиюқори малакаликадрлар тайёрлашмиллийтизимини яратиш.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун ҳал этилиши лозим бўлган вазифалардан бири-янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиши ва барқарор ри-вожланишнинг кафолатларини, устуворлигини таъминловчи нор-матив, моддий техника ва ахборот базасини яратишдир. Шундай экан, таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини таъ-минламай туриб, ривожланган демократик давлатлар даражасидаги юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи малакали кадрлар тайёрлаш мумкин эмас.

Маълумки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини уч босқичда амалга ошириш кўзда тутилган. Биринчи босқичда (1997-2001) асосан янги узлуксиз таълим тизими учун меъёрий асослар яратиш ишлари амалга оширилди.

Биринчи босқичда мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислоҳқилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш кўзда тутилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг иккинчи босқичи(2001-2005)да таълим сифатини таъминлашга эътибор қаратилди.

Иккинчи босқичда Миллий дастурни тўла рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш мўл-жалланди.

Учинчи босқич (2005 ва ундан кейинги йиллар) – тўпланган тажрибаларни таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ ка-дрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлан-тириш кўзда тутилган.

Кадрлар тайёрлаш миллий модели марказида ўқувчи, талаба, малакасини оширувчи –хуллас «бир сўз билан айтганда»шахс туради. У кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти. Таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси, шу билан бирга, уларни амалга оширувчи ҳамдир.

Давлат ва жамият – эса таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими фаолиятини тартибга солади ва назорат қилишни амалга оширади. Шу билан бирга кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олиш-нинг кафили сифатида ҳам асосий роль ўйнайдилар. Модел *узлук-сиз таълимни* амалга ошириш билан ажралиб туради.

Узлуксиз таълим - малакали, рақобатбардош кадрлар тайёр-лашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади.

Миллий моделда фанга, унинг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда алоҳида ўрин берилади. *Фан* – юқори малакали, мутахас-сислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи илғор педагогик ва ахборот технологияларни ишлаб чиқади. Кадрлар тайёрлаш тизи-мига илм-фаннинг узвий равишда кириб бориши назарда тутила-ди.

Кадрлар тайёрлашнинг пировард натижаси, бу - ишлаб чиқариш (товар ва хизматлар) учун зарур малакали мутахассислар тайёрлашдир.

Ишлаб чиқариш – кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек, уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш ти-зимини молия ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш жараёни-нинг қатнашчиси сифатида иштирок этади.

Бир босқичли олий таълим меҳнат бозори эҳтиёжларини, иш-лаб чиқаришдаги таркибий ўзгаришларни ва илғор халқаро тажри-бани тўлиқ ҳажмда ҳисобга ололмади. Илғор мамлакатлар таж-рибасидан келиб чиқиб, уни икки босқич: бакалаврият ва магис-тратура босқичларига бўлинди.

Ҳозирги пайтда дастурнинг икки босқичи яқунланиб, учинчи босқич вазибалари амалга оширилмоқда. Таълим тизимини ислоҳқилиш давом этмоқда. Дастлабки муваффақиятларга эришилди. Шунга қарамай, умумтаълим мактабларидаги мавжуд камчиликлар жиддийлиги, айниқса, умумтаълим мактабларининг моддий базаси мутлақо талабга жавоб бермаслиги, камчиликларни тезроқ бар-тараф қилишни талаб этиши уларга алоҳида диққат қаратишни за-рур қилиб қўйди. Президентимиз, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2004 йилда иқтисодий ис-лоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағиш-ланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ҳам алоҳи-да таъкидлаб, мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъ-минлаш масаласини жиддий муаммо

бўлиб тургани, ўқитувчиларнинг 30 фоиздан кўпроғи олий маълумотга эга эмаслигини кўрсатди.

«Барчамиз шуни ёдда тутишимиз керакки, мактабни битирган фарзандларимиз эртага янги турдаги ўқув масканлари ва коллежларига ҳар тарафлама пухта билим ва тайёргарлик билан келишлари зарур»¹

Бу ердаги камчиликларни ҳисобга олиб, умумтаълим мактаб-лари тизимини ривожлантириш масаласини алоҳида кўриб чиқиш ва махсус дастур тайёрлаш топширилди. 2004 йил 22 май куни матбуотда «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.

Шундай қилиб, Миллий дастурни амалга ошириш таълим тизимидаги махсус дастур билан янада тўлдирилди, ривожлантирилди.

Янги таълим тизимининг эскисидан фарқи, унинг узлуксизлигидир. Яна бир кўзланган мақсад ўқитувчи ва ўқувчи муноса-батидаги мажбурий итоаткорлик ўрнини онгли интизом эгал-лашига эришишдир.

Узлуксиз таълим кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси, Ўзбе-кистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи, шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий–техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устувор соҳадир. Айнан узлуксиз таълим ижодкор, ижтимоий фаол, маъна-вий бой шахснинг шаклланиши юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратади.

Узлуксиз таълим давлат таълим стандартларига мувофиқ турли даражалардаги таълим дастурларининг изчиллиги асосида таъмин-ланади ва қуйидаги таълим турларини ўз ичига олади:



Биринчидан-Миллий дастур негизида тизимли ёндошув ётади. Рақобатбардош кадрлар тайёрлаш муаммоси ва уни ҳал қилиш яхлит бир система-кадрлар тайёрлаш тизимининг самарали ишлашига таъсир кўрсатувчи ўзаро боғланган барча факторлар бўйича кўриб чиқилади. Қўйидаги йўналишларни қамроб олган ўн тўртта мақсадли дастурлар системавий ёндашув натижаси ҳисобланади:

¹Каримов И. А. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш-асосий вазифаларимиз. // Халқ сўзи, 2004 й, 10 февраль, №28.

1. Таълим-тарбия йўналиши.

- ✚ кадрлар тайёрлаш сифати ва кадрлар рақобатбардошлилиги;
- ✚ маънавият ва маърифат;
- ✚ профессионал таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси;
- ✚ иқтидорли болалар ва истеъдодли ёлар;
- ✚ илмий-педагогик кадрлар;
- ✚ кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;
- ✚ қишлоқ мактабларини ривожлантириш.

2. Информацион йўналиш.

- ✚ ахборот технологияси ва таълим информатизациялаш;
- ✚ ўқув жараёнини ахборотлар билан таъминлаш ва XXI аср кутубхонаси;
- ✚ олий профессионал таълим ҳолатини баҳолаш ва кадрлар тайёрлашни башорат қилиш тизими.

3. Ижтимоий йўналиш.

- ✚ болалар ва ўқувчи ёшлар саломатлиги муҳофазаси;
- ✚ махсус таълим (алоҳида нуқсонли болалар тартиясини ва таълими);
- ✚ ижтимоий ҳимоя

Иккинчидан, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш вазифасини ҳал қилиш профессионал таълимнинг ҳамма босқич ва табақалари учун, халқаро моделлар ва меъёрлар асосида яратилган илмий асосланган, илғор таълим стандартлари комплексига таянади.

Учинчидан, Миллий дастурда кўзланган режаларни амалга ошириш негизида ислохотларни ўтказиш ўзбек моделининг энг асосий тамойили-ислохотларни босқичма-босқич ўтказиш принципи ётади.

Олий таълим соҳасида марказдан белгилаш ўрнига кадрлар тайёрлашнинг минтақавий ва демократик принципларига амал қилиш сиёсати ўтказилмоқда, олий ўқув юртлири кўпаймоқда, университетлар сафи кенгайди. Республика эҳтиёжларига жавоб бера оладиган таълим йўналишлари ва мутахассисликлар классификатори ишлаб чиқилди. Олий мактабда кўп босқили ўқиш тизимига ўтилди, билимнинг янги соҳаларида кадрлар тайёрлаш бошланди.

Рейтинг тизими ва тест усули асосида абитуриент ва студентларнинг билимдонлигини ҳолисона баҳолаш усуллари жорий қилинди.

Илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Янги талабларга мувофиқ равишда аспирантура ва докторантурада кадрлар тайёрлашга кенг йўл очилган. Олий аттестация хайъати фаоллик кўрсатапти.

Иқтидорли ўқувчи-ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича мақсадли давлат сиёсати амалга оширилаяпти. Махсус фондлар яратилди ва қобилиятли ёшларни хориждаги етакчи ўқув ва илмий марказларида ўқитиш ташкил қилинди. Аспирант ва студентлар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияси, буюк алломалар номи билан аталган стипендиялар жорий қилинган.

Ўқув-таълим ва фан соҳаларида халқаро алоқалар кенгаймоқда. Бир қатор нуфзли халқаро ташкилотлар билан яқин муносабатлар ўрнатилмоқда. Таълим соҳасида ҳукуматлараро битимлар тузилган.

Таълим жараёнининг мазмунига оид муаммолар сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилмоқда. Ўқув планлари ва ўқув дастурларига ўсиб келаётган авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, одамийлик элементлари кириб бормоқда. Гуманитар-ижтимоий-иқтисодий фанлар туркуми бутунлай янгидан кўриб чиқилмоқда. Таълимнинг барча табақаларига маънавият, иқтисод ва ҳуқуқ асосларини ўрганиш киритилмоқда, чет тилларини ўрганишга катта аҳамият берилмоқда.

Юқорида келтирилган ўзгаришлар ва ютуқлар кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур учун база бўлиб хизмат қилди.

2. Малакали кадрлар тайёрлаш асослари, кадрлар рақобатбардошлиги

Кадрлар тайёрлаш тизимида узлуксиз таълим пойдевор ҳисобланади. Узлуксиз таълимда шахс ўзининг хаёт йўлини танлаш, касб эгаллаш ва касбий қобилиятларини такомиллаштириш имкониятларини амалга оширади. Миллий бўлган дастур узлуксиз таълим тизимининг мазмуни ва тузилмасини ислоҳ қилишни назарда тутди. Тузилма ва мазмун ривожланиб бораётган бозор муносабатлари, давлат ва жамият, шахс талабларига жавоб бериши лозим.

Ислоҳ қилинаётган узлуксиз таълим тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ✚ аккредитация ва лицензияга эга бўлган ҳар хил ҳуқуқий-ташкилий кўриниш, шакл ва турдаги ўқув юртлари;
- ✚ таълим тизимининг фаоллигини ҳамда ривожланишини таъминлайдиган илмий тадқиқотлар олиб боровчи муассаса, корхона ва ташкилотлар;
- ✚ барча босқич ва табақадаги таълимни бошқарувчи органлар системаси ва шунингдек уларнинг тасарруфидаги корхона, муассаса ва ташкилотлар;
- ✚ таълим тизимининг фаоллиги ва ривожланишига мойиллик қилувчи, ёрдам берувчи илмий ва жамоат ташкилотлари, ҳамда ушумалар (васийлар кенгаши, ижодий уюшмалар, касбий ташкилотлар, илмий-методик кенгашлар ва бошқа бирлашмалар).

Муайян комплекснинг шаклланиши таълимнинг давлат стандартлари, намунавий ўқув планлари, турли хил йўналишлар ва табақалар учун узвий таълим дастурлари ҳамда тегишли ўқитиш воситалари билан таъминланади.

Узлуксиз таълим тизимининг фаоллик қилиш принциплари:

- ✚ таълимнинг устуворлиги-таълим тараққиётининг биринчи навбатлилик характери, жамиятнинг таълимга, илмга ақл-заковат ва идрокка бўлган янги муносабати;
- ✚ таълимнинг демократиялашуви-таълим ва ўқитиш услубларини танлашда ўқув юртларининг автоном бўлиши; таълимни бошқарувнинг давлат-жамоатчилик тизимига ўтиш-бунда шахс, жамият ва давлат тенг ҳуқуқли субъект бўлади;
- ✚ таълимни инсонийлаштириш – одамнинг энг юқори ижтимоий қадрият эканлигини тасдиқлаш, шахснинг қобилиятларини очиш ва турлича таълимга бўлган эҳтиёжларини қондириш; умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги, атроф-муҳит билан инсон муносабатларининг уйғунлашувини таъминлаш;
- ✚ таълимни инсонпарварлаштириш-ўқувчиларда юқори маданият, юксак маънавият, дунёвий фикрлаш ва табиатнинг бир бутунлигини шакллантириш;
- ✚ таълимнинг миллийлиги-таълимнинг халқ удум-маросимлари; миллий тарихи билан ҳамоҳанг бирликда бўлиши; Ўзбекистон халқларининг маданиятини сақлаш ва бойитиш, бошқа халқларнинг маданияти ва тарихига ҳурмат; таълимни миллий тараққиётнинг энг муҳим воситаси деб тан олиниши;
- ✚ ўқув-тарбиянинг ажралмас биргалиги, бу бирликнинг ҳар томонлама ривожланган ва етук шахснинг шаклланиш жараёнига бўйсундирилганлиги;
- ✚ таълимнинг кўпбосқичларининг кетма-кетлиги ва узвийлиги: навбатдагиси олдинги босқич таълим негизида давом эттирилиши, таълим шаклини, ўқув-тарбия муассаслари (шунингдек нодавлат ўқув юртларини) танлашга кенг имкониятлар яратилиши, шахснинг қобилияти ва ҳохишларига мос келадиган ўқув-тарбия шакллариининг мавжудлиги, ўқув-тарбия жараёнини индивидуаллаштириш ва дифференциаллаштириш;
- ✚ оммавий таълимни элитар таълим билан ҳамма босқичларда биргаликда олиб борилиши, иқтисодли ва истеъдодли ёшларни танлаб олиш, фундаментал билимлар ва таълимнинг юқори босқичларида махсус билимларни кетма-кетликда олиш учун шарт-шароитларнинг яратилиши; шу билан бирга ривожланган ҳорижий мамлакатларнинг етакчи ўқув юртларида билим олишга шароитлар яратилганлиги;
- ✚ таълимнинг узлуксизлиги-умумтаълим ва профессионал тайёргарликнинг доимо янгиланиб ва чуқурлаштириб турилиши, ўқув-тарбиянинг кетма-кетлигига эришиш, фаоллик кўрсатаётган кадрларнинг касбкорлик маҳоратини янгиланаётган технологиялар асосида ошириш.

Узлуксиз таълим тизимининг янги ўзбек модели қуйидаги тузилмалардан иборат

Умумий таълим:

- мактабгача таълим;
- бошланғич таълим (I-IV синфлар);
- умумий ўрта таълим (I- IX синфлар);
- уч иллик ўрта махсус ва касб-хунар таълим.

Умумий таълим тизимида ўқитиш олти ёшдан бошланади.

Умумий таълим мажбурий ҳисобланади.

Мактабдан ташқари таълим узлуксиз таълимнинг ажралмас қисми ҳисобланади ва ўқувчи-ёшларнинг истеъдоди ва қобилиятини ўстиришга, уларнинг кўнгил хоҳишлари ва истак-қизиқишларини қондиришга йўналтирилгандир.

Олий профессионал таълим одатда, ўн саккиз ёшдан бошланади ва ўқиш муддати таълим давлат стандартлари доирасида камида тўрт йил давом этади. Олий профессионал таълим бакалавриат ва магистратурада ўқишдан иборатдир.

Олий мактабдан кейинги таълим жамиятнинг илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган бўлиб, шахснинг касбкорлиги бўйича таълимий, маънавий ва маърифий қизиқишлари қондирилади. Олий мактабдан кейинги таълим олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида (аспирантура, адъюнктура, докторантура ва х.к.) амалга оширилади.

3. Кадрлар тайёрлаш тизимида ижтимоий муҳофаза ва моддий таъминот масаласи

Миллий дастур кадрлар тайёрлаш тизимининг янги моделининг ташкил этувчиларидан бири бўлган илм-фан ва ишлаб – чиқаришга алоҳида эътибор беради.

Кадрлар тайёрлаш тизимида фан қуйидаги вазифаларни бажаради:

- олий малакали рақобатбардош кадрларни тайёрлашга буюртмачи ва кадрларнинг истеъмолчисидир;
- таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш учун юқори малакали мутахассисларни тайёрлайди;
- узлуксиз таълимнинг барча шохобчаларида ўқув-тарбия жараёнини илмий-методик таъминланишини бажаради.

Миллий дастурда фаннинг қуйидаги энг муҳим вазифалари қайд қилинган:

- узлуксиз таълим билан бирлашишга шароитлар яратиш, масалан, ўқув-илмий комплекси (маркази, парки, технополис ва шу кабилар);
- мамлакатимиз илмий потенциалининг шаклланишида эртанги кун талабига мос рақобатбардош олий малакали кадрларни тайёрлаш;
- илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва уларнинг натижаларини ўз вақтида ўқув-тарбия жараёнига қўллаш;

- кадрлар тайёрлашни давлат иқтисодий тизимининг имкониятлари ва реал талабларига йўналтириш;
- иқтисодиётнинг устувор тармоқлари учун юқори малакали кадрлар тайёрлашни башорат қилиш;
- кадрлар етиштиришнинг пойдевори сифатида узлуксиз таълим тизимининг самарали фаоллигини таъминловчи илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш.

Зикр қилинган вазифалар мамлакатимиз илмийсалоҳиятини шакллантириш, олий малакали кадрларни илдам тайёрлашдек устувор муаммони ҳал этишга йўналтирилган. Миллий дастур қуйилган вазифаларни ечиш учун илм-фанни молиялаш манбалари ва моддий техникавий таъминланиши, шунингдек актив ижтимоий сиёсатни руёбга чиқаришни назарда тутди.

Ишлаб-чиқариш - кадрлар тайёрлаш тизимида:

- ишлаб-чиқариш турли савияда мутахассис ва ишчиларга буюртмани шакллантиради;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ўқитиш учун зарур бўлган мавжуд моддий-техникавий, молиявий, кадрлар ва бошқа ресурсларни беради;
- хомий, таъсисчи сифатида турли босқич ва турли хил ўқув юртларини, алоҳида ёки бир гуруҳ мутахассисларни тайёрлашни моддий таъминлашда иштирок этади;
- мутахассиснинг шахсий фаоллиги ва узлуксиз касбий ўсишини қўллаб-қувватлаш ҳамда моддий ва руҳан рағбатлантиришни таъминлайди;
- узлуксиз таълим билан ўқув-илмий-ишлаб чиқариш комплекси (марказлари, технологик парклар, технополислар ва х.к.) кўринишида интеграция учун шароитлар яратади.

Умуман олган миллий дастур ишлаб-чиқаришнинг қуйидаги вазифаларини назарда тутди. Ишлаб-чиқариш:

- мутахассиснинг таснифий тавсифини ишлаб чиқишда иштирок этади;
- касб ва мутахассисликлар бўйича таълим стандартларини тайёрлашда иштирок этади;
- давлат аттестация кўмитаси фаолиятида қатнашади;
- ишлаб чиқаришдаги янги технологиялар бўйича педагог кадрлар малакасини мунтазам оширади;
- ишлаб чиқаришдаги юқори малакали кадрлар таълим жараёнида иштирок этади;
- ишчи ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш учун ўқув курслари ва ўқув марказлари яратади;
- касб-хунар ўқув юртларига ёшларни қабул қилиш ва касб йўналтириш ишларида иштирок этади;

- ишлаб чиқариш амалиётини ўтиш учун ўқувчи ёшларни иш ўринлари билан таъминлайди;
- илм-фан ва ишлаб-чиқаришнинг интеграцияси доирасида ўқув юртларини қурилмалар билан жиҳозлайди, ҳозирги замон асбоб-ускуналари билан таъминлайди;
- мухатассис ва ишчиларнинг малака оширишларини рағбатлантиради.

Кадрлар тайёрлашда ишлаб чиқариш амалиёти алоҳида ўрин эгаллайди, ишлаб чиқариш амалиёти танланган мутахассислик бўйича касбкорлик кўникма ва билимларини шакллантиради.

Ишлаб чиқариш практикаси қуйидагиларни ўз ичига олади: муайян йўналиш бўйича ишлаб-чиқариш жараёнида ўқувчиларнинг ҳар хил лавозимларда шахсан иштироки; ишлаб чиқариш бўйича касбга ўргатиш жараёнида назарий билимлар бериш; мутахассислик ва ихтисослик махсус фанлар муаммоларини ишлаб-чиқариш шароитида мустақил ўрганиш; касбий билимлар, касбкорлик маҳорати ва кўникмаларини эгаллаш; ишлаб чиқариш тармоғида кашфиёт ва рационализаторлик фаолиятда иштироки этиш, меҳнат жамоасининг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашиш.

Илм-фан, таълим ва ишлаб-чиқаришнинг интеграцияси қуйидаги уч табақада амалга оширилиши лозим.

Биринчи табақа-кичик тузилмалар ёки бўлимлар. Олий ўқув юрти кафедралари билан биргаликда корхона ва ташкилотларда очиладиган махсус тузилмалар ёки филиаллар; бу тузилмалар кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва кадрларнинг малакасини ошириш соҳасида, илмий-тадқиқотлар натижаларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш борасидаги ўзаро ҳамкорликни таъминлаш мақсадида яратилади.

Иккинчи табақа-ўқув-илмий-ишлаб-чиқариш комплекси; уларда кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш ҳамда улардан олинган натижалар ишлаб чиқариш тармоғида ўзлаштирилади.

Учинчи табақа-иқтисодиёт комплекси, минтақа ва тармоқлар доирасида таълим, илм-фан ва ишлаб-чиқариш бир-бири билан ўзаро узвий ва ҳамкорликда бўлади.

Рақобатбордош кадрларни тайёрлаш тизмида инсон омилига оид бош йўналишлардан бири бўлиб қуйидаги тармоқ ҳисобланади:

- илмий (фан доктори, фан номзоди) ва илмий педагогик кадрлар (профессор, доцент); улар юқори малакали мутахассисларни тайёрлайдилар, янги билимлар ва янги ғояларни яратадилар;
- педагогик кадрлар (педагог-ўқитувчилар, муаллим-тарбиячилар), шахсни тарбилайдилар ва янги билимларни шакллантирадилар.

Илмий-педагогик кадрлар фаолияти натижасида етиштирилдиган мутахассислар замонавий касбий маҳорат кўникма, билимларига эга, мустақиллик ғояларига содиқ, Ватанга муҳаббат, умумбашарий қадриятларни билувчи, миллий уйғониш мафкураси руҳида тарбияланган бўлиши даркор.

Илмий-педагогик ходимлар меҳнати инсон омиллариининг шаклланишини таъминлаши керак. Бу шаклланиш жамият тараққиётининг босқичи учун зарур ва талабларига мос бўлиши лозим. Бундай ижодий юксак ҳам қарз, ҳам фарз вазифани бажариш учун илмий педагогик кадрлар:

- нафақат билимлар мажмуасига, балки оламни яхлит, мураккаб ва доимо тараққий этувчи система сифатида қабул қилиш қобилиятига ҳам эга бўлиши керак;
- руҳият ва педагогик билимларни эгаллаган бўлиши керак;
- умуминсоний ва сиёсий маданияти юқори ҳамда одабийлик фазилатларга эга бўлиши керак;
- ижодий ўқитиш ва тарбиянинг интенсив усуллари ҳамда янги технологияларни ўзлаштирган, улардан унумли фойдаланаётган бўлиши керак.

Бу талаблар илмий ва педагогик ходимлар фақат кўникма, маҳорат ва билимларга эга бўлибгина қолмай, уларни доимо такомиллаштириб туриши лозимлигини тақозо этади.

Миллий дастур узлуксиз таълимнинг барча босқичлари учун илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш масаласига алоҳида диққат-эътиборни жалб қилида. Бунда янги таълим тузилмалари (кўп босқичли профессионал олий таълим, касб-хунар ва ўрта махсус уч йиллик таълим) яратилиши ва мос равишда давлат таълим стандартларининг асосида янги мазмун ҳисобга олинган бўлиши керак.

Педагогик кадрларга қўйиладиган бу талабларни рўёбга чиқариш учун уларни тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг янги йўналишлари кўзланади:

- ёш олимларни умумилмий, психологик-педагогик ва гуманитар фанлар бўйича тайёрлашнинг мазмуни ва тузилмасини такомиллаштириш;
- илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш жараёнини ахборот билан таъминлашнинг тезкор ва энг қулай тизимини яратиш, жаҳон ахборот тизимларидан фойдаланиш.

Уч йиллик касб-хунар ўқув юртлари (касб-хунар коллежлар) ва ўрта махсус (академик лицейлар) ўқув муассасаларида ишлашга қодир педагогик кадрларни тайёрлаш устувор ҳисобланади. Бу устуворлик:

- ўрта махсус ва касб-хунар таълимнинг янги мазмуни билан;
- бундай педагогик кадрларга эҳтиёж катталиги ва оддий мактабларнинг ўқитувчилари уларнинг ўрнин боса олмаслиги билан белгиланади.

Миллий дастур олий малакали кадрлар-фан кандидатлари ва фан докторлари тайёрлаш тизимини ислоҳ қилишни ҳам кўзда тутати. Бу боради асосий йўналишлар қуйидагилардан иборат:

- ёш олимлар тайёрлада гуманитар, психологик педагогик ва умумилмий билимлар мазмуни ва тузилмаларини такомиллаштириш;

- илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш жараёнини ахборот билан таъминлашнинг тезкор ва энг муқобил тизмини яратиш, жаҳон ахборот тизимларидан фойдаланиш;
- устувор ва ноёб фан-техника йўналишлари бўйича илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш борасида халқаро ҳамкорликни ташкил қилиш;
- рақобатбардош илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлашни таъминлаш мақсадида илмий муассасаларнинг ва олий ўқув юртларининг тегишли илмий бўлимларининг моддий-техник базасини такомиллаштириш;
- мамлакатимизнинг илмий-педагогик потенциалини ва илмий тадқиқотлар натижаларидан тижорат борасида фойдаланишни кучайтириш;
- илмий даража ва илмий унвонлар бериш тартиби ва механизмини, қоидаларини такомиллаштириш;
- диссертация ишларининг илмий-методик савияси ва амалий аҳамиятига талабларни ошириш, илмий унвон, илмий даража бериш тартибини соддалаштириш.

Аҳолининг маърифий савиясини ошириш Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига тезкорлик билан ўтишига кўмаклашувчи энг асосий факторлардан бири ҳисобланади. Бу биринчи навбатда экология ва иқтисодиётнинг, бозор муносабатларининг тараққиёти билан устувор ҳамда халқ хўжалигининг ривожланаётган тармоқларида компьютер ва илмбоп технологияларни кўллаш, кадрлар тайёрлаш ва таълим тизimini такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган билимлар савиясига таалуклидир.

Мазкур муаммони ечида узлуксиз таълим тизимининг ажралмас қисми бўлган олий мактабдан кейинги қўшимча профессионал таълим (малака оширишга) жуда катта ўрин ажратилади. Бу тизим кадрларнинг профессионал билимлари, маҳорат ва кўникмалари доимо рақобатга қодир даражада бўлишини таъминлаши лозим. Ўтиш даврида бозор муносабатлари шароитларида фаол қатнашишга жалб қилиш мақсадида илгари йиллари тайёрланган олий ва ўрта махсус касбий таълим етиштирагн мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муҳим вазифа ҳисобланади. Бу вазифанинг ҳал этилиши янги кадрларни тайёрлашга сарфланадиган маблағларни ва вақт сарфини тежаш имконини яратади.

Юқорида келтирилган муаммолар ечимининг самарадорлиги, шунингдек янги кадрлар тайёрлаш муаммолари жуда кўп жиҳатдан ўқитувчи кадрлар малакасининг ҳозирги кундаги профессионал билимлари психология, экология, иқтисод, маданият, ҳуқуқ ва бошқа билимларига қўйилаётган талабларга қай даражада мувофиқлигига боғлиқ. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлиснинг IX-сессиясида “агар домлалар, профессорлар, кафедра мудирлари ўз устида ишламаса, ўз соҳаси бўйича чет мамлакатларга

илмий сафарларга бориб келмаса, тажриба алмашмаса, албатта, бундай аҳқол ўқув жараёнига ва унинг самарасига салбий таъсир қилади”,- деган эди.

Миллий дастурда ўқитувчи кадрларнинг қўшимча профессионал таълимига (қайта тайёрлаш ва малака ошириш) ҳам ташкилий жиҳатига (мактабгача таълим-тарбиядан бошлаб то профессионал олий таълимгача), ҳам мазмунига (касб, маънавият ва маданият, иқтисод ва экология, ҳуқуқшунослик ва шу каби бошқалар) тизимли ёндошиш назарда тутилади. Айниқса узлуксиз таълимнинг қуйидаги босқичлари ўқитувчилар қадрига алоҳида эътибор беради:

- ✚ бошланғич таълимга-бу босқич ўқувчиларнинг руҳий ва жисмонан, ақлий ўсишини таъминлайди, фан асослари бўйича бошланғич билимларни шакллантиради, ўқув ва уммехнат кўникмалари, ўрганиш ва ижодий ёндошув элементлари шаклланишини таъминлайди;
- ✚ умумий таълимнинг янги тузилмасига-уч йиллий ўрта махсус ва касб-ҳунар таълим кадрларига бўлган эҳтиёж, маҳаллий шароитлар, ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда касбий йўналтирилган, ихтисослаштирилган, билимлари чуқурлашган ўқитишни таъминлайди.
- ✚ Кўпбосқичли олий таълим-билимлар соҳасида йўналиш фанларининг бири бўйича бакалавр ва йўналиш фанининг муайян мутахассислиги бўйича магистр тайёрлайди.

Қўшимча профессионал таълим тизимининг ривожланиш йўналишлари қуйидагичадир:

- бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг меъёрий ҳуқуқий асослари ва концепциясини (асосий йўналишларини) ишлаб чиқинг;
- халқ хўжалиги мутахассислари ва педагогик кадрларнинг қўшимча профессионал таълим муассасалари сафини кенгайтириш ва республика бўйича кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш тизимини ишлаб чиқиш;
- малака оширишнинг ижтимоий-психологик томонларини ривожлантириш, наинки улар кадрларни доимо ўзларининг профессионал билимлари, маҳорат ва кўникмалари, маънавият, маданият, одобийлик, шунингдек иқтисодий, экологик ва ҳуқуқий маданиятларини доимо такомиллаштириб туришга ундайди;
- оммавий ахборот воситаларида техника ва технология, иқтисод ва маданият, экология ва шу каби х.к. соҳаларда энг янги ютуқларни кенг тарғибот қилиш;
- масофада таълим тизимини ривожлантириш;
- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш борасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

- таълим муассасаларнинг моддий-техник, ўқув-услубий ва ахборот базасини такомиллаштириш;
- халқ хўжалиги мутахассислари ва педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимининг мониторингини ишлаб чиқиши.

Назорат учун саволлар:

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қачон ва қандай мақсадларда қабул қилинган?
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ қандай босқичлар фарқлантирилади?
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амлағ а оширишнинг 1- босқичи вазифаларини тушунтиринг.
4. КТМД нинг 2-босқичи вазифаларини изоҳланг.
5. КТМД нинг 3-босқичи қайси йилларни ўз ичига олади ва унинг асосий вазифалари нималардан иборат?
6. КТМД нинг асосий 5 та бўғинларини изоҳланг.
7. КТМД да ўз ифодасини топган узлуксиз таълим тизимини жорий этиш моҳиятини тушунтиринг.

Адабиётлар рўйхати:

1. Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилнинг асосий яқунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2013 йил 30 январь.

2. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш –устувор мақсадимиздир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2013 йил 28 январь.

3. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 6 декабрь.

4. Каримов И.А. Асосий вазифамиз–ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир / -Т.: Ўзбекистон, 2010. 52б.

5. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов.–Т: Ўзбекистон, 2009йил

6. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009йил

7. Каримов И.А.-“Юксак маънавият– енгилмас куч”. Тошкент. Ўзбекистон. 2009 йил.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2008 йил 18 ноябрь, ПФ-4053-сон.

9. Абдурахмонов Қ.Ҳ. ва бошқалар., 2004. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш. –Тошкент: ТДИУ.

10. Абулқосимов Х.П.-“Шаклланаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари”. -Т.: Молия, 2005йил

11. Бекмуродов А.Ш., Гафуров У.В.-“ Ўзбекистон – иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида”. Т.: Иқтисодиёт, 2008.

12. Бекмуродов А.Ш., Беркинов Б.Б., Усмонов Б.Б., Ҳамидов О.М., Гафуров У.В. ва Неъматов И.У.-“Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш йўлида”.- Т.: Иқтисодиёт, 2009йил

13. Иноғомов Р., Тошмуродова Қ. Педагогика фани XXI асрда. Т. 2000. “Янги аср авлоди” нашриёти.

14. Матвеев В.Г. Основы экономических знаний. Т. Шарқ, 1996, С. 127

15. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т. Меҳнат, 1995 йил

16. Ғайбуллаев Н.Р., Ёдгоров Р., Ждаркин Л.П., Тошмуродова Қ., Маматкулова Р. ва бошқалар. Педагогика. “Университет”, 1999.

17. Ғайбуллаев Н.Р. Ёдгоров Р., Ждаркин Л.П., Тошмуродова Қ.А., Маматкулова Р. ва бошқалар. Педагогика (Барча бакалавр йўналишлари учун). 2000йил

18. Ғайбуллаев Н.Р. Ташаббус - давр талаби. 2000.

19. Акрамова Ф.А. Таълим самардорлигини таъминлашда фаол педагогик технологияларнинг урни., Информационно-ресурсное обеспечение высшего экономического образования в условиях модернизации экономики: опыт, результаты и перспективы: Сборник докладов и тезисов международной научно-практической конференции. Т. ТГЭУ, 2009г. 197-б

20. Бекмуродов А.Ш. “Информационно-ресурсное обеспечение высшего экономического образования: методика, содержание и техническое обеспечение.” Информационно-ресурсное обеспечение высшего экономического образования в условиях модернизации экономики: опыт, результаты и перспективы: Сборник докладов и тезисов международной научно-практической конференции. Т. ТГЭУ, 2009г. 17-с.

21. Имомов Ж.О., Курбонова И. «Мутахассис кадрларга бўлган талаб иқтисодий ривожланишнинг долзарб масаласи.» Информационно-ресурсное обеспечение высшего экономического образования в условиях модернизации экономики: опыт, результаты и перспективы: Сборник докладов и тезисов международной научно-практической конференции. Т. ТГЭУ, 2009г.

22. Исмоилов А.-”Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш-аҳоли бандлигининг муҳим омили”. “Бозор, пул ва кредит”. журнал.2009.№7.22-24б

23. Минаварова Г.Т. «Экономическое образование как движущая сила модернизации экономики.» Информационно-ресурсное обеспечение высшего экономического образования в условиях модернизации экономики: опыт,

результаты и перспективы: Сборник докладов и тезисов международной научно-практической конференции. Т. ТГЭУ, 2009 г.

24. Мухитдинова З. «Талабаларда касбий халоллик ва поклик фазилатларини ўстириш». Халқ таълими журнали, 2008 йил 2-сон, 78-79-б.

25. Наврўззода Б.Н. «Баркамол авлоднинг иқтисодий салоҳиятини шакллантириш». БухДУ Илмий ахбороти, 2010 йил 2-сон 32-36-б.

26. Шодиев Х.Т. «Бўлажак ўқитувчи касбий сифатларининг шаклланишига таъсир этувчи омилларнинг психологик асослари». «Халқ таълими» журнали, 2007 йил 4-сон, 29-33 б.

27. Хайитов О., Расулов З. Иқтисодий таълим ва профессионал билимдонлик контекстида шахс Информационно-ресурсное обеспечение высшего экономического образования в условиях модернизации экономики: опыт, результаты и перспективы: Сборник докладов и тезисов международной научно-практической конференции. Т. ТГЭУ, 2009г.

28. Юлдошева М.Х. «Иқтисодий таълим самарадорлигини ошириш йўллари, назария, амалиёт, муаммолар ва истиқболлар». Информационно-ресурсное обеспечение высшего экономического образования в условиях модернизации экономики: опыт, результаты и перспективы: Сборник докладов и тезисов международной научно-практической конференции. Т. ТГЭУ, 2009г.

29. Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. 2009. – Тошкент, 2010.

30. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг тегишли йиллар бўйича статистик тўпламлари.

31. [www. ziyo net.uz](http://www.ziyo.net.uz) Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус Таълим Вазирлиги электрон кутубхонаси.

4- Мавзу: Ўзбекистон олий ўқув юртлирида ўқитиш тизими

Режа:

- 1. Ўқув жараёнининг илмий асосда ташкил қилинган йуналишлари***
- 2. Маъруза машгулотларига тайёргарлик кўриш***
- 3. Семинар машгулотлари, маслаҳатлар, амалий машгулотлар, илмий семинарлар ва коллоквиум ўтказиш.***

1. Ўқув жараёнининг илмий асосда ташкил қилинган йуналишлари

Ўқув-тарбия ишининг муваффақияти нафақат қўлланилаётган ўқитиш методларига, балки ўқув жараёнини ташкил этишнинг шаклларига (формаларига) ҳам боғлиқдир. Ўқитишни ташкил этишнинг шакллари ёки

ўқитиш шакллари ўқитишнинг мақсад ва вазифалари, айти чоғда дидактик таъсир билан камраб олинган ўқувчиларнинг сони, ўқув предметининг хусусияти, ўқувчиларнинг ўқиш жойи ва вақти ҳамда мактабнинг ўқув-моддий базаси билан аниқланади.

Маълумки, лотинча «форма» сўзи ташқи кўриниш, шакл маъносини англатади. ўқитиш формаси (шакли) дидактик тушунча сифатида ўқитиш жараёнини ташкил қилишнинг ташқи томонини белгилаб, у ўқитилаётган ўқувчиларнинг миқдори, ўқитиш вақти ва жойи ҳамда уни ташкил этишнинг тартиби билан боғлиқдир.

Ўқитиш шакли ўқитувчи ва ўқувчиларнинг белгиланган тартибда ва маълум тартиботда (режимда) амалга ошириладиган биргаликдаги фаолиятининг ташқи ифодасидир. Ўқитиш шакллари ижтимоий белгиланади, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолиятини тартибга солади, индивидуал ва коллектив ҳолда ўқитишнинг ўзаро нисбатини аниқлайди, билиш фаолиятидаги ўқувчиларнинг фаоллик даражасини ва ўқитувчи томонидан унинг бошқарилишини белгилайди.

Демак, ўқитиш шакллари ўқув ишини ким, қаерда ва қандай мақсадда ўқитилаётганлигини ҳисобга олган ҳолда қандай ташкил этиш кераклигини аниқлайди.

«Ўқитиш методлари» тушунчаси билан «ўқитиш шакллари» тушунчаси ўзаро боғланишда бўлади, аммо бу категорияларни фарқлай билиш керак. Ўқитиш методлари ўқитувчи ва ўқувчиларнинг таълимий вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган биргаликдаги фаолияти йўллари дир. Яъни, ўқитиш методи тушунчаси ўқув жараёнининг мазмуний-процессуал ёки ички томонини ифодалайди. Аксинча, юқорида таъкидлаганидек, ўқитиш шакли ўқув жараёнининг ташқи томонини ифода этади. Дастлаб ўқув ишини ташкил қилишнинг энг кенг тарқалган шакли индивидуал ўқитиш бўлган. Масалан, Қадимги Юнонистонда ўқитиш кўпроқ индивидуал шаклда олиб борилган. Кейинчалик, ўқувчилар сонининг кўпайиши, таълимга ижтимоий эҳтиёжларнинг ортиши, китоб чоп этишнинг тарқалиши, маърифатчиларнинг тажрибаси ва умуман таълим олувчилар оммасининг кўпайганлиги натижасида индивидуал ўқитишдан индивидуал-группалик ўқитишга ўтилган.

Индивидуал ўқитишда ўқитувчи ўз уйида ёки ўқувчининг уйида у билан алоҳида ўқув ишини олиб борган. Индивидуал – группали ўқитишда эса, бир неча ўқувчилар кичик гуруҳларда биргаликда ўқув машғулоти билан шуғулланганлар, аммо бунда ўқитувчи бутун гуруҳ билан иш олиб борсада, ўқув иши индивидуал характерга эга бўлган. Ҳар бир ўқувчи ўз ишини бажарган, ўз дастури остида ишлаган, ўқитувчи олдида ўз топшириғи бўйича ҳисобот берган ва бошқа ўқувчилар билан умуман боғланмаган. Чунки, ўқувчилар турли ёшда ва ҳар хил тайёргарлик даражасига эга бўлишган. XII-XIII асрлардаёқ университетларда, XV-XVI асрларда эса ўрта ва бошланғич мактабларда ўқитиш амалиётида группали ўқитиш йўлга қўйилган.

Ишлаб чиқаришнинг ва жамиятда маънавий ҳаётнинг роли ортиши натижасида ўқувчиларни оммавий равишда ўқитиш шакллари вужудга келди. Ўқув ишини ташкил қилишнинг бундай шакллари билан бири бўлган группали

ҳолда ўқитиш, дастлаб Жанубий-Ғарбий Русь қардошли мактабларида (XVI аср) қўлланилган.

Ўқитишнинг бу шакли бир қатор элементлари билан ажралиб турарди. Ўқув ишини ташкил этиш учун ўқувчилар ёшлари бўйича тақсимланишар ва деярли бундай тайёргарлик даражасига эга бўлган гуруҳларга бирлаштирилдилар. Машғулотлар бир вақтнинг ўзида бутун гуруҳ билан биронта материал бўйича ўтказилар эди. Ўқувчилар мактабга йилнинг бир пайтида ва олдиндан белгаланган куннинг соатларида келишлари керак эди.

Қардошлик мактаблари тажрибасини умумлаштирган ҳолда улуғ чех педагоги Я.А.Коменский ўқитишнинг синф-дарс системаси қуйидаги хусусиятлар билан белгиланади:

- тенг ёшдаги ўқувчилар синф ташкил этадилар; унинг таркиби эса бутун мактаб даврида қисман ўзгариши мумкин;

-ҳар бир синф ўз ўқув режаси асосида ишлайди;

- ўқувчилар учун ташкил этиладиган ўқув-тарбия машғулотларининг асосий шакли бўлиб дарс хизмат қилади;

-ҳар бир дарс фақат биронта ўқув предметига бағишланади;

-синфда ўқувчиларнинг ўқув иши ўқитувчи томонидан бошқарилади.

Я.А. Коменский ўқитувчи томонидан бир вақтнинг ўзида нисбатан кўпроқ миқдордаги ўқувчиларни (40-50 ўқувчи) ўқитиш мумкинлигини таъкидлаган. Хатто ўқувчилар сонини 300 гача кўпайтириш мумкин эканлиги тўғрисида фараз қилиб, бунда ўқитувчининг умумий раҳбарлиги остида ажратиб олинган энг кучли ўқувчилар ҳар қайси 10 ўқувчилар билан машғулотлар олиб боришлари шарт қилиб қўйилган.

XIX асрнинг охирида танлайдиган ўқитишнинг шакллари вужудга келди. Булар АҚШда Батава системаси ва Европада Маннгейм системасидир. Ўқув ишини ташкил қилишнинг танланадиган системаларини вужудга келишига ўқитишнинг оммавий шаклларининг камчиликларини йўқотиш учун ҳаракатлар сабаб бўлди. Хусусан, бу системалар одатдаги ўқитишга хос бўлган оммавий нуқсонлар - қандайдир мавҳҳм «ўртача ўқийдиган ўқувчи»га мослаштириб ўқитиш, ўқитишнинг зарурий индивидуаллаштиришнинг таъминланмаганлигини бартараф этишга қаратилган эди. Баттава системасида ўқувчиларнинг иш вақти 2 қисмга ажратилиб, биринчи қисми синф билан дарсда ишлашга, 2-чи қисми эса, ўқувчилар билан индивидуал ишлашга бағишланар эди. Катта синфларда ўқитувчи ёрдамчиси билан ишлаган вау қолақ ҳамда камроқ қобилиятли ўқувчиларга кўмаклашган.

Маннгейм системасига кўра, ўқувчилар қобилияти ва ўзлаштиришларига қараб кучсиз, ўртача ва кучли синфларга тақсимланган. Танлов имтиҳонлар ва кузатиш асосида амалга оширилган, кейинчалик ҳам ўқувчини синфдан-синфга ўтказиш мумкин бўлган. Ҳозир ҳам Австралияда ва АҚШда бу система асосида турли типдаги мактаблар ишламоқда.

Дальтон-план номини олган индивидуаллаштирилган ўқитиш тизими XX аср бошларида АҚШда вужудга келиб, уни шунингдек, лаборатория ёки устахоналар системаси деб ҳам аташади. Бунда мактабда одатдаги синфлар

ўрнида предмет устахоналар ташкил қилиниб, уларда ҳар бир ўқувчи устахонадаги ўқитувчидан топшириқ олган ва унинг ёрдамида индивидуал ҳолда шуғулланган. Машғулотнинг умумий режаси (дарс жадвали) бўлмаган, коллектив ўқув иши эса кунига бир соат ўтказилган. Бошқа вақтда эса ўқувчилар материални индивидуал равишда ўрганишган ва ҳар бир предмет ўқитувчиси олдида ҳар қайси мавзу бўйича топшириқнинг бажарилганлиги ҳақида ҳисобот беришган. Дальтон-план ўқувчиларда шошма-шошарлик туғдирди, ўқитувчининг ўқув жараёнидаги ролини пасайтирди ва билимларни мустаҳкам ўзлаштиришни таъминламади.

XX асрнинг биринчи чорагида АҚШда ўқитишнинг лойиҳалар системаси вужудга келди ва у «лойиҳалар методи» номи билан танилди. Бу система асосида ўқувчилар фаолиятини амалий ҳолда ташкил қилиш ётади. Ўқувчилар ўқитишда турли хил содда амалий ишлар билан машғул бўладилар. Билимларни ўқувчи билиш учун эмас, фаолият учун ўзлаштиради. Ўқувчи фақат ўзи амалда бажариши мумкин бўлган нарсаларга қизиқади. Бунда билиш билан амалий фаолият бирлаштирилади. Аммо чуқур назарий таълим берилмайди.

«Тармп плани» номини олган ўқитиш системасида ўрта мактабда ўқитиш 100-150 ўқувчини камраб олган катта гуруҳларда ўтказилиб, бунда лекциялар ва турли-туман ўқитишнинг техникавий воситаларидан фойдаланилади ва бу тарздаги ўқитишга ўқув вақтининг 40% сарфланади. 10-15 кишилиқ кичик гуруҳларда лекция материаллари муҳокама қилинади, алоҳида бўлимлар чуқурроқ ўзлаштирилади ва малакалар ҳамда кўникмалар эгалланади, бунга ўқув вақтининг 20% сарфланади. Ўқувчиларнинг мустақил, индивидуал ўқув ишига қолган 40% ўқув вақти харж қилинади.

Ҳозирги умумтаълим мактабларида ўқитишнинг синф-дарс системаси энг барқарор ва кенг тарқалган тизими бўлиб қолмоқда. Аммо у ягона ва бирдан-бир ўқув ишини ташкил этиш шакли эмасдир ва шунингдек камчиликлардан ҳам холи эмас. Мактабда ўқитиш шакллари тақомиллаштириш бўйича кўпгина тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Дарс ўқитишни ташкил қилишнинг шундай шаклики, бунда ўқув машғулоти ўқитувчи томонидан доимий тартибга, бирдай ёшга ва тайёргарлик даражасига эга бўлган ўқувчилар гуруҳи билан маълум вақт оралиғида ҳамда белгиланган машғулотлар жадвали бўйича ўтказилади.

Дарс умумтаълим мактабида ўқитишни ташкил этишнинг асосий шаклидир. ўқитишнинг ташкилий шакли сифатида, дарс қўйилган ўқув-тарбиявий вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган ўқувчилар гуруҳининг режали ва фаол равишдаги ўқув-билиш фаолиятини таъминлайди. Дарснинг яхши ташкил этилиши ва ўтказилиши ўқитувчи томонидан дарсга қўйиладиган ижтимоий ҳамда педагогик талабларни тўғри тушунилишига, бажарилишига боғлиқдир. Замонавий дарсга қўйиладиган талаблар умумтаълим мактабининг вазифалари, ўқитишнинг қонуниятлари ва принциплари билан аниқланади.

Замонавий дарсга қўйиладиган асосий талаблар қуйидагилар:

1) ўқув вазифаларининг аниқ белгиланганлиги, улардан асосий ва иккинчи даражали вазифаларнинг ажратиб кўрсатилиши;

2) таълимий ва тарбиявий вазифаларнинг бирлиги, билимлардан ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини шакллантиришда фойдаланиш;

3) дарс вазифаларига мос ҳолда ўқув материалининг энг қулай мазмунини танлаб олиш, дарсни керакли жиҳозлар билан таъминлаш;

4) энг мақсадга мувофиқ ўқитиш методларининг ва усулларининг танланганлиги;

5) ўқувчиларнинг билиш фаолликларини таъминлаш;

6) коллектив ўқув ишини ҳар бир ўқувчининг мутстақил ўқув фаолияти билан биргаликда олиб бориш;

7) дарс мазмунини ҳаёт ва амалиёт билан, аввал ўзлаштирилганва олдинда ўзлаштириладиган материаллар билан боғлаш;

8) дарснинг ташкилий жиҳатдан пухталиги (ўз ва=тида бошланиши, ҳар бир дақиқанинг тежалиши, мантикий тугалланганлиги, дарс мобайнида ўқувчиларнинг онгли интизоми).

Дарс мактабда ўқитишнинг асосий, аммо бирдан-бир ташкил этиш шакли эмас. Дидактикада ўқитишни ташкил қилишнинг дарсдан ташқари турли-туман шакллари асослаб берилган ва мактаб амалиётида кенг қўлланиб келмоқда. Жумладан, ўқув лекциялари, семинарлар, ўқув конференциялари, экскурсиялар, ўқув-амалий, амалий машғулотлар, практикумлар, зачетлар, имтиҳонлар, факультатив машғулотлар, ўқувчиларнинг уйдаги мустақил ишлари ва бошқа шакллар - ўқитишни ташкил қилишнинг дарсдан ташқари шакллари дир. Уларни ўқув ишини ташкил қилишнинг қўшимча шакллари деб ҳам аташади. Ўқув ишини ташкил қилишнинг қўшимча шакллари ўқувчиларнинг синф-дарс системасидаги фаолиятини тўлдирувчи ва ривожлантирувчи турли хил машғулотлар дир. Уларнинг баъзилари ностандарт (ноанъанавий) дарслар қаторидан жой олмоқда, баъзи ўқув муассасаларида эса маълум муддат ичида ўқитишнинг асосий шакллари ролини бажармоқда. Мисол учун, гимназия мактабларида семинар, ўқув лекцияси, факультатив машғулотлар ёки экскурсия кўпроқ дарслар ўрнида қўлланилаёпти.

Дарс ўқитишни ташкил қилишнинг асосий шакли сифатида ўқув жараёнининг барча бўғинларини амалга оширади. Аксинча, ўқитишни ташкил қилишнинг бошқа шакллари эса ўзига хос тузилишдан иборат бўлиб, ҳар бир аниқ ҳолатда ўқув жараёнининг фақат биргина бўғини амалга ошириш мумкин. Масалан, **ўқув лекцияси** –янги билимларни шакллантириш, **семинар**-мустаҳкамлаш ва билимларни такомиллаштириш, **имтиҳон**-билимларни назорат қилиш ва текшириш каби ўқитиш жараёнининг бўғинларини амалга оширади. Ўқитишнинг бу шакллариининг ўзига хослиги билимларнинг асосий манбалари, материални баён қилишнинг устувор усуллари, билимларни такомиллаштириш ва шакллантириш, малакалар ва кўникмаларни таркиб топтиришнинг кўпроқ қўлланилаётган йўллари, ўқувчилар ўқув фаолиятининг устувор турлари билан аниқланади. Масалан, лекцияда маълумот олишнинг асосий манбаи ўқитувчи бўлса, семинарда- ўқувчилар дир.

Қуйида ўқитишнинг шакллариини қисқача таърифлаб ўтамыз:

1.Маъруза.Маъруза-билимни суз билан ифодалаш услубларидан бири сифатида бериладиган билимларни огзаки баён қилишни кузда тутиб , уз

хажмининг катталиги , мантикий курилиши, образли исботлаш ва умумлаштиришнинг мураккаблиги билан хикоядан ажралиб туради.

2. Ўқув конференцияси – ўрганилаётган материал аввал яхши ўзлаштирилган материалларга асосланса, мараккаб бўлмаса, дарсликда ва ўқувқўлланмаларида тушунарли ифодаланган бўлса ўтказилади. Ўқитувчи мос дастур мавзуси бўйича конференция ўтказиши, талабалар мунозарасини ташкил қилиши мумкин.

3. Ўқув экскурсияси – табиий шароитларда кузатишлар ўтказишга, турли предметлар, ҳодисалар ва жараёнларни ўрганишга имкон берадиган ўқитишни ташкил қилиш шаклидир. Талабалар музейлардаги экспонатлар билан, фабрика ва заводлардаги иш жараёни билан танишиб, табиат қўйнида турли ҳодисаларни кузатиб билимлар эгаллайдилар.

4. Практикумлар лаборатория ёки амалий машғулотлардан иборат бўлиб, улар мобайнида талабалар дастурга мос равишда маълум цикл ишларни бажарадилар. Практикумлар лабораторияларда, устахоналарда, ўқув кабинетларида, ўқув-тажриба участкаларида ўтказилади.

5. Семинарлар дастурнинг асосий бўлимлари ўрганилгач, ва кўпроқ ижтимоий фанлар бўйича ўтказилади. Бу ўқув шаклида суҳбат ва талабаларнинг мунозаралари бирлаштирилади.

6. Факультатив машғулотлар талабалар томонидан танланадиган ва уларнинг ҳоҳиш-истакларига кўра ўрганиладиган, илмий-назарий билимларини ва амалий кўникмаларини чуқурлаштириш ва кенгайтиришга мўлжалланган ўқув предметларидир.

7. Ўқувчилар билан қўшимча машғулотлар уларнинг билимларидаги камчиликларни тўлдириш, ўзлаштирмасликнинг олдини олиш мақсадида ташкил қилинади. Масалан, **консультациялар**, қолоқ талабалар билан қўшимча машғулотлар, кучли ўқувчиларнинг синфдаги қолоқ ўқувчилар билан машғулотлари, ўқитувчининг ўқувчилар билан индивидуал машғулотлари шулар қаторига киради.

8. Имтиҳон семестр ўқув йили ёки бир неча йиллар давомида ўқув-билиш фаолияти натижаларини қайд этиш учун амалга ошириладиган ўқув ишини ташкил қилишнинг шакли.

9. Ўқувчиларнинг уй ўқув ишлари ўқитувчининг ўрганилаётган материални такрорлаш ва янада чуқурроқ ўрганиш ҳамда амалда қўллаш бўйича топшириларини мустақил бажаришдан иборатдир. Уй ўқув ишлари икки белги билан характерланади: ўқитувчи томонидан бериладиган ўқув топшириғининг мавжудлиги; бу топшириқни бажариш бўйича ўқувчиларнинг мустақил ишлари. Уй вазифалари қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- дарслик бўйича ўқув материални ўзлаштириш;
- оғзаки машқлар бажариш;
- ёзма равишдаги машқларни бажариш;

2. Маъруза машғулотларига тайёргарлик кўриш

Маъруза (арабча, лекция (лот. lectio) - ўқиш) ўқув материали, бирор масала, мавзу кабиларнинг изчил, маълум бир тизимга со-лингган баёнидир.

Маъруза ўқув жараёнининг асосий бўғини, дарс ўтишининг асо-сий шаклларида биридир.

Маъруза ўқувчи-талабалар билан мулоқотда бўлишининг ало-ҳида шакли ва уни бошқа ҳеч қандай ўқув шакли билан алмаш-тириб бўлмайди. Маърузанинг олдида қўйиладиган мақсад ҳар хил бўлиб, бу мақсад максимал даражада амалга ошиши учун, унинг функцияларига аҳамият бериш керак.

Маъруза ўқитишининг қуйидаги қатор функцияларини бажаради.

1. Профессонал таълим бериш ва дунёқарашни шакллантириш.

2. Талабалар диққатини асосий мақсадга йўналтириш. Маърузада талабаларнинг диққат-эътибори ўқув материалининг асосий мазмуни, қонун-қоидалари, уларнинг назарий ва келгусидаги ама-лиётда, мутахассислик фаолиятида қандай ўрин тутиши ва аҳами-ятига, уни ўзлаштириш методларига қаратилади.

3. Талабаларга тарбиявий таъсир кўрсатиш. Уларни ахлоқий, маънавий жиҳатдан баркамол бўлиши, меҳнатга муносабати, ижти-мой-психологик хислатларини шакллантириш.

4. Билим бериш, ўрганаётган фан бўйича ахборот олиш, олган ахбороти асосида хулоса чиқаришга ўргатиш.

5. Методологик - маъруза жараёнида тадқиқот методлари тақ-қосланади, қиёсланади, илмий изланиш тамойиллари аниқланади.

6. Идрок, тафаккурни ривожлантирувчи – тингловчиларда бил-маганини билишга қизиқиш уйғотади. Мантиқий фикрлаш ва ўз фикрини асослашга ўргатади.

Маърузада мавзунинг асосий саволлари кетма-кетлик асосида ёритилади. Албатта, маърузанинг методик жиҳатдан ёритилиши, баён этилиши қўйилган мақсад, ўрганилаётган фаннинг, мавзунинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ. Маъруза фақатгина иқтисо-дий ривожланишининг

асосий қонуниятларини очиб бериш билан чекланиши керак эмас, фаннинг сўнги ютуқларидан фойдаланган ҳолда илмнинг амалиётда қандай аҳамиятга эга эканлигини, ҳаётда реал муаммоларни ечишдаги аҳамиятини, ечиш йўлларини ҳам кўрсатиши керак.

Маъруза қандай фандан ўқилишидан қатъи назар, илмий ха-рактерга эга бўлиши, турли назарий йўналишлар, илмий мактаб-ларнинг асосий ғояларини талабалар онгига етказиши ва олган билимини ишончга айлантириши керак. Ҳар қандай маърузанинг энг зарур шарти аудитория билан мулоқотга киришишдир. Маъруза ўқиш, энг аввало, унга тайёрланишдан бошланади. Бунинг учун биринчи навбатда, маъруза мавзуси бўйича адабиётлар танлаш ҳамда улар билан танишиб чиқиш керак.

Иккинчидан, фан бўйича ишлаб чиқилган дастурга кўра, маъ-руза режаси ва режа бўйича матн тайёрланиши ҳамда дарсни ўтка-зишда қўлланиладиган методларни танлаб чиқиш, дарс жараёнини технологик тизим сифатида таркиби, кетма-кетлигини аниқлаш лозим.

Маърузада дарсни уч босқичга бўлиш мумкин:

1. Кириш. Аввалги маърузада нималар ўрганилган, унинг натижаси нималар билан боғлиқ, бугунги дарсга қандай мақсад қўйилапти? Аввало дарс илгариги мавзу билан боғланади. Кейин янги мавзу эълон қилинади. Маърузарежаси, мустақил ўқиш учун зарур асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхати тавсия этилади. Мавзунини ўрганишдаги

асосий термин, тушунчалар, мустақил ра-вишда бажариладиган ишлар, топшириқлар берилади.

2. Асосий босқич. Бу босқич маъруза режасига кўра танланган дарс ўтиш методларини қўллаган ҳолда ўтказилади. Тингловчи-ларга мўлжалланган ахборотлар етказилади.

3. Якуний босқич. Маърузага якун ясалади, қисқача хулоса чи-қарилади. Талабалар диққати учун мазкур мавзудаги энг асосий ту-шунча, эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар, ҳодисалар таъкидланади. Қўйилган мақсадга қай даражада эришилди, бу таҳ-лил қилиб, баҳоланади.

Бугунги маърузада бажарилган иш келгуси фаолиятда қандай муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўрсатилади.

Маърузаларнидидактик вазифасига қараб:

*** кириш;**

*** мавзулар бўйича;**

*** йўл-йўриқ кўрсатадиган;**

*** таҳлилий;**

*** якунловчи маърузаларга бўлиш мумкин.**

Кириш маърузаси маълум бир фанни, мавзунини ёки муаммони ўрганишга бағишланиб, унда ана шу масала, муаммолар ҳақидаги фикрлар, уларнинг ижобий томонлари, камчиликлари, ечилмаган муаммолар кўрсатилади. Ўрганишни бошланган фаннинг предмети, ўрганиш методлари бўйича маъруза кириш маърузасига типик мисол бўла олади.

Мавзулар бўйича маърузалар - энг кўп ўқиладиган маъруза бўлиб, унда ўрганилаётган мавзунинг асосий мазмуни, амалиётда си-налган,

қабул қилинган илмий қарашлар, мавжуд ечимини кутаёт-ган масалалар баён қилинади. Уларни ечишнинг мавжуд йўллари кўрсатилади, янгиларини топиш тавсия этилади.

Йўл-йўриқ кўрсатувчи маъруза - талабаларга мустақил ишлаш-ни ўргатишга қаратилади.

Ундакўпроқ методик маслаҳатлар бери-лади.

Тавсия қилинадиган адабиётларни мустақил ўқиш, улар устида ишлаш жараёнида диққатни қаратиш лозим бўлган маса-лалар кўрсатилади.

Таҳлилий маъруза у ёки бу муаммо, мавзу ёки маълум бир тизимга солинган саволларни маълум бир мантиқий алоқадорликда баён қилишга қаратилади. Кўпинча олий ўқув юртларида якуний назорат ёки имтихон-аттестациялар олдидан ўтказилади.

Яқунловчи маъруза маълум бир мавзу, муаммони ёки фанни ўрганиб, унинг якуни бўйича ўтказилади. Муаммо ечимлари ва фаннинг предмети тўғрисида асосий хулосалар баён этилади.

Маъруза ва унга қўйиладиган асосий талаблар
--

Иқтисодий фанларни ўрганишда талабалар-нингижодий фикрларини ривожлантириш-га таъсиркўрсатиши, уларни жамиятри-вожланиши иқтисодий қонун, тенденцияларини чуқур тушуниши, назарий масалалар билан амалиётни боғ-лаш маҳоратини ҳосил қилишлари

учун маъруза қуйидаги асосий талабларга жавоб бериш керак:

- Маълум бир йўналишга, иқтисодиётни асосий қонунлари, тен-денциялари, принциплари, ижтимоий, иқтисодий тараққиёт-нинг муаммоларини таҳлил қилишга қаратилган бўлиши керак. Шунингдек, ёш авлоднинг дунёқарашини шакллантириш, ҳаёт ке-чириш тарзини танлашнинг тарбиявий аҳамиятини ошириши лозим. Илмийлиги жиҳатдан назария асосларини амалиёт билан, масаланинг қўйилишини илмийлик билан ҳамда иқтисодиётнинг янги долзарб масалаларига ижодий ёндашиш билан, назарий далилларнинг мантикийлик билан узвий бирлиги таъминланиши керак.

Иқтисодий фанлардан маъруза ўқиш ўқитувчи олдида қуйида-ги вазифаларни қўяди:

- талабаларга иқтисодиёт фанларининг назарий бойлигини очиб бериш;
- дунёдаги машҳур иқтисодчилар, Ўзбекистон республикаси Президенти ва таниқли иқтисодчи олимларнинг ишларини чуқур-роқ ўрганишга ёрдам бериш;
- бир фандан олган билимларини бошқа фанларни ўрганишда ижодий қўллашларига ёрдам бериш;
- талабаларга бозор иқтисодиёти шароитида мураккаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечиш учун тўғри йўл топиш бора-сида ўзига ишонч руҳини тарбиялаш.

Маъруза талабаларда фанни ўрганишга қизиқиш, иштиёқ уйғотиши керак. Маърузани шундай тузиш керакки, талабада фанни чуқур ўрганиш учун мустақил равишда адабиётлар топиш, уларни устида ишлаш, тушунишга хоҳиш-истак туғилсин. Шунинг учун зарур материаллар, китоблар, журнал ва бошқа манбаларни тан-лаш принципиал аҳамиятга эга.

Маърузанинг ижтимоий-иқтисодий йўналиши унинг илмий-лиги билан боғлиқ. Маърузачи реал ҳаётнинг объектив таҳлилига, иқтисодий тараққиётнинг асосий қонуниятларига, иқтисодий ҳоди-салар ва хўжалик ҳаётининг омиллари ўртасидаги ички боғланиш-ларни аниқлашга, таҳлил қилишга асосланиши керак.

Тажриба шуни кўрсатадики, талабага ишончли далиллар, чуқур таҳлил кўпроқ таъсир қилади. Ҳар

қандай фан, жумладан, иқтисодий фанлар ҳам ишончли далиллар, маълумотлар, назарий ва амалий хулосаларга таянади.

Психологларнинг кузатишларича билиш, ўрганиш жараёни фикрлар қарама-қаршилиги асосига қурилса, самарали бўлади. Илмий мунозара талабалар учун ижодий муҳит яратади. Иқти-содчи-педагоглар учун мўлжалланган маърузада мунозарали савол-ларни қўйиш, турли нуқтаи назарларни баён қилиш мақсадга мувофиқ. Маърузачининг ўзи маълум бир нуқтаи назарни қўллаб-қувватлар экан, талабаларга ҳам ана шу қараш тўғрилигини ту-шунтириши, аудиторияни ишонтириши керак.

Маърузанинг илмийлиги материални баён қилишнинг изчил-лиги, саволларни аниқ, тушунарли қўйилишини кўзда тутди. Ил-мий-иқтисодий жараёнлар, иқтисодий ҳаётни таҳлил қилишда та-рихийлик ва мантиқийликка амал қилишни талаб этади.

Маърузага тайёрланиш жараёнида ўқитувчи мавзу бўйича са-волларни қандай баён қилишни, қандай услублар қўллашини кўз ўнгига келтириши керак. Ана шундагина мавзу бўйича адабиёт-ларни, зарур маълумотларни тўғри танлаши мумкин. Ўқитувчи, за-рур далиллар, маълумотларга эга бўлсада, уларни ишонарли, асос-ланган ҳолда баён қилмаса фандаги долзарб саволларга жавоб бе-ришдан четлаб ўтиши ёки четга чиқиши мумкин. Бу ҳол талаба-ларда маърузадан қониқмасликка, унинг ишончилиги ва тарбия-вий аҳамиятини туширишга олиб келади.

Назария билан амалиётнинг ўзаро боғланиши ниҳоятда мураккаб жараён. У турли-туман: ички, ташқи, билвосита ва бево-сита, муҳим ва унча муҳим бўлмаган омиллар билан аниқла-нади. Шунинг учун ҳам маърузага тайёрланиш пайтида

ана шу жараён-ларни чуқур таҳлил қилишни билиш, у ёки бу ходисани ривож-ланишининг асосий тенденцияларини аниқлаш керак. Мавзудан четдаги турли-туман мисоллар билан чекланиш ярамай-ди.

Назарияни асослаш учун хўжалик ҳаётидаги турли-туман ходиса-ларни ижобий ёки салбий мисол сифатида келтириш унчалик қийин эмас. Лекин реал воқеликни нотўғри кўрсатиш, фақат юзаки ташқи алоқаларни таъкидлаш билан чекланиш ярамайди. Улар масаланинг моҳиятини ифодаламайди ва очиб бермайди.

**Маърузада реалфактлар,
маълумотларнинг ўрни**

Иқтисодий фанлар бўйича ўқилади ган маърузада фактлар, реал маълумотларнинг ўз ўрни бор.

Чунки улар иқтисодий жараён, муаммоларни моҳиятини очишга ёрдам бера-ди. Лекин улардан маҳорат билан фойдаланишгина кутилган натижани беради. Бунинг учун қонуний боғланишлар, тенденция-ларни кўрсата оладиган рақамларни қўллаш керак.

Рақамлар, маълумотлар ўрганилаётган предметнинг мазмунини тасаввур этиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Албатта рақам-лардан ўз фикрини тасдиқлаш учун фойдаланиш, мумкин. Лекин назарий қоидалар иқтисодий ходиса ва жараёнлар моҳиятига тушу-нишда ҳам муҳим роль ўйнашини ёддан чиқармаслик керак. Ҳар бир

**педагог рақамлардан юзаки, шунчаки
фойдаланишдан қочиши керак. Иқтисодчиларнинг
фикрича, далиллар, рақамлар қайта иш-лашни
талаб этадиган маълум қурилиш материали, холос.**

**Реал маълумотлар, рақамлар қуйидаги
талабларга жавоб бери-ши керак:**

- ҳозирги замон хўжалик ҳаётининг ўзига хос айрим томонларини кўрсатиши, кўз ўнгига келтиришига ёрдам бериши;
- синчковлик билан уларни танлаб олиш ҳодисани ўрганишга, унинг ўзига хос томонлари, тутган ўрнини аниқлашга ёрдам бериши;
- маълумотлар, далилларни танлаётганда хилма-хил бўлишига аҳамият бериш, шу билан бирга, тасодифий фактлардан эҳ-тиёт бўлиш керак. Чунки улар у ёки бу ҳодисани моҳиятини очиб бера олмайди, аксинча, талабаларни чалғитиши мумкин. Шунинг учун:
- маърузага тайёргарлик кўрганда янгилиги нуқтаи назаридан энг сўнгги рақамларни келтириш керак;
- танланган далиллар ишончли, синалган бўлиши, ҳеч кимда иккиланиш уйғотмаслиги;
- ҳар қандай маърузада фактларга назарий қоидалар моҳиятини очишга хизмат қиладиган даражада ўрин берилишига эътибор қилиш керак. Агар назария билан фактлар ўртасида оптимал нисбат бузилса, талаба фактларни чалкаштира бошлайди. Ваҳоланки, маърузада асосий мақсад назарий концепцияларни талабалар онгига етказишдир.
- Маърузада негатив фактларни ҳам тўғри шарҳлаш, уларни қандай оқибатга олиб келиши, бартараф қилиш йўллари ҳа-қида тўхташ керак. Маърузачининг вазифаси негатив факт-ларни эълон қилиш эмас, балки уларни таҳлил қилиш, хулоса чиқаришга ўргатишдир.

**Фактлар маърузага жонли мазмун, ҳаётийлик
нафасини бахш этади, унинг аҳамияти бу
жиҳатдан бебаҳодир.**

**Маърузани
баёнқилиш**

Индуктив метод маърузада хусусийликдан умумийликка, дедуктив метод эса-умумийликдан хусусийлик томон баён қилишни ифода-лайди.

Индуктив метод далиллар, хусусий, умумий хулоса, назарий қоидалар, аниқ фаолият учун амалий хулосалар тарзида баён қилинса, дедуктив метод-назарий хулоса, умумий, хусусий, фаолият учун практик хулоса тарзида баён қилинади.

Талабаларнинг иқтисодий фанларни ўрганишларида, илмий дунёқарашни шакллантиришда маърузанинг роли беқиёсдир. Шу билан бирга, маърузанинг мазмунини талабаларга етказишда ўқи-тувчининг ролини унинг барча методлар, кўргазмали қуроллар, тарқатма материаллар ва бошқаларни қўллашдаги моҳирлигини ҳисобга олмай, маърузанинг ролини кўрсатиб бўлмайди.

Биринчи курсдан бошлаб, хусусийликдан умумий мантиқий хулоса чиқариш ўрганилар экан, ўқитувчи шу тизимни бузмагани ҳолда ундан фанни чуқурроқ ўзлаштириш учун фойдаланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Яна шуни ҳам ҳисобга олиш зарурки, талабаларда хулосани шошилишч умумлаштиришга ҳаракат қилиш ҳолати учраб туради. Айрим пайтларда талабалар ўйлаб ўтирмайдангал, умумлаштириб бўлмайдиган хусусий фактларни ҳам умумлаштиришга ҳаракат қилишади. Ўқитувчи маъруза ўқишга тайёрланар экан, бу тенден-цияни ҳам ҳисобга олиши зарур.

Маърузада материални қай тарзда баён қилинишига қараб да-лиллар, хусусий, умумий хулоса, назарий қоидалар-аниқ фаолият учун амалий хулосаларга келиш тарзида берилиши мумкин. Ин-дуктив методда маъруза кўпинча қизиқарли, кўзга ташланадиган факт ёки мисолдан, айниқса, шу куннинг бирон долзарб масаласи бўлган, аудиториянинг диққатини жалб қиладиган масаладан бош-ланади.

Индуктив метод талабаларни хусусий кузатувлардан кетма-кет умумий хулоса чиқаришга ўрганиш имконини беради. Уларни мустақил фикрлашга ўргатади.

Дедуктив методда эса маъруза умумий назарий масалалардан бошланади. Бу метод иқтисодий фанларнинг умумий қонунлари, қоидаларини реал ҳаётга татбиқ қилиш, амалиётда кўриш ва баҳолаш, хўжалик ҳаётида қўллаш, иқтисодий ҳаёт ходисалари, жараёнларини, хўжалик юритиш сиёсатини чуқурроқ тушуниш имконини беради.

Тажриба шуни кўрсатадики, маъруза ҳам индуктив, ҳам де-дуктив метод асосида олиб борилса мақсадга мувофиқ бўлади. Аввал ишчи гипотеза, таклиф шаклида аудиторияга умумий савол ташланади, сўнгра талабаларни мулоҳазалари далиллари, факт-лари таҳлил маълумотлари шу саволга тўғри келиши биргаликда муҳокама қилинади, хулосалар чиқарилади.

Бу ҳолда маъруза-асосий ғоя, уни далиллар асосида тасдиқ-лаш - хусусий саволларни изчилликда баён қилиш, дедуктив ме-тодда мавзунинг умумий характеристикасини бериш тарзида тузи-лади.

Маърузанинг самарасини оширишда кўргазмали қуроллар (ди-аграмма,схема, жадвал, график кабилар)нинг аҳамияти каттадир. Кўргазмали қуроллар орқали ахборотни қабул қилиш, мавзунини чуқурроқ тушунишга, ўқув материалини хотирада узоқ сақла-нишига ёрдам

беради. Лекин кўргазмали қуролларга ҳаддан ташқари берилиб кетиш ҳам керак эмас, чунки аудитория билан мулоқот йўқолади ва натижада маърузанинг самараси пасаяди. Аммо танлаб олинган, тайёрланган кўргазмали қуроллар сўзсиз маъруза самарасини анчагина оширади.

Маърузага иложи борича талабалар диққатини қаратиш керак. Бунинг учун маърузанинг кириш ёки унинг асосий қисмида масаланинг моҳиятини очиб беришга қаратилган савол қўйиш мақсадга мувофиқ. Педагоглар тажрибаси шуни кўрсатадики, ўқи-тувчининг мавзуни баён қилишидан аввал ёки баён қилиш жараёнида савол қўйиши, уни баён қилиб бўлгач, қўйилган саволига қараганда тўлиқроқ, яхшироқ натижага олиб келар экан. Чунки илгари қўйилган савол талабани жавоб қандай бўлиши керак, деб ўйлантира бошлайди ва жавобни ўқитувчидан эшитишга диққа-тини қаратади.

Иккинчидан, маъруза бошланганидан 20 дақиқача вақт ўтгач, талабалар диққати сусаяди. Буни ҳисобга олиб, ҳар 15-20 дақиқа-да ёки ҳар бир узвий саволни баён қилишда турли методлардан фойдаланиш, талабалар диққатини жалб қиладиган саволлар ташлаш мақсадга мувофиқдир.

Дарс бериш жараёнида мисол келтирганда гуруҳдаги талаба-ларга бевосита мисоллар келтириши диққатни ўзига жалб қилади. Масалан, «Одилжон билан Эркинжон бизнес билан шуғулланиш-моқчи, лекин ишни нимадан бошлашни ўйланиб туришибди. Сизнингча, улар нимадан иш бошлаши керак?», «Дилбар доимий ўртача харажатлар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортган сайин камайиб боради, дейди, Динора эса йўқ, ўзгармайди, дейди. Сиз-нингча, уларнинг қайси бири ҳақ?» сингари мурожаатлар жонли мулоқотга бошлайди.

Бошқа ўқув шаклларига қараганда маърузачининг маърузасини ҳис-ҳаяжон, жўшқинлик билан баён этиши муҳим роль ўйнайди. Маърузачи ҳис-ҳаяжонини ўзгартириш, мимикаси

орқали талабаларни дарсга қизиқишини кучайтириши ёки аксинча, сусайтириши мумкин.

1. Маърузанинг эмоционал таъсири ўқитувчининг маъруза материални эркин баён қилиши билан тўғридан-тўғри боғлиқ. Эркин баён қилиш орқали аудитория билан боғланиш яхшиланади. Талабаларнинг акс таъсирини кузатиш имкони вужудга келади. Оғзаки нутқ хусусиятлари, яъни диалогдан фойдаланиш мумкин бўлади.

Аксинча, маъруза матнига қарайвериш аудитория билан контакт ўрнатишни қийинлаштиради, уни бузади, чунки ёзма нутқ, одатда, монолог тарзида бўлади. Бу ерда гап фақат маърузачининг тайёрланган материални эркин эгаллаган бўлиши, матнни зерикарли тарзда ўқимаслиги ҳақида бормокда.

2. Оғзаки нутқ, яъни маъруза тушунарли, эшитиб, қабул қи-лишга осон, қисқа жумлалардан тузилган бўлиши керак, чунки узун, мураккаб жумлалар фикрни хиралаштиради. Ўқитувчи баён қилинаётган материални яхши билишидан ташқари ўз овозини ҳам назорат қилиши зарур. Интонациянигоҳ баланд, гоҳ паст қи-либ нутқ ўзгартириш орқали талабалар диққатини тортиш, ўз вақтида пауза ва бошқа интонациялардан ҳам фойдаланиш зарур.

«Эркин манера» тарзида дарс бериш, маърузачининг аудиторияда у ёқдан бу ёққа юриши талабаларни диққатини тортади ва тушунишни қийинлаштириб, уларни мавзудан четлаштиради. Педагог ўзининг «иш зонаси»га эга бўлиши, ундан фойдаланишни билиши керак.

4. Маърузачи ўзининг ташқи кўринишига ҳам эътиборберишни ёддан чиқармаслиги зарур.

5. Маълумки, маърузанинг жўшқинлиги, маълум даражада унинг ёрқинлигига боғлиқ. Жўшқин, маъноли нутқ фақат аниқ мисоллар билангина эмас, балки мақол, матал, бадий образлар билан бойитилиши зарур. Бу ҳол маърузани қизиқарли қилиб, талабалар диққатини жалб этади.

Шундай қанотли сўзлар ҳам бўладик, улар ниҳоятда ажабланарли даражада нишонга тегиши билан мураккаб ҳодисалар моҳиятини очиб беради. Фақат ана шу бадий сўз, мақоллар, маталлар баён қилинаётган материал билан бир бутунликни ташкил қилиши зарур. Масалан, меъёрий нафлиликни тушунтирганда талабаларга «Меъёрий нафлилик мазмунини ифодаловчи қандай мақолни биласиз?» -деб мурожаат қилиш ёки «Нафлиликни даражаси пасайиб бориши қонунини ифодаловчи қандай мақолни биласиз? Нафлилик товарнинг нархини шаклланишида қандай рол ўйнайди?» ёки «Ҳисобини билмаган - ҳамёнидан айрилар» мақоли нимага ишора қиляпти? деб мурожаат қилиш мумкин. Биринчисида талабалардан «ҳолванинг ози ширин», иккинчисида «олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ», учинчисида, «ҳисоб-китобнинг нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди» жавобини олишга аҳамият бериш ёки мақолни баён қилиб, уни баёнини талабалар билан биргаликда нафлилик назарияси билан ёки харажатлар, фойда ва бошқалар ҳисоб-китоби билан боғлаш мумкин.

6. Маърузанинг тўғри тузилиши, дарснинг ҳар бир минутидан самарали фойдаланиш машғулотларнинг муваффақиятини таъминлайди.

7. Аудитория билан «қайта алоқа» ўрнатишда талабаларнинг саволи ва ўқитувчининг жавоби муҳим роль ўйнайди. Одатда, кўпинча маърузанинг охирида саволларга вақт ажратилади, лекин бу маъруза жараёнида савол берилмайди, дегани эмас.

Саволларга жавоб берганда жавобнинг қисқа, асосланган бўлишига аҳамият бериш керак. Агар савол кўшимча далилларни талаб этадиган бўлса, буни очиқ айтиш мумкин, (айтайлик, статистик маълумотлар шу дақиқада йўқ бўлса) сабабини кўрсатиб, келгуси дарсда жавоб беришга ваъда қилса, бунинг айби йўқ. Агар савол индивидуал тарзда бўлса, маърузадан сўнг ёки маслаҳат дарсида жавоб бериш мумкин.

Савол-жавобда ўқитувчининг нутқ оҳангидан доимо хайрихоҳлик сезилиб туриши, саволдан салбий муносабат сезилмаслиги керак, акс ҳолда аудиториянинг ишончи йўқолади.

8. Ҳар қандай шароитда (ташқаридаги шовқин-сурон, эшик ортидаги ғала-ғовур, қурилиш ва ҳоказо) ўқитувчи ўзини тута билиши лозим.

9. Нутқда тақлиддан қочиш, бир гапни бир неча марта такрорламаслик керак.

10. Нутқда сийқаси чиққан сўзларни имкон қадар ишлатмаслик зарур.

Албатта, идеал тарзда маъруза ўқиб бўлмайди. Лекин ҳар бир ўқитувчи ўзининг барча имкониятини, маҳоратини ишга солиб, дарс ўтиши шубҳасиз, маърузанинг ижобий томонларини устун бўлишига олиб келади.

Таълим тизимидаги ўрнига кўра, маърузалар - мавзуни, бўлимни, курсни ўрганишни бошловчи ёки таълимнинг маълум бир босқичини тугалловчи маърузаларга бўлинади.

Ахборотни талабаларга етказиш нуқтаи назаридан монолог ёки диалог тарзида ўтказилган маърузалар бўлади. Монолог тарзидаги маърузада асосан маърузачи гапиради, кўрсатади. Тингловчилар маъруза ўқиш жараёнига суст иштирок этадилар. Ақсинча, диалог тарзидаги, тингловчиларнинг ҳам фикрини эшитган ҳолда ўтказиладиган маърузалар жонли бўлиш унда тингловчилар фаоллиги таъминланади.

Таълим беришнинг асосий метод ва усулларига кўра, маърузаларни-ахборот берувчи, муаммоли,

жадаллаштирилган, бинар (бир-биридан фарк қилувчи икки хил фикр билдирилувчи), аввалдан атайлаб хато фикр ҳам баён қилиниши режалаштирилган, маслаҳат маърузаларига бўлиш мумкин.

Ҳозирги пайтда нисбатан кўп қўлланиладиган ёки борган сари оммалашиб бораётган маъруза шакллари: ахборот берувчи, муаммоли ва жадаллашган(чуқурлаштирилган) маърузалар бўлиб, улардан ҳозиргача энг кўп қўлланиладигани ахборот берувчи маърузадир. У анъанавий методга асосланган бўлиб, асосий вазифа ўқув ахбороти – мавзунинг мазмунини талабаларга баён қилиш, тушунтиришдан иборат. Унда ўқитувчи асосан билим берувчи ролини бажаради. Бу монолог тарзида баён қилинади.

Мамлакатимизда 80-йиллардан бошлаб маърузаларни муам-моли тарзда баён қилишга эътибор берила бошланди. Бунда мақ-сад янгича билим олиш, яъни янги мавзуни ўрганиш, муаммоли саволлар, масалалар қўйиш, муаммоли вазият яратиш орқали амалга оширилади. Билиш жараёни диалог тарзида амалга оширилиб, ўқитувчининг фаолияти талабалар билан ҳамкорликда кечади. Дарс тадқиқот фаолиятига ўхшаб кетади. Дарс ўтишда педагогик вазифа - янги мавзуни муаммо сифатида ўртага қўйиб, турли нуқтаи назарларни ҳисобга олган ҳолда, уни ечиш йўл-ларини топиш орқали удаланади. Ҳозирги куннинг талабларидан келиб чиқиб, дарсда талабалар фаоллигини оширишга

қаратилган жадаллаштирилган(чуқурлаш-тирилган) маъруза методини қўллаш борган сари оммалашмоқда.

2.Семинар машғулоти, маслаҳатлар, амалий машғулоти, илмий семинарлар ва коллоквиум ўтказиши.

Семинар дарси талабаларнинг билим олишлари, уни пухта ўзлаштиришлари ва олган билимларини келгусида реал ҳаётда қўллашни ўрганишларида алоҳида ўрин тутаяди. Шунинг учун ҳам семинар дарсини қизиқарли, талабаларни фаол қатнашишларини таъминлайдиган услубларни қўллаб дарс ўтиш мушмил аҳамиятга эга.

Маърузада одатда кўпроқ баён қилиш етакчи рол ўйнайди. Талабалар дарсда пассив рол ўйнашади. Семинар дарсида эса талабалар актив рол ўйнашади. Дарсда турли услубларни қўллаб уларни фаоллигини таъминлаш имконияти кенг.

Семинар (лот. *seminarium*-манба, кўчма маънода-мактаб)-ўқув амалий машғулоти шаклидан бири. Асосан олий ўқув юртиларида, илмий тўғарак, анжуманларда қўлланилади.

Таълимнинг семинар шакли Қадимги Юнон ва Рим мактабларида пайдо бўлган. Кейинчалик Ғарбий Европа университетларида ривожлантирилган. Бу университетларда семинар асосан, талабаларнинг адабиётлар, манба устида ишлаш вазифасини ўтаган. XX аср бошларида семинар дарслари талабаларнинг умумий илмий дуёқарашини кенгайтиришда, уларни муайян фан, тарихидаги муҳим муаммо ва тадқиқотлар билан таништиришда катта рол ўйнай бошлаган.

Семинарнинг асосан уч тури бор:

1. Ўрганилаётган фан ёки курсни чуқур ўрганишга ёрдам берадиган семинар дарслари.
2. Айрим муаммо, асосий ёки муҳим мавзунини ўрганиш учун ўтказиладиган семинарлар.
3. Тадқиқот характеридаги семинарлар.

Ўқув жараёнини ташкил этишда семинар дарслари алоҳида ўрин тутаяди. Семинар талабаларнинг билимларини мустахкамлашни таъминловчи, ижодий қобилиятларини намоён қилувчи ўқув жараёни шаклидир. Семинар машғулотида тарғиб қилинган мақсади талабаларнинг чуқур билим олишини таъминлаш, олган билиминини реал ҳаётда қўллашга ўргатишдир.

Бунинг учун талабалар олган ахборотларини таҳлил қилиш, илмий тадқиқот ўтказиш, таққослаш, хулоса чиқаришни билиши керак. Бундай маҳоратга эга бўлишга кўп жиҳатдан семинар дарси ёрдам беради.

Семинар дарсининг олдида қўйилган бош мақсадни амалга ошириш учун дарсининг олдида қўйилган қатор вазифаларни амалга ошириш керак. Бу вазифалар семинар дарслари бажарадиган функцияларда ўз ифодасини топади.

Семинар дарси бир қатор функцияларни бажаради:

- Талабаларга профессионал таълим бериш ва тарбиялаш;
- Мустақил ишлаш малакасини ўстириш;
- Талабаларни мантикий фикрлашга ўргатиш;
- Нутқ сўзлаш, илмий мунозаралар олиб боришга ўргатиш;
- Мустақил фикр юритиш ва ўз фикрини ўртоқлашишга ўргатиш;
- Ўртоқлари фикрини танқидий нуқтаи назардан баҳолашга ўргатиш;
- Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш;


Инсоннинг эсда сақлаш хотираси-бу бизнинг биокомпьютер. Одатда олинган ахборотнинг жуда кўпи қисқа муддатгина ёдимизда сақланади. Бошқа янги ахборотни қабул қилар эканмиз, аввалги ахборот хотирадан кўтарилиб кетади. Ахборотлар ниҳоятда хилма-хил бўлиб, инсон ҳар куни ўз ҳаётида қабул қиладиган ахборотлар миқдори, турлича қабул қилиниши, хотирада сақланиб қолиниши жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади.

Биз маъруза, доклад эшитар эканми, унинг 5 фоизини, ўқиган материалларимизни 10 фоизи, видео, расм, кўргазмаларни кўр-ганимизни 20 фоизини, тажрибани намоёниш қилинганида кўрган ва эшитганларимизни 30 фоизини, мунозарага киришсак, бирга муҳокама қилганимизни 40 фоизини, машқ ечар эканмиз, ўқиган, ёзган, гапирганларимизнинг 50 фоизини эслаб қолар эканмиз. Ишбилармон ўйин, лойиҳа методи, мустақил ўқиганларимиз, таҳлил қилганларимизни муҳокама қилиш самарали метод экан. Бунинг натижасида талабалар онгида маълумотнинг 75 фоизи сақланиб қолар экан. Лекин, ўқув-амалий машғулотлар жараёнида талабаларнинг бир-бирларига ўргатишлари ундан ҳам самаралироқ ҳисобланади, бунда 90 фоиз маълумот ўзлаштирилади.

Инсоннинг эсда сақлаш хотираси – биокомпьютердир. Одатда, олинган ахборотнинг жуда кўпи қисқа муддат ёдимизда сақланади.

Ўқитиш «пирамида»си¹

¹«Таълим самарадорлигини ошириш йўллари» мавзuidaги семинар-тренинг материаллари. Тренерлар учун қўлланма. Тошкент, 2002, 67-бет.



АХБОРОТНИ ЭСЛАБ ҚОЛИШ

1. Маъруза, доклад. Эшитганимизнинг 5 фоизи;
2. Ўқиш. Ўқиганимизнинг 10 фоизи;
3. Видео, расм, кўргазмаларни кўриш. Кўрганимизнинг 20 фо-изи;
4. Тажрибани намойиш қилиш. Кўрган ва эшитганимизнинг 30 фоизи;
5. Мунозара. Бирга муҳокама қилганимизнинг 40%;
6. Машқ. Ўқиган, ёзган, гапирганларимизнинг 50%;
7. Ишбилармон ўйини, лойиҳа усули. Мустақил ўқиган-ларимизнинг, таҳлил қилганларимизнинг, муҳокама, ҳимоя ва ёз-ганларимизнинг, намойиш қилганларимизнинг 75 фоизи;
8. Бошқаларни ўқитиш. Бошқаларни ўқитган нарсаларимизни 90 фоизи.

Бошқаянги ахборотни қабул қилар эканмиз, аввалги ахборот хотирадан кўтарилиб кетади. Ахборотлар ниҳоятда хилма-хил бўлиб, инсон ҳар куни ўз ҳаётида қабул қиладиган ахборотлар миқдори турлича бўлиб, хотирада сақланиб қолиш жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади.

Психологларнинг фикрича, ахборотни хотирада узоқ сақлаб қолиш учун, у гўёки миямизда филтрдан-бошқача айтганда элакдан ўтиши, сараланиши, гўёки хотира қурилмасига ўтказилиши керак экан. Ахборотлар сараланиб, охир-оқибат алоҳида у ёки бу томони билан ажралиб турадиганларигина хотирага ўтар экан.

Узоқ муддат хотирада қоладиган ахборотларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Ниҳоятда қизиқарлилиги, жўшқинлиги ва бошқа шу каби хусусиятлари билан ажралиб турувчи ахборотлар;
- Тасаввур, ҳис-туйғу ва шу каби бир-бирини эслатадиган ўзаро боғланишдаги ахборотлар;

- Инсон томонидан тушуниб, моҳиятига етилган ахборотлар;
- Фаоллик билан қабул қилинган, ўрганилган, масалан, такрорланиб турадиган ахборотлар.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, олимларнинг илмий тадқиқоти кўрсатадики, оддий инсон одатда ахборотларни қуйидагича ўзлаштирар экан:

20% эшитганини хотирада сақлаб қолади;

30% кўрганини ўзлаштиради;

50% эшитиш ва кўриш орқали билиб олади;

70% ўзи тушуниб гапиргани, эшитгани ва кўргани натижасида ўзлаштиради;

100% шу ишни бажариши, гапириши, эшитиши ва кўриши орқали ўзлаштиради.

Лекин билимни ўзлаштириш билан бир қаторда уни ёдда сақлаш, ундан фойдаланиш, такрорлаб туриш муҳим аҳамиятга эга. Олинган билим ундан фойдаланилмаса, такрорлаб турилмаса хотирадан кўтарилади. Халқимиз бежиз айтмаган ”Такрорлаш-билимнинг онасидир” деб.

Олинган билимдан фойдаланиб такрорлаб туриш, ёдда сақлаш ёки ундан фойдаланмаслик, такрорламаслик оқибатида олинган билим (фаол) актив билим заҳираси ёки пассив (суст) билим заҳирасига айланади.

Олинган ахборот филтрдан ўтгач қисқа муддат ёдда сақланади. Қисқа муддат ёдда қолган билим иккинчи филтрдан ўтгач, шу билимни ёдда сақлаш, фойдаланиш, такрорлаш туфайли актив (фаол) билим заҳирасига айланади.

Агарда бу билимлардан фойдаланиб, такрорлаб турилмаса, пассив (суст) билим заҳирасига айланади ва бора-бора хотирадан кўтарилади. Билимни такрорлаш туфайли ёддан кўтарилишини олдини олиш мумкин. Булардан шундай хулоса чиариш мумкин: талабаларнинг энг аввало, ўқув материални ўзлаштириши, ёдда қолиши учун олинадиган ахборотни иложи борича эшитиш ва кўриш орқалигина эмас, балки ўзи гапириши, ўз фаолиятида синаб кўриш орқали етказиш катта аҳамиятга эга экан. Бунга эришишнинг йўли семинар дарсларини турли-туман услублар орқали олиб боришдир.

Айнан семинар дарсида талабалар маъруза, китоб, журнал ва хоказолар орқали олган ахборотлари, билимларини тушунган ҳолда гапириб бериш, уни моделлаштириш асосида синаб кўриш имкониятига эга бўлади.

Семинар дарсини ўтказишда қўлланидиган услублар турли-туман бўлиб, у ёки бу услубни танлаш, аввало ўрганилаётган фаннинг хусусиятига; иккинчидан, эса ўтилаётган мавзуга; учинчидан, семинар дарсида қўйилган мақсадга; тўртинчидан, танланган услубни қўллаш имкониятига боғлиқ.

Ҳозирги пайтда иқтисодиёт назарияси фанини ўрганишда нисбатан кенг қўлланиладиган услублардан эксперт савол-жавоб саволлар тизимига асосланган муҳокама, семинар машғулотлари режаси бўйича атрофлича суҳбат, моделлаштирувчи ўйин, доклад ва рефератларни муҳокама қилиш, масала, машқ, тест ечиш ва уларнинг натижасини муҳокама қилиш ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Семинар мавзуси маъруза мавзуси билан бир хил бўлиши шарт эмас. Айрим пайтларда мавзу саволларини маърузада кўтарилса, айримларини семинарда муҳокама қилиш мумкин. Хозирги пайтда шундай тажрибаамал қиладики, маърузада кўрилган мавзу албатта семинарда ҳам муҳокама қилинади. Лекин маълум шароитда семинар дарси ва унинг мавзусига бошқача ёндошиш мумкин. Айтайлик, мустақил ўрганиш учун турли адабиётлар, бошқа ахборот манбалари мавжуд бўлса, семинарда мустақил ўрганилган мавзуни муҳокама қилиш мумкин. Айниқса мавзуни ўрганиш учун вақт етишмаган пайтда бундай усул қўл келади.

Семинар дарсини муваффақиятли ўтказиш учун энг аввало асосий ва қўшимча адабиётларни синчковлик билан ўрганиб чиқиш зарур. Адабиётларни ўрганиш дарс жараёнида талабаларнинг диққатини қаратиш лозим бўлган масалаларни алоҳида ажратиш, мавзуни қайси усул асосида ўрганишни режалаштириш ва дарсга тайёрланиш имконини беради. Айниқса аудиторияда жонланиш, муҳокама қилиш мунозарага сабаб бўладиган саволлар қўйилганда юз беради. Натижада мавзуни чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради.

Шунинг учун ҳам бундай саволларни тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Мавзунинг мазмунини ўзлаштиришни чуқурлаштиришнинг энг оддий йўли бу саволларни мураккаблаштириш ҳамда алоҳида саволлардан саволлар тизимига ўтиш орқали амалга ошириш мумкин.

Бу эса қўйилган саволларга жавоб бериш, муаммони, саволни муҳокама қилиш жараёнида вужудга келган муаммоли вазиятни ўрганиб, уни ечиш имкониятини беради. Масалан, иқтисодиёт назариясининг бош муаммоси нима? деган савол қўйилган. Бу ерда талаба иқтисодиёт назарияси фанининг бош муаммоси - ресурсларнинг чекланганлиги шароитида чексиз эҳтиёжларни қондириш муаммоси - деб жавоб бериши мумкин.

Ана шу саволни бошқача саволлар тизими асосида қўйиш мумкинки, натижада талабалар қўйилган масалани чуқурроқ тушунишига олиб келади. Уни айтайлик, қўйидагича саволлар тизими асосида қўйиш мумкин: Иқтисодиёт назариясининг бош муаммоси нима? Нима сабабдан бу муаммони бош муаммо деб атаймиз? Сизнингча иқтисодиётда яна қандай муаммолар бор? Ана шу саволлар тизимига жавоб бериш жараёнида талабалар уни чуқурроқ ўрганиб олишади: иқтисодиёт назариясининг бош муаммоси ресурсларнинг чекланганлиги шароитида чексиз эҳтиёжларни қондириш муаммоси эканлиги, унинг бош муаммо бўлишига сабаб, бу муаммо иқтисодиётдаги барча муаммоларни ўз ичига қамраб олиши эканлигидир. Уларга мисол қилиб, бир неча муаммолар: танлаш муаммоси, ҳар бир уй хўжалиги, фирма, давлатнинг олдида қўйган мақсади ва унга эришиш муаммоси ва ҳоказоларни кўрсатиш мумкинки, уларнинг барчаси ресурсларнинг чекланганлиги билан боғлиқдир.

Мавзуни ўрганишни чуқурлаштиришга савол шаклини ўзгартириб, уни мураккаблаштириш орқали эришиш мумкин. Айтайлик иқтисодиёт назариясининг бош мақсади нима ва уни нимага бош муаммо дейилади? Сабабини кўрсатиш? деган тарзда қўйиш мумкин. Талабаларни

мавзуни у ёки бу категорияни қай даражада тушунганларини синаш ва пухтароқ тушунишлари учун жавобларини талабалар билан биргаликда муҳокама қилиш асосида **мини -тест** ўтказиш усулини қўллаш мумкин.

Семинар дарсининг талабалар томонидан билим, иқтидор, нутқ сўзлаш, бошқалар фикрига танқидий қарашни талаб этадигануслугларидан мунозара бўлиб, у мураккаб.

Ўқитувчи семинар дарси ўтишга хозирлик кўрар экан, семинар машғулоти режасига биноан дарсни қандай, қайси услубларни қўллаб ўтказди. Қандай кыргызмали қуроллар, тарқатиладиган материаллардан фойдаланади? Авволдан режалаштириб, зарур материалларни тайёрлаб қўйиши керак.

Семинар дарсига тайёргарлик кўриш ва ўтказишни қуйидаги намунавий семинарда кўриб чиқамиз. Мазкур семинар дарси ўтишга доир услубий кўрсатмалар дарс ўтишга тайёргарлик кўришни режалаштириш ва ўтказишга ёрдам беради.

Намунавий семинар машғулоти

Мавзу: **Социал - иқтисодий эҳтиёжлар ва ишлаб чиқариш.**

Дарсининг мақсади: социал-иқтисодий эҳтиёжлар ва уларнинг таркибига турли жиҳатдан ёндошиш; эҳтиёжларни шаклланишида ахборотнинг ролини англаш; ресурсларнинг чекланганлиги шароитида чексиз эҳтиёжларни қондириш муаммоси иқтисодиётнинг бош муаммоси эканлигини тушуниб етиш; танлов ва қарор қабул қилиш муаммоси, қарор қабул қилишнинг муқобил вариантлари ва мезонларини ишлаб чиқишни ўрганиш; қарор қабул қилиш учун ахборотнинг аҳамияти нақадар катта эканлигини англаш.

Мавзу бўйича семинар машғулотига тайёрланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати тузилади.

Дарсда ёритилиши лозим бўлган асосий таянч тушунчалар ва атамалар:

Индивидуал эҳтиёж, моддий эҳтиёж, умумжамият эҳтиёжи, маънавий эҳтиёж, шахсий ва ишлаб чиқариш эҳтиёжи, гурухий эҳтиёж, муқобил қиймат, ишлаб чиқариш имконияти.

Дарс ўтиш учун зарур жиҳозлар:

доска, бўр, латга;

проектор, слайдлар, фломастер, китоб, газета-журналлар.

Дарс ўтишда фойдаланиладиган кўргазмали қуроллар (слайд ёки ватман қоғозга чизилган бўлиши мумкин ёки дарс давомида доскага чизиш мумкин):

- эҳтиёжлар ва ресурслар таркибининг таснифи берилган схема;
- имконият эгри чизиғини ифодаловчи график.

Тарқатиладиган материаллар:

- ишлаб чиқиш имконияти эгри чизиғи модели тасвирланган график асосида масалалар, дарсда бериладиган топшириқлар;
- қарор қабул қилиш сеткаси.

Амалий дарсида муҳокама қилинадигани саволлар ва уларга ажратилган тахминий вақт:

Ташкилий қисм 5-8 минут

Муҳокама қилинадиган саволлар:

1. Социал иқтисодий эҳтиёжларнинг мазмуни. индивидуал, гурухий ва умум жамиятэҳтиёжлари 10-15 минут
2. Ўзбекистонда эҳтиёжларнинг хусусиятлари. эҳтиёжларнинг таркиби. 10-15 минут
3. Эҳтиёжларнинг чексизлиги. Эҳтиёжларнинг юксалиш қонуни. 10-15 минут
4. Ресурсларнинг чекланганлиги. Ишлаб чиқариш имконияти. Танлов ва муқобил қиймат. Қарор қабул қилиш. 10-15 минут
5. Иқтисодиётнинг бош муаммоси -20 минут.

Дарсни якунлаш 4-5 минут.

Ўз-ўзини текшириш учун савол ва топшириқлар

1. Нима учун маъруза ТТ элементи ҳисобланади? тушунтириб беришга ҳаракат қилинг.
2. Маърузага, таълим бериш усулларидек тавсиф беринг.
3. Маъруза усулининг самарадорлик шартларини айтинг ва уларнинг кенгайтирилган тавсифларини беринг.
4. Маърузага, таълим беришни ташкиллаштириш шаклларидек тавсиф беринг.
5. Маъруза шаклидаги таълим беришнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида гапириб беринг.
6. Нима учун? семинар ТТ қисми ҳисобланишини тушунтиринг.
7. Семинар, ўқув машғулотини ташкиллаштириш шаклига асосланган тавсиф беринг.
8. Асосий семинар турларини айтинг.
9. Ҳар бир семинар қандай хусусиятларга эга?
10. Ўқитувчи томонидан семинарни бошқаришни танлаши қандай омилларни аниқлайди? У йўл нимада намоён бўлади?
11. Семинар самарадорлигини баҳолашда қандай мезонларга амал қилиш керак?
12. Ўқитувчи семинарда бажарадиган вазифа ва уни амалга ошириш воситасини айтинг.
13. Таълим беришнинг савол-жавоб техникаси нимада намоён бўлишини айтиб беринг.
14. Семинар машғулотининг технологик харитасини ишлаб чиқинг ва асослаб беринг.

5- Мавзу: Талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими.

Режа:

1. Рейтинг тизими ҳақида тушунча ва унинг аҳамияти.
2. Жорий, оралиқ ва якуний назоратларни ўтказиш тартиби

Ҳар бир жамиятнинг келажаги унинг ажралмас қисми булган таълим тизимининг кай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Оғир

иктисодий, ижтимоий, сиёсий кийинчиликларни енгиб утиб, тараккиёт йулига кирган мамлакатимизда таълим тизимини ислох килиш, унга ривожланган мамлакатларнинг илгор технологияларининг жорий килиш, миллий кадриятларимизни сингдирган холда таълимни ташкил этиш, бу жараёни пухта ва самарали амалга ошириш ишлари бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кутарилди. Бу борада 1997 йил тарихий хужжат Республикамизда "Таълим тугрисида" Конун ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" кабул килинди. Унинг асосий максоди мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимини ислох килиш, комил инсон ва етук малакали мутахассислар тайёрлашдир. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг асосий таркибий қисмларини шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш ташкил этади. Мазкур конун ва дастурни руёбга чиқариш таълим тизимини тубдан қайд қилишни, яъни халқ таълими тараккиетнинг қоидаларини қайта қуриб чиқишни ва уни уз вақтида хал қилишни тақозо этмокда. Чунки, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да ХХІ асрда яшайдиган, ижод қиладиган, Ватан ва юрт мустақиллигини мустақкамловчи, инсонларнинг манфаатини, уларнинг билими, қуниқма ва малақасини шакллантиришга алоҳида аҳамият берилган замонавий аҳборот технологиялар, таълимни компьютерлаштириш ва компьютерлаш тармоклари тизимида таълим жараёнини аҳборот билан таъминлашнинг ривожланишига эътибор қаратилган. Зеро, миллий дастурда эътироф этилгандек, "таълимни аҳборот билан таъминлаш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, уни жаҳон аҳборот тизими билан боғлаш, оммавий аҳборот воситаларнинг таълим соҳасидаги вазифаларини белгилаш" малақадли кадрлар тайёрлашнинг муҳим муаммолардандир. Демак, янги аср инфор­мацион технологиялар асри булади.

Бу масаланинг бир томони. Масаланинг иккинчи бир муҳим жиҳати шундаки, янги аср халқаро, иктисодий корпорация-жаҳон миқёсидаги интелектуал салоҳият, ақл-зақоватнинг бирлашув асри булади.

Маълумки педагогикада бошқа илм соҳаларидан олинган қуплаб атамалардан фойдаланади, бу нарса педагогикани бошқа фанлар билан чуқур алоқада эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Бундай атамалар техника ва иктисодиётдан энг қуп миқдорда қириб қелади, чунки айни шу соҳалар ижтимоий фикрнинг ривожланишига энг қуп таъсир қурсатади. Чунончи бугун уқитишнинг тежамқорлиги ва оқилоналиги уқитувчи, техника ва технология, Талим иктисодиёти, уқитишни компьютерлаштириш ва шунга ухшашлар ҳақида тез-тез гапирилмокда. Адабиётларда "Янги тартиб қоида", "Янгилик", "Инновация" тушунчаларининг маънавий мазмунини аниқлашнинг турлича талқинлари мавжуд.

Янги тартиб қоида моддий маънода ижобий илгор янгиликни, бу тушунчани кабул қиладиган ва ундан фойдаланадиган ташкилий система учун янги булган гоё фаолият ёки моддий объектни англатади. "Янги тартиб қоида", "Инновацион жараён" атамалари айнан ухшаш бир хил маънога эга. Инновациялар таълимнинг бошлангандан буен, янгилик қиритиш, мавжуд таълим узгартириш, таъқомиллаштириш ва яхшилаш сифатига у билан ёнма-ён қелмокда. Янгилик - бу техник, технологии ихтиро ва ютуқлардан амалий

фойдаланишдир. У педагогик категория сифатида таълимга янгилик киритишни англатади. Янгилик кўпинча янги методлар, усуллар, воситалар, янги концепциялар, янги укув дастурлари, тарбия усуллари ва бошқаларни киритиш ҳамда қўлланишга хосдир.

Янги педагогик технологияда укувчиларинг билимларни уз вақтида назорат қилиш ва баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

Бунда узлаштиришни назорат қилиш ва баҳолаш натижаларига қараб давлат таълим стандартларининг қандай бажарилаётганлигини текшириб борилади ва вазифалар белгиланади. Билимларни назорат қилиш ва баҳолаш натижасида укувчи талабаларда билимлар янада кенгайди. Таълим соҳасидаги яхши натижалар ёшлар тарбиясига ҳам таъсир қурсатади. Уларда кутаринки рух, уз қучига бўлган ишонч ва кизиқишлар пайдо бўлади.

Рейтинг тизими. «Рейтинг» инглизча суз бўлиб, баҳолаш, индивидуал коэффицент маъноларини англатади. Укувчилар билими сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими деганда ҳар бир талабанинг ўқиш жараёни ва укув натижасини баҳолашга бир хил ёндашуви: Рейтинг тизими таркибига қўйилдагилар қиради:

- назорат турлари (жорий, оралик, якуний);
- назорат усуллари (оғзаки, ёзма, педагогик тест);
- вақти-вақти билан баҳолаш;
- баҳо шкаласи;
- укувчига қўйиб борилган баҳоларни предмет бўйича умумий баҳога бирлаштириш қоидалари;
- натижаларни расмийлаштириш қоидаси ва бошқалар.

Рейтинг тизимини қўллашнинг мақсади ва вазифалари, одатда, қуйидаги натижаларга эришиш учун шароит яратиш ҳисобланади:

- укувчи ва студентлар давлат таълим стандарти талабларини узлаштиришига эришиш;
- билимни баҳолашда объективлик ва мунтазамликни таъминлаш;
- талабаларнинг укув - билиш характерларини фаоллаштириш, ўқишга ижобий мотив ҳосил қилиш, мустиқил ишлашларига эришиш;
- ҳар бир талабанинг укув соҳасида эгаллаган ўрнини аниқлаб, ютуқлари учун рағбатлантириш;
- таълим натижаларини такқослашга имкон яратиш қабилар.

Илгор рейтинг тизими қуйидаги асосий талабларга жавоб бериши керак:

1. Узлуксиз таълим ҳар бир босқичининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш.

2. Қўп балли шкалани қўллаш.

3. Уқитувчи қўядиган баҳолар мураккаб математик ҳисоб-қитоблар билан боғлиқ бўлмаслиги лозим. Баҳо укув юртида қабул қилинган (қўлланиб келаётган) мезонларга биноан қўйиб борилиш керак.

4. Рейтинг тизими натижалари укувчилар, ота-оналар, пелагоглар тушуниши учун қўлай (синф журналидан билиб олиндиган) бўлиши лозим.

5. Хар бир укувчи укув юртида услубиёт булими вазирлик курсатмасига биноан ёки узи мустакил барча огзаки, езма ва тест назоратларининг минимал миқдорини белгилайди ва шу асосда якуний рейтинг бахоси чиқарилади.

6. Узлуксиз таълимнинг хар бир боскичида турли укув юртлари рейтинг тизимлари натижалари таълим натижаларини таккослашга имкон бериши керак.

Чет эл тажрибасидан таълим жараёнига кириб келган **рейтинг тизими** бугунги куннинг назорат мезони деб қабул қилинди. Рейтинг деганда- баҳолаш, тартибга келтириш, классификациялаш, биронта ходисани олдиндан белгиланган шкала бўйича баҳолаш тушунилади. Рейтинг назоратида тест ҳам самарали қулланилади.

Тест деганда- аниқ вазифани такомиллашганлигини даражасини аниқлашда сифат ва миқдорий улчамларда белгилаш имконини берадиган, фаолликнинг бирон шаклини кизиқтирувчи, бирон аниқ топширик шаклидаги синов қуроли тушунилади.

Тестнинг самарадорлигини қуйидагича белгилаш мумкин:

- назорат учун кам вақт сарфланади;
 - назорат ва амалий билимлар даражасини объектив шароитда аниқлаш имконини беради;
 - куп сонли талабалар билан бир вақтнинг узида назорат олиб бориш мумкин;
 - билим натижалари уқитувчи томонидан тезкорлик билан текширилади.
- Рейтинг назорат тизимининг асосида укув режасига киритилган хар бир фаннинг талаба узлаштиришнинг сифат курсаткичларини баллар билан баҳоланади. Хар бир семестрдаги фанлардан тупланган баллар йигиндиси ва талабанинг семестр давомидаги, фанлардан туплаган баллар йигиндиси эса талабанинг узлаштиришни баҳолаш чорак ва семестр давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қийдаги назорат турлари орқали баҳоланади;
- жорий назорат
 - оралик назорат
 - якуний назорат

Жорий назорат - бу урганиладиган мавзуларни укувчи, талабалар томонидан қандай узлаштираётганини мунтазам равишда дарс жараёнида назорат қилишдан иборат. Бу назорат уқитувчи томонидан қандай узлаштирганини мунтазам равишда дарс жараёнида назорат қилишдан иборат. Бу назорат уқитувчи томонидан утақзалиб, талабанинг билими даражасининг шу фаннинг хар бир мавзуси бўйича аниқлаб бориш қузда тутилади.

Оралик назорат, бу мазкур фан бўйича утилган бир неча мавзуларни уз ичига олган бўлиб ёки қием бўйича талабанинг билимини аниқлаш демақдир. Оралик назорат дарсдан ташқари вақтда утқазилади ва талабаларга узлаштириш курсаткичларини ошириш имконини беради.

Якуний назорат - бу назорат семестр учун белгиланган мавзулар тулик уқитиб булингач, утилган мавзулар бўйича «ёзма» огзаки, тест шаклида утқазилади. Талабанинг фан бўйича симестрдаги рейтинг бахоси жорий, оралик

ва якуний назоратларда тупланган баллари буйича аникланади. Укув педагогик ишлаб чиқариш ва диплом олди амалиётлари даврида олинган билимлар ҳам рейтинг баллари билан боғланади.

Педагогикада мониторинг деганда укув жараёнини узлуксиз, узок вақт муттасил кузатиш ва уни бошқариш тушунилади. Педагогик мониторинг уқитувчи ва талабани тугри ҳаракат қилиш учун зарур ахборотлар билан таъминлайди. Бунда тадқиқот объекти - укув тарбия жараёнининг натижалари ва қурилган мақсадга эришишда ишлатиладиган воситаларидир.

Таълим мақсадларига эришилганини баҳолаш. Баҳолаш - жорий, оралик ва якуний назоратларни уз ичига олади. Жорий назорат талабанинг узлаштира бораётганидан муттасил хабардор қилиб туради, одатда, жорий назоратда боланинг билимига баҳо қўйилмайди, интилишлари маъқулланиб борилади, шу тариқа у билимларни шакллантиришда иштирок этади. Педагогик технологияда хабардор бўлиб бориш (обратная связь) таълимда йул қўрилган ҳатони тузатиш учунгина эмас, таълим мақсадларининг аниқлашга ҳам хизмат қилади. Якуний назоратда режалаштирилган таълим мақсадига эришилгани баҳоланади.

Назорат оғзаки, ёзма ёки тест шаклида бўлиши мумкин. Оғзаки ва ёзма назорат. Оғзаки назоратнинг яхши жиҳатлари: уқитувчининг талаба билан жонли мулоқоти, шахсан алоқада бўлиши; оғзаки нутқни машқ қилиши; билимини чуқурроқ аниқлаш (текшириш) учун қўшимча саволлар бериш имконияти қабилар қиради. Оғзаки жавоб бериш талабани фаол фикрлашга ундайди.

Оғзаки жавоб беришда яхши тайёрланган уқувчи уз билимдонлигини, қўшимча урганларини намойиш этади. Талаба билан бевосита алоқа натижасида сураш пайтида боланинг билим узлаштириши масаласида уқитувчида тугилган айрим шубҳалар бартараф этилади.

Шу билан бирга талабанинг билимини оғзаки назорат қилишда педагогнинг шахсий хусусият, сифатлари акс этади. Оғзаки баҳолашда ҳар бир уқитувчига ҳос объективлик ва субъективлик муноасбати намоеън бўлади. Педагогик тадқиқотларда аниқланишича икки имтиҳон олувчининг бир талабага бир фандан қўйган баҳолари 40-60% га мос келади. Бир болага имтиҳончиларнинг биттаси юқори баҳо қўйган бўлса, иккинчиси паст баҳо қўйиш ҳоллари учрайди. Битта ёзма ишнинг узига турли имтиҳончилар турлича баҳо қўйишлари мумкин. Ҳуллас, оғзаки ва ёзма имтиҳонларда уқувчига қўйиладиган баҳоларда субъективлик аломати купрок. Уқитувчи купинча баҳони бошқа уқувчиларга нисбатан қуяди, бунда қўйилаётган баҳо қамайтирилиши ҳам, ошириб юборилиши ҳам мумкин. Ёзма имтиҳоннинг яхши томони - укув материални бола узлаштириб олганига ҳужжатли далил бўлади, талаба уз фикрларини коғозда ифодалаши учун амалиётдир.

Оғзаки ва ёзма назоратнинг анъанавий тизимига ҳос жиддий нуқсонлар қаторига қўйидагилар қиради:

1. Имтиҳонда талаба билетдаги 3-4 та саволга жавоб беради, баҳо эса укув предмети дастурини билгани учун қўйилади.

2. 5 балли баҳо шкаласи билим узлаштириш даражалари орасидаги тафовутларни аниқ белгилашга имконият бермайди.

3. Оғзаки ва ёзма имтихонлар билим узлаштириш сифатини объектив, аниқ ва асосли баҳолашни таъминлай олмайди.

4. Оғзаки сурашга, шунингдек ёзма ишларни текширишга вақт куп кетади.

5. Оғзаки ва ёзма назорат учун компьютерларни ишлатиш кийин, уларни автоматлаштириб булмайди. Бу жихатдан тест назорати устунликларга эга. Тест назоратининг яхши томонларига куйидагилар киради:

1. Яхши педагогик тест объектив педагогик улчаш (баҳолаш)нинг инструменти булиб, унинг натижаси назорат утказувчи одамга боғлиқ булмайди.

2. Педагогик тест укув материали мазмунини тулик камраб олиши мумкин, таълим натижасини тест усулида улчашда - ҳамма талабаларга нисбатан бир хил олдиндан белгиланган шкалага биноан аниқ ва тугри баҳо куйилади.

3. Тест назоратида техникани ишлатиш кулай, бу маълум укув материални ёки бутун бир фанни, нисбатан оз вақт, кам куч сарфлаб, оммавий назорат килишга имкон беради.

4. Тест назоратини компьютерлар воситасида автоматлаштириш осон. Бу унинг муҳим устунликларидан биридир.

Лекин, тест усули ҳам нуқсонлардан холи эмас, масалан, тест назоратининг куп шакллари талабани оғзаки ва ёзма жавобларини мустақил ифодалаш имкониятидан маҳрум этади. Талабанинг рухий кечинмалари ҳам укутувчи олдида эркин жавоб бераётганидек намоён булмайди; билимдонлиги, шахснинг узигагина хос рухий хусусиятларини курсатиш имконияти йук. Имтихон топширувчи тугри жавобни танлашигина мумкин, холос. Шунга карамай педагогик тестларнинг ижобий имкониятлари катта, улардан уринли, тугри фойдаланиш таълим тизимининг барча бугинларида укиш ва укутиш сифатини оширишга хизмат килади. Хар бир педагог таълим бошқаруви идораларининг ходимлари тест маданиятини, тест назарияси ва амалиётини чуқур урганишалри лозим. Педагогик тестларни куллаш укутиш жараёни ва натижаларига катта таъсир утказиши мумкин: сифатли тузилган тестлар талабанинг билиш фаоллигини оширади ва аксинча ёмон тузилган тестлар укиш жараёнига салбий таъсир курсатиши ҳам мумкин.

Ўзини текшириш учун савол ва топшириқлар

1. Билимни текшириш ва баҳолашнинг моҳиятини нимада?

2. Текшириш ва баҳолаш ёрдамида қандай ишлар амалга оширилади?

3. Текшириш ва баҳолашнинг таълимий ва таълим бериш вазифаси нимадан иборат?

4. Текшириш ва баҳолашнинг тарбиявий вазифаси нимадан иборат?

5. Таълим натижаларини текшириш ва баҳолашнинг шакли ва усулларини айтинг ва тушунтириб беринг.

6-Мавзу: Талабаларнинг ўқув- илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш

Режа:

- 1. Талабалар мустақил ишларини ташкил этиш.**
- 2. Курс ишлари ва уларни ёзиш тартиби**
- 3. Битирув малакавий ишлар ва уларни ёзиш тартиби.**

1. ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Педагогика ўз мазмун моҳиятини бойитишда, янгилашда мавжуд педагогик ходиса ва жараёнларни унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ келадиган усуллари билан ўрганади. Ушбу илмнинг

илмий-тадқиқот усуллари деганда ёш авлодни тарбиялаш, билимли қилиш ва ўқитишнинг реал жараёнларга хос бўлган ички алоқа ва муносабатларни текшириш, билиш йўллари, услублари ва воситалари мажмуи тушунилади. илмий-тадқиқот усуллари канчалик тугри танланса, таълим-тарбия мазмунини янгилаш ва такомиллаштириш шу даражада юксалади.

Маълумки, ўқитишнинг асосий шакллари – маъруза, семинар, амалий машғулотлар, лаборатория ишлари, маслаҳат дарси аудиторияда ўтказилади. Уларни ташкил этиш мавзулар мураккаблиги даражасига, бериладиган ахборот миқдорига кўра аввалдан ре-жалаштирилади, ўқув соатлари ажратилади. Ишлаб чиқариш амалиёти аудиториядан ташқарида ўтказилсада, унга ҳам аввалдан соатлар белгиланади.

Билим олиш, махсус малакага эга бўлиш талабалар дунёқа-рашини шакллантиришда аудиторияда ўтиладиган дарслардан ташқари улар томонидан бажариладиган мустақил ишлар ҳам катта роль ўйнайди.

Мустақил иш фаолиятида билимларни эгаллаш билан бирга, кўникмаларни шакллантириш ҳам мустақил амалга оширилади.

Борган сари ортиб борадиган мустақил тайёрланиш вақтини самарали бўлишини таъминлашда икки нарсага эътибор қаратиш керак:

А) мустақил иш - ўқишнинг, ақлий меҳнатнинг алоҳида тури.

Б) ахборотнинг асосий қисмини талаба мустақил равишда олади. Айниқса, интернетнинг кириб келиши билан унинг доираси янада кенгайди.

Таълим беришнинг анъанавий усуллари орқали ўқувчиларни мустақил фикрлаш, фаолликка ўргатиш қийин. Анъанавий таъ-лимда тушунтириш, сўраш, мустақамлаш, баҳолаш тартибига амал қилинади.

Бугунги кунда қуйидагилар анъанавий таълимнинг камчилик-лари сифатида эътироф этилмоқда:

✓ таълим жараёнида ўқитувчининг кўпроқ фаоллик кўрсати-ши, фақат тушунтириш, буйруқ бериш, ўз сўзини ўтказишга ҳара-кат қилиши;

✓ таълим жараёнида ўқувчиларга асосан назарий билим (маъ-лумотлар) берилиши;

✓ таълимда мажбурийлик, насихатгўйлик, қаттиққўллик, авто-ритаризм тамойилларига амал қилиш;

✓ ўқувчиларнинг фаоллик кўрсатмаслиги, фақат ўқитувчининг маърузасини тинглаши ва топшириқларни бажариши, уларнинг мустақил фикр юритишга, ташаббускорликка ўргатилмаслиги;

✓ таълимнинг ўртача даражада билим олувчи ўқувчилар учун мўлжалланганлиги.

Бугунги кунда таълим тизимида ўқитишнинг интерфаол усул-лари кенг қўлланилмоқда. Бу усуллар ўқувчиларда мустақил таъ-лим олиш малакасини шакллантиришни тақозо этади. Ўқитиш-нинг интерфаол усуллари афзалликларини қуйидагиларда кўриш мумкин:

✓ ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида тенг ҳамкорлик ўрнатилади;

✓ дарс жараёнида ўқитувчи ва ўқувчининг ички мотивацияси-га таянилади: мажбурлаб ўқитилмайди, ўқувчиталабалар табақа-лаштирилиб ўқитилади;

✓ таълим беришда ўқувчи-талабаларнинг ақлий ривожлан-ганлик даражаси, қобилияти эътиборга олинади;

✓ ўқувчи-талабалар кўпроқ мустақил таълим оладилар;

✓ таълим жараёнининг объекти ўқитувчи эмас, ўқувчи ҳисоб-ланади;

Таълим жараёнига янги педагогик технологияларни, ўқитиш-нинг интерфаол усулларини қўллаш ўқитувчининг ижодкорлик маҳоратини, қолаверса, масъулиятини янада оширади. Бундан келиб чиқадики, янги педагогик технологиянинг мақсади ўқитиш эмас, балки уларни мустақил ўқишга ўргатишдир. Демак, таълим жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш ўқув-чиларда мустақил таълим олиш малакасини шакллантиришда, му-ҳим омил ҳисобланади.

Талаба мустақил ишлаш кўникмасини эгалламаса, замон талаби даражасидаги мутахассис бўлиб етиша олмайди, чунки талабанинг ўқиш йиллари давомида олган билимларининг кўп қисми у фаолият бошлагунга қадар эскиради, кўпгина билимлар эса унутилади. Билимнинг эскириши тез, ахборот оқими ниҳоятда катта бўлган ҳозирги даврда мустақил ўқишга, ўз устида тинмай ишлаш, изланишга ўрганиш ҳар бир мутахассис учун ниҳоятда зарур.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури «Таълим тўғрисида» қонун қабул қилишдан мақсад, рақобатбардош мутахассис ва талабга жавоб берадиган, юксак даражадаги касбий маҳоратга эга бўлган мутахассис тайёрлашдир. Бу мақсадни амалга оширишда тала-баларни ўқув-тарбиявий, илмий фаолияти, мустақил ишлаш вақт бюджети, тадқиқот объекти алоҳида аҳамиятга эга.

Таълимнинг рейтинг тизими, айниқса, ўқиш жараёнига кириб келаётган янгиликлар, ахборот ҳажмининг катталиги талабалардан мустақил ишлаш ва вақтдан тўғри фойдаланишни, уни тежаш заруриятини келтириб чиқаради.

Билим олиш, махсус малакага эга бўлиш, талабаларни дунё-қарашини шакллантиришда аудиторияда ўтиладиган дарслардан ташқари талабалар томонидан бажариладиган мустақил ишлар ҳам катта роль ўйнайди. Демак, талабаларнинг ўз устиларида мустақил ишлашларини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Талабаларнинг мустақил ишини ташкил этишнинг асосий ва биринчи тамойили унинг систематик тарзда, яъни доимий, узлук-сиз равишда амалга оширишдир. Маълумки, ўқув жараёнини таш-кил этишда қатъий кетма-кетлик, узвийликни мунтазам олиб бо-риш талаб қилинади. Талаба аудиторияда олган билимини мустаҳ-камлаш, шу билан бирга навбатдаги янги мавзунини пухта ўзлаш-тириш учун ҳар куни мустақил равишда тайёргарлик кўриши ке-рак.

Бугунги ўтиладиган мавзунини яхши тушуниши ва ўзлаштириши учун ўтилганларни ўз қобилияти ва олган билими даражасини янада чуқурлаштиришга интилиши, мустақил такрорлаши, ўрга-ниши зарур. Чунки маърузада талабага йўлланма берилади. Дарс давомида мавзуга тегишли барча

асосий саволларни муҳокама қилиб бўлмайди. Унинг иложи йўқ, маърузада ўтилган, муҳокама қилинган масалаларни психологларнинг тадқиқоти натижаларига кўра, атиги 5 фоизи талабалар ёдида қолар экан. Ўзи ўқиб ўргангани, ўрганганларини бошқаларга ўргатиши эса бир неча баравар кўп ёдида қолар экан. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, талабанинг ўзини мустақил тайёрланиб ўқиши фанни ўрганишда, уни асосий мазмунини тушуниш ва ўзлаштиришида, таҳлил қили-ши, ўз фикрини ифодалашда муҳим роль ўйнайди.

Талабанинг мустақил ишидан мақсад ўқитувчининг раҳбарлиги ва назорати асосида муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришдир. Талабанинг мустақил иши вазифалари қуйидагилардан иборат бўлади:

- янги билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;

- керакли маълумотларни излаб топиш, уларнинг қулай усуллари ва воситаларини аниқлаш;

- ахборот манбаларидан самарали фойдаланиш;

- анъанавий ўқув ва илмий адабиётлар, меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш;

- электрон ўқув адабиётлар ва маълумотлар банки билан ишлаш;

- интернет тармоғидан самарали фойдаланиш;

- берилган топшириқни мунтазам ва меъёрида бажариш;

- маълумотлар базасини таҳлил этиш;

- топшириқларни бажаришга тизимли ва ижодий ёндашиш;

- натижаларни муҳокамага тайёрлаш ва кўрсатилган камчиликларни қайта ишлаш.

- ишлаб чиқилган ечим, лойиҳа ёки ғояни асослаш, мутахассислар жамоасида ҳимоя қилиш ва бошқалар.

Мустақилишнинг ташкил қилишнинг шакллари, хусусиятлари ва таъминоти

Талабаларнинг мустақилишнинг ташкил қилиш шакллари турлича бўлиб, уларни бир қисми ўқув режасида кўздатиш мумкин. Уни ҳар бир талаба бажариши шарт. Иккинчи қисми ихтиёрий, яъни талабалар ўз хоҳиши билан мустақил бажаришлари мумкин.

Мустақилишнинг ташкил этишнинг муҳим хусусияти - унинг талабанинг ўз ташкил қилади. Шунинг учун уни режалаштириш, вақтини рационал тақсимлашда талабага ёрдам лозим.

Мустақил ишни бажариш учун талаба ўзини-ўзи мажбур қилиши керак. Бунда ҳам субъектив омил асосий ўринда туради. Талабаларни мустақил

ишини ташкил этишда ўқишни бошқа шаклларига ўхшаб, умумий принциплар мавжуд. Мустақил ишни шу принциплар асосида ташкил қилиш керак. Мустақил ишни ташкил этишда оддий элементар принципларни ўзлаштириш би-ринчи даражали аҳамиятга эга ва ана шу мураккаб жараёни тўла-лигича камраб олади.

Ҳар бир талаба мустақил ишни ташкил этишни нимадан бошлаши керак? Унга қандай мақсад қўйилади? Иш қанча давом этади? Уни бажаришда қандай усуллардан фойдаланилишини аниқ кўз олдига келтира олишлари керак. Яна шуни ёддан чиқармаслик керакки, мустақил ишларни ташкил қилиш қоидалари ишлаб чиқилди дегани, бу ишни ташкил этилди дегани эмас. Мустақил ишни қандай бажаришни ҳар бир талабанинг ўзи ташкил этади. Муваффақиятга эришиш учун талабанинг ўзи сабр-тоқат билан, машаққатлардан кўркмай ўз устида ишлаши керак. Буни эса тала-банинг ўзи режалаштиради ва амалга оширади.

1. Мустақил ишни бажаришни ташкил қилишнинг асосий принципи унинг мунтазамлигидир. Ҳар бир талаба индивидуал та-рзда вақтини фанлар бўйича табақалаштирган ҳолда режалаш-тириши керак. Ундан келиб чиқиб, талаба ўз ҳафталик режасини кунлар бўйича тузади. Мустақил ишларни режалаштириш юзаки қараганда талабага ҳеч нарса бермаётгандай, ҳеч қанақа ёрдами йўқдай туюлади. Лекин тажриба шуни кўрсатадики, аълочи талабалар ўз вақтларини аниқ режалаштирадилар ва уни бажариш-га ҳаракат қиладилар.

Ўзлаштириш бўйича факультет муваффақиятини ҳам талабаларнинг ўз вақтларини тўғри режалаштириши, уни бажа-риши билан боғлаш мумкин.

2. Мустақил ишларни бажариш муддати жиҳатидан хоҳлаганча давом этиши мумкин эмас. Тажриба шуни кўрсатадики, 17-25 ёш даражасида меҳнатни рационал ташкил этганда бир суткада 9 соат унумли ишлаш мумкин экан. Ҳаддан ташқари узок ўтирадиган бўлса, меҳнат унуми пасаяди, одам чарчайди, кейинги кунлари чарчоғи ёзилиши қийин бўлгани сабабли, аввалгидай ишлай олмайди.

Шунинг учун мустақил ишни режалаштирганда аудиторияда ўтказган вақтини ҳисобга олиши керак. Агар, аудиторияда дарс соатлари 6 соат бўладиган бўлса, мустақил ишлаш 3 соат, аудиторияда дарс ундан кам бўлса 3 соатдан кўпроқ, агарда кўп бўлса камроқ тарзда режалаштириш керак.

Шундай қилиб, ҳафталик мустақил иш бажариш вақти 22-24 соат атрофида бўлади. Албатта, бу вақт талабани нормал тарзда диққат-эътибор, ғайрат қилиб ишлашини мўлжаллаган ҳолда белгиланади. Лекин реал ҳаётда собит талаба ўзини зўрлаб дарс тайёрласа, иккинчиси қизиқиб, предметни ўрганишга илҳом билан киришиб кетади. Учинчиси эса, умуман дарс тайёрлагиси келмайди.

Бунга қатор объектив ва субъектив сабабларни келтириш мумкин.

Мустақил ишни ташкил қилишда иш тартибини белгилаш катта аҳамиятга эга. Мустақил ишларни бажариш учун вақтни семестр давомида кунлар бўйича тақсимлаш, уни рационал ташкил қилишнинг муҳим принципи, қоидаси ҳисобланади. Гоҳ умуман дарс тайёрламай, гоҳ ҳаддан ташқари шошиб, шиддат билан, айниқса семестр якунига, оралик назорат якунига яқин қолдирган, бажармаган ишларни тезда бажаришга ҳаракат қилиш ижобий

натижа бериши қийин. Бу талабанинг меҳнати самарадорлигини, қилган ишидан қониқиш ҳиссини пасайтиради. Одатда талабанинг кун тартибини дарс жадвали белгилайди. Лекин кўп нарса талаба-нинг ўзига ҳам боғлиқ. Масалан доклад, реферат, назорат иши, се-минар дарсига тайёрланишга ҳар ҳафтада маълум вақт ажратилиб, мунтазам равишда олиб борилмаса, кутилган натижа бермайди.

Реферат ёки доклад ёзиш керак бўлса, уни орқага сурмай тезда киришиш керак. Бунда ўқитувчи талабага, айниқса, биринчи курс талабаларига реферат нима, доклад нима, уни қандай ёзиш, қандай тарзда адабиёт танлаш кераклигини тушунтириши зарур.

Талабаларга иқтисодий фанлардан дастур ва семинар дарслари режасида кўрсатилган адабиётларни таклиф қилиш мумкин. Бундан ташқари, ҳозирги пайтда чоп қилинаётган китобларнинг кўпчилигида фойдаланилган адабиётлар рўйхати мавжуд. Ана шу рўйхатдан фойдаланиб, зарур адабиётларни кутубхонада, ўқув залида бўлса, олиб ўқиш мумкин. Ундан ташқари республикамизда чоп этилаётган «Бозор, пул, кредит», «Иқтисодий ахборотнома», «Жамият ва бошқарув», «Солиқ тўловчининг журнали», «Касб-ҳунар таълими» каби қатор журнал, ҳамда «Мулкдор», «Банк ах-боротномаси», «Ҳамкор» ва бошқа газеталарни кўрсатиш мумкин.

Мустақил ишлаш қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Дарс ўтилгандан сўнг бажариладиган ишлар, уй вазифа-ларини бажаришда дарслик, ўқув қўлланмалари билан ишлаш, конспект тайёрлаш.

2. Типик топшириқларни ечиш. Бунда талаба аввалги билимларини хотирасида қайта тиклайди ва қисман қайта ўзгартириб, аниқ топшириқларда қўллайди. Масалан: маса-ла, машқ ечиш;

3. Ўрганилган билимларни типик бўлмаган шароитда қўллаш. Талаба ўрганган билимларидан янги шароитда фойдаланади. Ша-роитларда маълум умумийлик бўлиши мумкин.

4. Ижодий фаолиятга асос яратиш. Бунда талаба ўрганилаётган соҳанинг моҳиятига тушунади, унинг янги муносабат, боғла-нишларини аниқлайди, ғоялар ва тушунчаларни янги шароитга боғлайди.

Барча мустақил ишлар талабаларда ижодий ишлаш кўник-масини ҳосил қилишга қаратилган. Талаба ижодий ишлашга ўрга-тилмаса, у маълум мавзуга оид материалларни турли манбалардан кўчириб келиш билан кифояланиб қолиши ҳамда ўзи мустақил фикр билдиришга қийналиши мумкин¹.

Мустақил ишларни индивидуал – дидактик мақсадларни амал-га ошириш нуқтаи назаридан ҳам 4 гуруҳга ажратиш мумкин:

1) Билимларни дастлабки шаклланишига, идрок қилишга ун-дайдиган вазифалар. Бунда ўқувчи-талабалар мақсадга эришиши учун нима талаб қилинишини билиши лозим. Вазифалар – ахбо-ротларни, маълумотларни ўзлаштиришга қаратилган бўлади.

2) Ўзлаштиришга ахборот, маълумотларни хотирада сақлаш ва қайта жонлантириш ва қайта ишлашга қаратилган топшириқлар. Бунда аввал

¹ Рочинский В.М. "Азбука педагогического труда" М: 1990 стр 33.

эгалланган билимларни тўғри жалб қилиш, фаол-лаштириш асосида бажариладиган ҳамда аниқ шароитда татбиқ этиш талаб қилинадиган вазифалар берилади.

3) Аввал ўзлаштирилган, қолипга тушган, тажриба тўпланиши натижасидаги билим, малака, кўникмаларга янгича нуқтаи назардан ёндашишни талаб қилувчи топшириқлар. Уларда масаланинг моҳиятини излаш, янгича ечимлар топиш, янгича ғоя, фикрлар билан ифодаланишни талаб этиладиган вазифалар берилади.

4) Ижодий фаолиятга ундовчи топшириқлар.

Бунда, янги ёки олдиндан маълум бўлсада, унғача бошқача нуқтаи назардан қаралган ғоя, фикрларни тадқиқ қилиш, яъни ахборотлар тўплаш, улар устида ишлаш, ўз фикрини билдиришга ундайдиган топшириқлар, вазифалар берилади.

Мустақил ишларнинг ажралмас қисми бу мустақил таҳсилдир. Ўқувчи, талабаларнинг мустақил таҳсили уларни ўз билимларини кенгайтириш, чуқурлаштириш, мавжуд малака ва кўникмаларни такомиллаштириш ҳамда уларнинг янгиларини ўзлаштиришга бўлган интилишидир.

Мустақилтаҳсилнингасосиймақсадиталабаларнишахсийвакасбийсифатлари нишакллантиришдаўзустидаишлашустун-лигидир.

Мустақилтаҳсилнингасосийметоди адабиётларустидаиндивидуалишлашдир.

Буметодахборотлароқимидаэнгзарурахборотни топиш, унғабаҳо бериш, ушбуахборотданўзинингкасбийфаолиятидафойдаланишмалакасинишакллантирадир.

Талабалар мустақил ишини ташкил этишда муайян фан (курс) нинг хусусиятларини, шунингдек, ҳар бир талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

• айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;

• Президент асарлари ва иқтисодий масалаларни тадқиқ қилишга бағишланган илмий адабиётларни конспект қилиш;

• семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;

• берилган мавзулар бўйича реферат, ахборот тайёрлаш;

• ўрганилаётган фаннинг энг долзарб муаммоларини қамраб олувчи рефератлар ёзиш;

• лаборатория ишларини бажаришга тайёргарлик кўриш;

• ҳисоб, график ишларини бажариш;

• назарий билимларини амалиётда қўллаш;

• амалиётдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш;

• макет, модел ва намуналар яратиш;

• илмий мақола, анжуманга докладлар, маъруза тезис-ларини тайёрлаш;

• ижтимоий, иқтисодий сиёсий мавзуларда бўлиб ўтадиган илмий, амалий конференция, семинар машғулотлар ва давра суҳбатларига тайёргарлик кўриш ва уларда қатнашиш;

- турли жамғармалар томонидан ташкил қилинган тан-ловларда иштирок этиш;

- ўрганилаётган фан бўйича мавжуд асосий илмий ада-биётларга аннотация ёзиш ва бошқалар.

Мустақил ишлар таркибида талабалардан алоҳида диққат-эътибор билан ишлашни талаб қиладиган мустақил иш ўргани-лаётган фандан курс иши ҳамда битирув малакавий иши ёзиш ҳам бор.

Ўқитиладиган фаннинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, мустақил ишни ташкил этишда бошқа шакллардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Мустақил бажариладиган ишлардан бири иқтисодий масалаларга бағишланган илмий адабиётларни ёки ўқув адабиётларини конспект қилишдир. Конспект қилиш - талабани фанни ўзлаш-тириши учун катта ёрдам беради. Лекин талабалар конспект қилишни тўғридан – тўғри кўчириш деб тушунмасликлари керак.

Берилган топшириқни бажариш ўқишдан бошланади. Ўқиш бу ҳали ўзлаштириш эмас. Ўқиш, ўқилган матнни англаш керак. Тушуниш, ўзлаштириш учун кўшимча равишда ақлни ишлатиш талаб қилинади. Ўзлаштириш бу ёдда сақлаш дегани эмас, албатта у ўзлаштиришга ёрдам беради. Бошқача айтганда, ўқиш бу ўқиш эмас. Тушуниш бошқа, тушунгани ўзлаштирилганини ёдда сақлаш эса яна бошқа нарса. Ҳаммаси ҳам ақлни ишлатишни талаб қилади. Ўқишга минимум вақт ва куч сарфлаб, ҳаракат қилиб, асосий диққатни тушунишга, тушунганини ёзишга, ёдда сақлашга ҳаракат қилиш керак. Сарфланадиган вақт, уни ўқишга қанча ва тушуниш учун ўйлашга қанча сарфланиши мавзуга, унинг мураккаблик даражасига боғлиқ.

Талабаларни иқтисодий фанларни ўрганишларида иқтисодий муаммоларга бағишланган энг яхши адабиётлар билан таниш-тириш, етакчи олимлар билан учрашувлар ташкил этиш муҳим рол ўйнайди. Ундан ташқари, илмий тўғарак ишини мунтазам ташкил этиш, талабаларнинг ижодий кунлари, илмий давралари, анжуманлари, конкурслари олимпиада ва кўргазмаларини вақти-вақти билан ўтказиб туриш шубҳасиз талабалар фаоллигини оширади. Уларни фанни ўрганишга рағбатлантиради.

Талабаларни мустақил равишда ижодий изланишга ўргатишда кафедра томонидан ташкил этилган илмий тўғараклар катта аҳамиятга эга. Бунда кафедра ўрганилаётган фан бўйича талаба-ларнинг қизиқиши, фандаги янгиликлар ўрганилиши, тадқиқ эти-лиши лозим бўлган муаммоларни илмий тўғаракларда муҳокама қилинишини кўзда тутиши керак. Талабалар тўғаракда тайёрлаган илмий докладларини тингловчилар ҳукмига ҳавола этар эканлар, тўғарак аъзолари ҳам уни муҳокамасида фаол иштирок этиш-ларини таъминлаш зарур. Тўғарак аъзоларини сони, муҳокама қи-линадиган масалалар, илмий докладлар миқдори, мавзуларнинг мазмуни ва бошқаларга кўра тўғарак раҳбари ой давомида илмий тўғараклар мажлиси ўтадиган кунларни белгилайди. Энг яхши баҳо берилган илмий докладлар талабаларнинг илмий конферен-цияларида қатнашишга тавсия этилади.

Ўтказиладиган конференцияни умумий мавзусини тасдиқлагач, докладларни мавзу йўналишига кўра гуруҳларга ажратган маъкул.

Ўтказиладиган талабаларнинг илмий конференциясида энг яхши деб топилган докладлар рағбатлантирилади, кейинги босқич-ларда катнашишга тавсия этилади

Талабалар вақтини тақсимлаш

Талабаларнинг мустақил ишларни бажариши бўш вақтни режалаштириш билан боғлиқ. Бунда дарсдан кейинги вақтни қандай ўтказишни режалаштириш муҳим роль ўйнайди.

Ақлий меҳнат қилиб чарчаганда кишининг мияси толиқади. Унинг психологиясига таъсир кўрсатади. Сурункали руҳан ва ақлан чарчаш жисмоний чарчашга қараганда кўпроқ соғлиқка салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун чарчаганда дам олиш керак. Ҳамма учун дам олиш тартиби бир хил бўлмайди. Бу ўз-ўзидан маълум. Ҳар бир талабанинг ўзи дам олиш ва ишлаш тартибини белгилайди. Лекин шунга қарамай ҳар бир талаба ёдида тутиш керак: аудиторияда дарс жадвали бўйича 6 соат ўқигач, маълум вақт мия дам олиши керак. Психология бўйича мутахассис - олимларнинг фикрича камида 3 соат бошқа юмушлар билан шуғулланиши, дам олиши, айниқса очик ҳавода сайр қилиши тавсия этилади. Дарс тайёрлаганда мустақил равишда адабиётлар билан ишлаганда ҳар бир ярим соатда 10-15 минут дам олиши маслаҳат берилади. Энг яхши дам олиш шакллари - бу ҳаракатга асосланган сайр қилиш, спорт билан шуғулланиш, уй юмушларини бажаришдир. Ҳатто радио эшитаётган чоғда ҳам тик туриб ҳаракат қилиш, чуқур нафас олиш, дам олиш пайтида ўрганилаётган предмет ҳақида ўйламаслик керак.

Кўзлаган ишни бажаргандан кейинги дам олиш, ишни бажармай дам олишга қараганда кўнгиллироқ бўлади. Буни ёддан чиқармаслик керак. Чунки одам бажарилиши зарур бўлган ишнинг ташвиш юкидан халос бўлади!

Талабанинг соғлом бўлиши, тўғри камол топиши, кўп жиҳатдан қатъий кун тартибига амал қилиши, гигиена маданиятига боғлиқ, қатъий кун тартибига амал қилиш инсонни ритм билан бир зайлда ишлашга одатлантиради.

Кун тартибига риоя қилмаслик ёки унинг бутунлай йўқлиги (вақтида овқатланмаслик, етарлича ухламаслик, дам олмаслик ақлий ва жисмоний меҳнатнинг бетартиблиги) – буларнинг ҳаммаси аъзои-баданни бўшаштиради, тананинг бутун хужайраларини, ху-сусан, бош мия хужайраларини ишлашини ёмонлаштиради.

Кун тартибини режалаштиришда уйғониш вақти, эрталабки гимнастика, аудиторияда ўқиш вақти, кунига 3-4 марта овқат-ланиш, очик ҳавода бўлиш, ақлий меҳнатни жисмоний меҳнат билан алмашилишини ҳисобга олиш зарур. Кундалик режим бир қолипда бўлмаслиги керак. Талаба кундалик фаолиятини режа-лаштираар экан, албатта мустақил ишлашни ҳам ҳисобга олиш за-рур.

Талабалар мустақил ишларининг самарадорлиги вақт бюд-жетидан оқилона фойдаланишига боғлиқ. Бунда талабалар вақтдан фойдаланиш тажрибаларини ўрганиши, улардан келиб чиқиб, вақ-тини тақсимлаши зарур.

Талаба - ёшларнинг мустақил мутолаа қилишлари учун замо-навий кутубхона, ўқув заллари, компьютер марказлари, халқаро илмий ахборот марказлари бўлиши катта аҳамиятга эга.

Талабалар мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш, «Та-лаба мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисидаги Низом» асосида олиб борилади. Мазкур Ни-зом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2005 йил 21 – февралдаги 34-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Талаба мус-тақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисидаги» Низомга асосан ишлаб чиқилган ҳамда кадрлар тай-ёрлаш сифатини назорат қилишда талабаларнинг мустақил иш-ларини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартибини бел-гилайди.

Талабанинг мустақил иши ўқув режасида муайян фанни ўз-лаштириш учун белгиланган ўқув ишларининг таркибий қисми бў-либ, у услубий ва ахборот ресурслари жиҳатидан таъминланади ҳамда бажарилиши рейтинг тизими талаблари асосида назорат қи-линади.

2. Курс иши ва уни ёзиш тартиби

Фанни мустақил ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга бўлган ўқув шаклларида бири курс ишидир.

Курс ишини ёзиш ва ҳимоя қилиш жараёнида талабалар иқтисодий фанларни янада чуқурроқ ўрганишади. Иқтисодий категориялар ва қонунлар моҳиятини тушуниш мураккаб назарий муаммоларни таҳлил этиш, уни амалиётда татбиқ қилиш ҳақида ўйлашга, фикр юритишга ундайди.

Курс ишининг фанни мустақил ўрганишдаги муҳим аҳамияти шундаки, талабалар адабиётлар билан ишлашни, маълумотлар тўплаш, уларни жадвал, диаграммаларда тасвирлаш, хулоса чиқариш ҳамда ўтилган масала юзасидан ўз фикрларини баён қилишга ўрганишади. Ана шу жараёнда талабалар ўзлари индуктив ва дедуктив услубларни қўллаб, алоҳида ҳодиса ва воқеалар асосида умумий хулоса чиқаришни ўрганадилар.

Курс иши талаба томонидан танланади. Унинг ҳажми 25-30бетга (стандарт ёзув қоғози бўйича) мўлжалланади. Бу мавзуни ҳар томонлама чуқур ўрганиб, ўз қобилиятини, фанни ўзлашти-ришдаги ҳаракатини, интилишини ифодалаш имконини беради.

Курс ишига кафедрадан илмий раҳбар тайинланади. У талаба-ларга курс ишини тайёрлашда зарур маслаҳатларни беради:

-курс иши мавзуси фақат дарслик доирасида эмас, балки кў-шимча адабиётлар, шу мавзу бўйича журнал, газеталардаги мақола-лардан фойдаланиб ёзилади;

-курс ишида илмий изланиш элементлари, назарий қоидалар, тажрибалар билан ёритилади;

-иш бўйича режа тузилади, режа таркиби: кириш, асосий қисм (ёритиш

керак бўлган масалалар), хулосадан иборат бўлади.

-курс иши расмий қабул қилинган шаклда бўлиши керак, яъни бирон бир муаллифнинг фикри келтирилса, жумлалар ўзгар-тирилмай, қандай бўлса шундай кўчирилади ва кўштирноқ ичига олинади, изоҳ берилади. У саҳифанинг энг тагига номерланган ҳолда берилиб, манба кўрсатилади. Унда ҳавола қилинган муал-лиф, асар ёки мақоланинг, нашриётнинг номлари, нашр қилинган йили берилади.

-матн мустақил ёзилади. Талаба курс иши ёзишда ўрганаётган адабиётлардан тўғридан-тўғри кўчирмай, аввал ўқиб чиқиб, тушу-ниб, бошқалари билан таққослаб, сўнгра ўзининг фикрини баён қилмоғи лозим.

Курс ишига қўйилган бош талаб - фанни чуқур ўрганишга эришиш, илмий изланишга ҳавас уйғотиш.

Курс ишида талабаларда мавзунинг ўрганишга ижодий ёндашиш, дастлабки илмий изланиш куртакларини ҳосил бўлишида курс иши раҳбари муҳим рол ўйнайди. Курс иши раҳбари асосий ва қўшимча адабиётларни танлаш, улар ичидан энг муҳимларини аж-ратиш, режа тузиш ва танланган мавзунинг тўла очиб бериш учун нималарга диққат қаратиш кераклиги ҳақида маслаҳат беради.

Курс ишининг хомаки нусхасини ёзаётганда талаба тушун-маган савол ёки маслаҳат учун раҳбарга мурожаат қилади. Мавзу бўйича айрим адабиётларни тўлиқ ўқиб чиқиш, зарур бўлса, ай-римларини мавзу бўйича у ёки бу боби ёки саҳифаларини ўқиш-га, ўрганишга тўғри келади.

Курс ишида қўйилган саволлар ўрганилаётган мавзунинг маз-мунини очиб бериши зарур. Саволлар кўп бўлмаслиги, мавзунинг мазмунини очиб бериши лозим. Режада қайси адабиётлар билан ишлаш кўрсатилади. Масалан, «Иқтисодий харажатлар, уларнинг таркиби ва турлари» мавзуси бўйича режа қуйидагича бўлиши мумкин:

Иқтисодий харажатлар, уларнинг таркиби ва турлари

Кириш

1. Иқтисодий харажатларнинг мазмуни.

2. Иқтисодий харажатларнинг таркиби ва уларга турли жиҳат-дан ёндашиши

3. Иқтисодий харажатларнинг турлари

4. Ишлаб чиқариш омилларининг нисбати ва харажатларни минималлаштириш муаммоси

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Ишнинг кириш қисмида танланган мавзунинг аҳамияти, фанни ўрганишда тутган ўрни, кўрилаётган масаланинг долзарблиги, ама-лиётдаги аҳамияти кўрсатилади.

«Кириш» қисмида танланган мавзу бўйича нима мақсад қўйилганини қисқача баён қилиши керак. «Хулоса» қисмида мавзу бўйича чиқарилаётган асосий хулосаларни аниқ ифодалаш керак. Улар қисқа, ишнинг мавзудан келиб чиқиши лозим.

Курс ишида кўтарилган масалалар бўйича, матндан келиб чи-қиб, билдирилган асосий хулосалар ишнинг кадр-қимматини оши-ради. Талабанинг мавзунини чуқур ўзлаштирганидан, яхши билимга эга эканлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида курс иши ёзишда талаба томонидан ўрганилган барча адабиётлар, журнал, газетада берилган мақолалар, монография, статистик тўплам ва бошқалар тўла равишда муаллифнинг исми-шарифи, асар ёки мақола ва бош-қаларнинг номи, нашриёт номи, нашр қилинган йили кўрсатилган бўлиши керак.

Курс иши ёзганда Республикамиз Олий мажлиси томонидан қабул қилинган қонунлар, меъёрий ҳужжатлардан, Президентимиз асарларидан фойдаланишга аҳамият бериш керак.

Талабадан курс ишида фанда янгилик ёки янги илмий қоида яратиш талаб этилмайди. Талаба саволларни ёритиш жараёнида илмий адабиётлардан тушуниб фойдаланишини, тўғри умумлаш-тириб, хулоса чиқара билишини, назарий қоидаларни тажриба, амалиёт билан боғлай олишини кўрсатиши керак.

Ана шу жараёнда талабанинг ишида илмий изланиш элементлари, курс ишини ёзишда мустақил иқтисодий фикрлай олиши намоён бўлади.

Ишда йўл қўйилган хатокамчиликларни фарқлаш керак. Хато бу - иқтисодий категорияларни ва қонунларни нотўғри тушуниш ёки яхши тушунмаслик сабабли келиб чиқади. Камчиликлар талабанинг иқтисодий категория ҳақида тушунчаси бор, лекин тўла эмаслиги, кўпинча муҳим назарий қоидаларни аҳамиятини етар-лича тушунмаслиги туфайли келиб чиқади. Шунинг учун ҳам талабага ўқитувчининг маслаҳати катта ёрдам беради.

«Касб таълими» бакалавриат йўналиши талабалари курс иши ёзишга алоҳида диққат қаратишлари лозим. Сабаби, улар курс ишини биринчидан, фанни ўрганаётган талаба сифатида, иккин-чидан эса келгусида ўқитувчи -курс иши раҳбари сифатида ба-жарадилар. Шунинг учун ҳам курс иши бажаришнинг барча талабаларига алоҳида диққат қаратишлари зарур. Барча иқтисодий йўналиш талабалари, жумладан бўлғуси иқтисодчи-педагоглар ҳам I курсда «Иқтисодиёт назарияси» фанидан, кейинги курсларда мутахассислик фанларидан, «Касб таълими» бакалавриат йўналиши талабалари эса II курсда «Педагогика» фанидан, IV курсда эса, «Махсус(иқтисодий) фанларни ўқитиш методикаси» фанидан курс иши ёзадилар.

Ўқув юртлирида кенг қўлланиладиган мустақил ишларнинг яна бир тури докладдир. Докладга: 1) мажлис аҳли учун мўлжалланган муайян мавзудаги ахборот, маъруза; 2) талабаларнинг мустақил иш тури; 3) илмий иш тури сифатида қараш мумкин.

Талабалар докладни мустақил иш тури сифатида семинар дарсларига тайёрлаб келишлари мумкин. Докладни адабиётларни ўрганиб, танланган мавзуга чуқур ёндашиб, ўз кузатишларини ҳам ишлата билган ҳолда тайёрлашлари керак.

Доклад тайёрлаш жараёнида талаба адабиётлар билан ишлаш, турли манбалардан олган материалларини умумлаштириш, ўз фикрини ёзма равишда ифодалашга ўрганади.

Реферат, доклад ёзиш учун талаба, аввало, фанни назарий жи-ҳатдан пухта ўзлаштириши керак. Танлаб олинган мавзунинг ёритиш учун кириш, 3-4 савол қўйилади ва хулоса берилади. Далиллар, статистик маълумотлар тўпланadi. Таҳлил қилинаётган масала бўйича мавжуд фикрлар, қарашлар баён қилинади. Талаба уларга ўз нуқтаи назарини билдиради.

Илмий доклад ҳақида тўхталадиган бўлсак, кўп жиҳатдан курс ишига қўйилган талаблар билан бир хил ва шу тартибда ёзилади. Фақат илмий доклад танланган мавзунинг курс ишига қараганда ҳам чуқурроқ ўрганиш, далиллар, статистик маълумотлар тўплаш, улар асосида зарур иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш, уларни таҳ-лил қилиш хулоса чиқариш ҳамда ўз таклифларини баён қилиш билан ажралиб туради. Бошқача айтганда, когнитив - яъни билиш-нинг энг юқори - баҳолаш даражасида фикр юритилади.

Иқтисодиёт назарияси барча мутахассисликлар бўйича ўрга-нилади. У олий маълумотли, малакали мутахассис тайёрлашда, ба-рчанинг иқтисодий психологиясини, дунёқарашини, фикрлашини шакллантирадиган предмет сифатида, айниқса бозор иқтисодиёти шароитида алоҳида аҳамиятга эга эканлигини ҳам ёдда тутиш керак. Бошқа иқтисодий фанлардан илмий доклад тайёрлаганда назарий билимларни амалиёт билан боғлашга, иқтисодиётнинг би-рон йўналиши бўйича, ундаги муаммоларни ўрганишни натижаси сифатида амалий тавсия, таклифлар берилиши керак.

«Махсус (иқтисодий) фанларни ўқитиш методикаси» фанидан доклад тайёрлаганда эса юқорида баён қилинганлардан ташқари самарали дарс ўтиш методларини танлаш, уларнинг янги вариант-ларини топиш ва қўллашга ҳам эътибор бериш лозим.

Илмий доклад ёзиш қаттиқ мантиқий изчилликни, сабр-тоқат, тиришқоқликни талаб қилади.

Талабаларнинг иқтисодий фанлардан мустақил ишини муҳим таркибий қисми сифатида **реферат** ёзиш борган сари кенг тадбиқ этилмоқда. Рефератни талабаларнинг илмий иш ёзиши, тадқиқот ўтказишини дастлабки шакли сифатида кўриш мумкин.

Реферат (лотинча refero- ахборот беряпман) — бирор илмий асар, ўқилган китоб, мақола кабилар мазмунининг қисқача ёзма ёки оғзаки баёни, ўрганилган илмий масаланинг натижаси ҳақи-даги ахборот, тегишли адабиёт ва бошқа манбалар обзорини ўз ичига олган маълум мавзудаги доклад.

Реферат одатда, илмий ахборот вазифасини ўтайди. Унда муайян мавзу билан биргаликда, тегишли илмий назариялар, хулоса-лар ёритилиши ва танқид қилиниши мумкин. Илмий тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртларида илмий докладлар сифатидаги рефератлар кенг тарқалган. Одатда талабаларнинг семинар машғу-лотларига тайёрлаб келадиган махсус ахборотлари ҳам реферат дейилади.

Реферат ёзиш билан талаба илмий адабиётлар билан ишлаш-ни, статистик маълумотлар ва бошқа материалларни тўплаш, улар-ни қайта ишлаш, яъни ҳисоб китоб қилиш, таҳлил қилиш, ўргани-лаётган ҳодисаларга танқидий кўз билан қарашни, баҳолашни, на-зарияни амалиёт билан боғлашни ўрганади.

Реферат мустақил ёзилиб, уни ёзиш қоидаларига амал қилинса, дарслик бўйича саволга тайёрланиб келиб, семинар дарсларда сўзга чиқишга қараганда катта фойда беради. Талаба рефератда билдирган ўз фикрини аудитория олдида ҳимоя қила олиши керак.

Реферат ёзиш формал бўлса кутилган натижани бермайди. Шунинг учун ўқитувчининг раҳбарлиги катта роль ўйнайди. Рефе-ратларга қай даражада талаб қўйилади, шунга кўра уни муваф-фақиятли қўллаш мумкин ёки аксинча.

Шундай қилиб, реферат, курс иши, илмий доклад, бир томон-дан, илмий ишларнинг якуни сифатида, ўз устида ишлашлари, из-ланишларига яқун ясаसा, иккинчи томондан, уларни янада янги ишларга рағбатлантиради, дунёқарашини ривожланиши, ўз фао-лиятини аниқ мақсадга йўналтиришга, янада чуқурроқ билим олиш, ўз устида ишлашга, иқтисодий фикрлаш, илмий изланишга, фикрини мантиқий изчилликда ҳам оғзаки, ҳам ёзма равишда баён қилишга ўргатади.

2. Битирув малакавий иши ва уни ёзиш тартиби

Бакалавриат йўналиши бўйича таълим олаётган талабаларнинг ўқув жараёни битирув малакавий иши ёзиш билан яқунланади.

Барча таълим йўналишдаги битирувчи курс талабалари якуний босқич жараёнида битирув малакавий иши ёзиб, «Битирув мала-кавий ишлари (БМИ) ҳимояси бўйича Якуний Давлат Аттестация (Я.Д.А.) комиссиялари»да ҳимоя қиладилар.

Битирув малакавий ишини бажаришда Ўзбекистон Рес-пубикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи би-лан тасдиқланган «Олий ўқув юртларида бакалавр битирув мала-кавий ишини бажаришга қўйиладиган талаблар»га риоя қилиниши керак.

Битирув малакавий ишни тайёрлаш талабаларда ўрганаётган муаммога иқтисодий ёндашиш, илмий-методик адабиётларни чуқур ўрганиш, ҳар тарафлама таҳлил қилиш кўникмаларини ривож-лантириш ўз фикрини аниқ, асосли мантиқий изчилликда баён қи-лиш, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хулосалар чиқариш ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишни ўрганишга йўналтирилган.

«Касб таълими» бакалавриат йўналиши талабалари мутахас-сислик - «Махсус (иқтисодий) фанларни ўқитиш методикаси» фани асосида битирув малакавий ишлари ёзадилар.

Битирув малакавий иш тадқиқот элементлари билан амалий масала муаммоларни ечиш, билим ва кўникмаларини кенгай-тиришга ҳамда ўқув юртини битиргач, ўқитувчи бўлиб ишлашга тайёргарликлари даражасини аниқлашга ёрдам беради.

Битирув малакавий ишларда қуйидаги **вазифалар** бажарилади:

- профессионал фаолиятнинг долзарб масалалари мустақил тадқиқ этилади;

- ўрганилаётган масала, ҳодисалардаги янги тенденциялар аниқланади;

- назарий билимлар мустақамланади ва ривожлантирилади;
- мураккаб масала, саволларни тадқиқот элементларини қўллаб, ечимини топишга ўрганилади;
- иқтисодий фанларни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда самарали дарс ўтиш методлари аниқланади;
- ўрганилаётган мавзу бўйича назарий ва амалий дарс ўтиш ўқув жараёнини ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади.

Касб таълими йўналишидаги талаба-ларга битирув малакавий ишларини ба-жариш анчагина мураккаб, қийин иш. Чунки улар ўтиладиган фан бўйича мавзунини чуқур билишлари, ҳар қандай саволга ҳозиржавоб бўлишлари, фандаги янгиликлар, унга эътибор бериладиган ва ҳали ўрганилиши, тадқиқ этилиши зарур бўлган масалалардан хабардор бўлишлари зарур. Ҳамда ана шу билимларни ўрганиш, қандай йўл билан, қайси методлар ёрдамида талабалар онгига етказиш, пухта ўзлаштиришларини таъминлаш йўллари ҳам ўрганишлари ва уларнинг барчасини битирув малакавий ишда акс эттиришлари лозим.

Битирув малакавий ишда талабанинг фанни назарий жиҳатдан қай даражасида ўзлаштиргани, назарий умумлаштириши, амалий хулосалар чиқариши, зарур ахборотни қидириш, танлаш, уларни қайта ишлаш ва маълум тартибга солиш, матнда ифодалашни уддасидан қай даражада чиққани акс этади.

Битирув малакавий ишга қўйиладиган асосий талаб - тадқиқот материали мазмунининг илмий жиҳатдан юқори даражада асосланганлиги, ишончлилиги, объективлилигини таъминлашдир.

Битирув малакавий ишга тайёргарлик тартиби

Талабаларга кафедра томонидан тасдиқланган битирув малакавий ишлар рўйхатида кўрсатилган мавзуларни эркин танлаш ҳуқуқи берилади. Баъзида талаба ўзининг вариантыни ҳам таклиф қилиши мумкин. Лекин у тасдиқловчи материалларга асосланган ва долзарб масала бўлиши керак.

Битирувчи талабалар иш мавзусини танлашларида кафедра то-монидан маслаҳат уюштирилади.

Битирув малакавий ишларни танлашда талабалар бажарган курс ишлари, илмий доклад мавзуларига яқин ёки улардан келиб чиққан ҳолда ёки келажакда ишламоқчи бўлган битирув олди амалиётини ўтадиган ўқув юртининг таклифи билан мавзу тан-лашлари, бошқача айтганда, бошлаган илмий ишларини давом эт-тиришлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Мавзулар ўқув режаси ва келгусида олиб бориладиган амалий фаолиятнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилади. Битирув малакавий ишни ёзиш учун танланган фаннинг асосий мазмунидан ва уни ўрганишдан қўйилган мақсадга мос бўлиши кўзда тутилади.

Танланган мавзунини расмийлаштириш учун талаба кафедра му-дири номига ариза ёзиши керак. Талабаларга раҳбар ва мавзуларни бириктириш III курсда,

ўқув йилининг охирида, узоғи билан IV курс янги ўқув йилининг бошида амалга оширилади.

Битирув малакавий ишлар мавзуларини илмий раҳбарларга би-риктириш институт ректорининг буйруғи билан расмийлаштири-лади.

Талаба мавзуни олгач:

1. Раҳбар билан муҳокама қилиб, уни қай даражада ўр-ганилгани, қандай тажрибалар мавжуд, зарур манбалар борми-йўқми аниқланиши, йўналтирувчи материаллар йиғилиши керак.

2. Ўрганилаётган мавзу бўйича адабиётлар танлаш, уларни таҳлил қилиш, зарур далиллар, статистик маълумотлар тўплаш улар билан танишиш, саралаш зарур.

3. Битирув малакавий ишнинг мақсади, вазифалари ва кон-цепциясини ишлаб чиқиб, уни раҳбар билан муҳокама қилиш.

4. Ишнинг дастлабки кенгайтирилган режасини тузиб, уни раҳбарга кўрсатиши зарур. Раҳбар билан муҳокама қилиб, ке-лишган ҳолда режани камчиликлари тузатилади.

5. Тўпланган материаллар умумлаштирилади, дастлабки матн тайёрланади.

6. Раҳбарга ишнинг мазмуни таништирилади, сўнгра у кўр-сатган камчиликлар устида ишланади.

7. Камчиликлар ҳисобга олинган ҳолда тайёрланган иш қайта раҳбарга кўрсатилади ва унинг розилиги билан оққа кўчирилади.

8. Битирув малакавий ишининг матнини қўйилган талаблар бўйича ёзиб, ҳимояга тахт қилинади.

9. Раҳбарнинг хулосаси ва ташқи тақриз олинади.

10. Иш кафедра томондан тузилган комиссияда дастлабки ҳимоя қилинади.

11. БМИ якуний давлат аттестация комиссиясида ҳимоя қилинади. Битирув малакавий ишининг асосий мазмунитанланган мавзуни тўла акс эттириши лозим. Битирув малакавий иши-нинг режаси мавзуни, унинг асосий саволлари яхлитлигини таъминлаши керак. Ишнинг таркиби кириш, ик-ки ёки уч боб, параграфлар, хулоса (хулоса ва таклифлар), фой-даланилган адабиётлар рўйхати, иловадан иборат бўлиб, асосий бўлим (боб)лар номи мавзунинг номини такрорламаслиги керак).

Режани қуйидагича тузиш мумкин:

«Акциз солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби» мавзусида дарс ўтиш методикаси.

Режа:

Кириш

I боб. «Акциз солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби» мав-зусида дарс ўтишнинг назарий масалалари.

1.1. Акциз солиғини солиқ тизимида тутган ўрни ва уни ўр-ганишнинг мақсади, вазифалари

1.2. Акциз солиғининг базасини аниқлаш ва тўлаш тартибини ўрганишнинг ўзига хос жиҳатлари

II боб. Мавзу бўйича дарс ўтишда интерактив методларни қўл-лаш.

2.1. Дарс ўтишда интерактив методларни қўллаш зарурияти.

2.2. Мавзуни ўрганишда қўлланиладиган асосий интерактив методлар.

III боб. Мавзу бўйича дарс ўтиш методларини танлаш ва уларни такомиллаштириш

3.1. Мавзу бўйича дарс ўтишнинг самарали методларини танлаш мезонлари

3.2. Дарс ўтишда интерактив методларни қўллашнинг муаммолари.

3.3. Мавзу бўйича дарс ўтиш методларини такомиллаштириш.

Хулоса ва таклифлар.

Адабиётлар рўйхати.

Иш камида олти параграфдан иборат бўлиши, мавзу икки ёки уч бобни қамраб олиши керак.

Битирув малакавий ишида иқтисодий ҳисоб-китоблар, жадвал, диаграмма, чизма, график ва бошқалар келтирилиши керак.

Битирув малакавий иши ҳажми турли жадвал, схема, график, адабиётлар рўйхатини ҳисобга олган ҳолда қўлёзма матни стандарт формада 70-75 бет бўлади.

Сарварақдан сўнг мундарижа келтирилади. Мундарижада ишнинг таркиби бўйича ҳар бир бўлим, параграфлар бетлари билан кўрсатилади.

Асосий бўлимлар мазмуни:

Кириш:

Киришда танланган мавзунинг аҳамияти, унинг долзарблиги, қисқача мазмунини ўрганилганлик даражаси, ишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти, эришилган натижалар ва унинг аҳамияти кўрсатилади. Мазкур мавзунинг моҳиятини кўрсатиш билан ўтказиладиган тадқиқотга қисқача характеристика берилди.

I боб. Бу бобда мавзу назарий жиҳатдан асосланиб берилди. Мавзуни ўрганишдан қўйиладиган мақсад, ўқувчи-талабалар мавзуни ўрганиш натижасида қандай кўникмаларга эга бўлиши керак? Қандай масала, муаммоларга диққат қилиш кераклиги назарий жиҳатдан асослаб берилди.

II боб. Бу қисмда мавзу талабаларга қандай ўтказилиши, унинг мазмунини англаб, пухта ўзлаштиришлари учун қандай методлар танлаш лозимлиги, методлар дарс бериш шаклларига кўра маъруза, амалий дарсда қандай қўлланиши масалалари тадқиқ этилади. Аввалги бобдан келиб чиқиб, ўрганилаётган мавзунинг қандай алоҳида томонлари бор, уларни қандай методлар, воситалар ёрдамида ўрганиш мумкинлигини асослаб берилди.

III бобда дарс ўтишнинг самарали методлари, воситаларини танлаш, уларни такомиллаштириш йўллари ёритилди. Бунда битирув олди амалиёти жараёнида турли методларни қўллаб, олинган натижалардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса.

Битирув малакавий ишнинг хулоса қисмида олиб борилган изланишга якун ясаб, ишнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда хулосалар чиқарилади, ҳамда фанни, мавзуни пухта ўзлаштиришни таъминлаш, ўқувчи-талабаларни мустақил фикрлаш, таққослаш, қарор қабул қилишга ўргатиш нуктаи назаридан

дарс бериш методларини, ўқув жараёнини ташкил этишни такомиллаштириш бўйича таклифлар берилади.

Махсус фанларни ўқитиш методикаси фанидан БМИ ёзиш, бошқа мутахассислик фанларидан ёзишга қараганда анча мураккаб, сабаби, **биринчидан**, талаба фанни, мавзунини чуқур билиши, янгиликлардан хабардор бўлиши; **иккинчидан** эса, ана шу мавзу саволларини дарс жараёнида талабалар онгига қандай ме-тодлар ёрдамида етказишни ҳам удаллаши ва уни битирув мала-кавий ишда ифодалашини зарур.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

Бу рўйхатда малакавий иш ёзиш жараёнида фойдаланилган барча адабиётлар ва бошқа манбалар санаб ўтилади.

Адабиётлар рўйхати ёзганда талабалар кўпинча унинг қандай тартибда жойлаштиришга, уни тўғри тўлдиришга қийналишади.

Фойдаланган адабиётлар рўйхатини тузишда уни бир неча шартли гуруҳга бўлган маъқул.

Ўзбекистон Республикасининг қонуний ҳужжатлари ва материаллари:

- Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қарор-лари;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва расмий ҳужжатлари;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари;
- Ўзбекистон Республикаси вазирликлари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари.

Махсус адабиётлар:

- * дарсликлар;
- * ўқув қўлланмалар;
- * илмий монографиялар;
- * докторлик, номзодлик диссертациялари;
- * илмий-амалий анжуманлар маърузалари тўпламлари;
- * газета ва журнал мақолалари;
- * статистик маълумотлар;
- * нашр этилган манбалар (статистик маълумотлар);
- * нашр этилмаган манбалар.

Интернет сайтлари.

Махсус адабиётлар: дарсликлар, ўқув қўлланмалари, олим-ларнинг асарлари, монографиялари, ва бошқа манбалар, жумладан, таржима қилинган адабиётлар, журнал ва газеталар мақолалари алфавит кетма-кетлигида берилади.

Муаллиф (ёки муаллифлар) исми-шарифлари, китоб, мақола номи, нашриёт номи, нашр қилинган йили кўрсатилади.

Қабул қилинган қоидага мувофиқ БМИ стандарт АИ форматли оқ қоғозгаёзилади. Матн қоғознинг чап томонидан 30 мм. юқоридан 20 мм., ўнгдан 10 мм., пастдан 25 мм. ташлаб ёзилади. Ҳар бир варақда 28 сатрдан кам бўлмаслиги лозим.

Боб ва параграф сарлавҳалари асосий матндан юқоридан 1 сатр бўш жой ташлаб ажратиб ёзилади. Агар улар матнни ўр-тасида бўлса, ёзилаётган параграф тугагач (юқоридан) 2 сатр бўш жой ташлаб матндан ажратиб ёзилади.

Саҳифалар, сарварақ (титул варағи), мундарижа (режа)дан сўнг, киришдан 3 бетдан бошлаб рақамланади (номерланади).

БМИда сатр боши (абзац)ни ажратиб кўрсатиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар бир сатр боши муаллифнинг янги фикр бошлаганини кўрсатади. У матнда доимо бир хилда 3 ёки 5 ҳарф ҳажм чапдан бўш жой ташлаб бошланиши керак.

БМИда муаллиф томонидан ўз фикрини, кўрилаётган масала-лани қонун-қоида ва бошқаларни ишончилигини тасдиқлаш мақсадида иқтибос(цитата) келтирилса, у албатта олинаётган манбадагидек бўлиши керак. Одатда, матнда иқтибос кўштирноқ ичига олинади. Ҳамма иқтибосларнинг манбаи келтирилади. Ман-балар саҳифанинг охирида, матн орасида ёки матн охирида ало-ҳида саҳифада кўрсатилиши мумкин. Одатда, саҳифа охирида ёки матн охирида алоҳида саҳифада кўрсатишдан фойдаланилади. Кўпроқ манба саҳифа охирида кўрсатилади.

Жадваллар, чизма, график, расм, ҳужжатлар, бухгалтерия ҳисобидан тўлдирилиши лозим бўлган шакл (форма)лар асосини матнда ҳам, иловада ҳам араб рақамлари билан ёзилади. Улар номланиши, манбаси кўрсатилиши зарур. Агарда у талаба томо-нидан тайёрланган бўлса, манбага муаллиф томонидан бажарилган деб ёзиши зарур.

Битирув малакавий иши мавзусининг режаси, мазмуни, мате-риални баён қилиш услуби, тили, иқтибосларнинг манбаини кўр-сатилиши, фойдаланилган адабиётлар ва иловаларни расмийлаш-тириш талабига жавоб берадиган бўлгач, раҳбар унга ўз хулоса-сини ёзиб беради. Агар талабга жавоб бермаса, камчиликларини тўғрилаш учун қайтарилади.

Битирув малакавий иши тайёр бўлгач, талаба хулоса ёзиш учун илмий раҳбарга беради. Илмий раҳбар унга хулоса (2-3 бет) ёзиб беради.

Илмий раҳбар хулосаси ишнинг расмий характеристикаси ҳи-собланади. Хулосада раҳбар асосий диққатни талабанинг ишида мавзу саволларини қанчалик чуқур ўрганилгани, қўйилган талаб-ларга жавоб бера олиши ва ҳимояга қўйилиши мумкинлигига қара-тиши керак.

Раҳбар ишнинг тайёрлигига амин бўлгач, иш китоб тарзида тикилади.

Иш ташқи тақризга берилади. Олинган тақриз ижобий бўлса, раҳбарнинг ёзма хулосаси билан биргаликда кафедра раҳбарига топширилади. У тақризни кўриб, ишни ҳимояга қўйиш ёки қўй-маслик масаласини ҳал қилади.

Битирув малакавий ишини ҳимояга қўйиш-қўймаслик тўғ-рисидаги масала талаба билан бирга кафедра йиғилишида кўриб чиқилади ва кафедра йиғилиши баённомасида тасдиқланади. Ўз вақтида битирув малакавий ишини тайёрламаган талабалар ҳимояга қўйилмайди. Дастлабки ҳимояни муваффақиятли ўтказган талабанинг иши Якуний Давлат Аттестация комиссиясининг йиғилишида умумий ҳимоя қилиш учун қўйилади.

Битирувчи талаба ҳимоя кунига қадар Якуний Давлат Ат-тестация комиссияси йиғилишига нима сабабдан айнан ана шу мавзунини танлагани, унинг долзарблиги, ишнинг қисқача мазмуни ҳақида 7-10 дақиқалик маъруза тайёрлайди. Битирув малакавий иш ҳимоясида тайёрланган жадваллар, чизмалар ва бошқалардан кенг фойдаланиш кўзда тутилади.

Маъруза жараёнида ишнинг мазмуни очиб берилади, натижа-лари кўрсатилади. Қўйилган саволларга жавоблар берилади.

Талаба БМИни ҳимоясини мультимедиа асосида тақдимот тай-ёрлаш тарзида ўтказиши ҳам мумкин.

Ҳимоя давомида комиссия раиси ва аъзолари битирув малакавий иш юзасидан, раҳбарнинг хулосаси ва тақризига оид савол-лар ҳам беришлари мумкин. Талаба уларга аниқ, пухта, ишончли жавоб беришга тайёр бўлиши лозим.

Талаба томонидан тайёрланган битирув малакавий иши Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазир-лигининг буйруғи билан тасдиқланган «Олий ўқув юртларида бака-лавр битирув малакавий ишини бажаришга қўйиладиган талаблар» асосида ишлаб чиқилиб, институт илмий кенгаши томонидан тасдиқланган, «Талабалар мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисидаги Низом»га кўра қуйидагича баҳоланади:

Битирувчи _____

БАҲОЛАШ КЎРСАТКИЧЛАРИ		
1.	Танланган мавзунинг долзарблиги, тузилган режанинг мазмунан тўлиқлиги, битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифаларини аниқ кўрсатилганлиги.	15 балл
2.	Режада берилган саволларнинг матнда акс этирилиши, битирув малакавий ишини талаб даражасида расмийлаштирилиши.	5 балл
3.	Мавзунини ёритишда, уни ўрганилганлик даражасини таҳлил қилишда, чет эл ва республикада нашр этилган адабиётлардан фойдаланиш даражаси.	10 балл
4.	Мавзу бўйича келтирилган жадвал маълумотларидаги кўрсаткичларнинг охириги йилларни қамраб олинганлиги,	15 балл

	тахлил қилиш бўйича иқтисодий усулларни билиши.*	
5.	Мавзу юзасидан республикамиздаги ва хорижий мамлакатлар тажрибасининг ўрганилганлик даражаси ва уни татбиқ этиш юзасидан берилаётган таклифлар.	15 балл
6.	Мавзу бўйича қилинган хулосалар, берилган таклифларнинг илмий ва амалий жиҳатдан асосланганлик даражаси.	10 балл
7.	Матнда, келтирилган манбаларнинг адабиётлар рўйхатига мослиги, улардан ўз ўрнида фойдаланилганлик даражаси.	10 балл
8.	Битирув малакавий иши мавзусини ёритиб беришда, уни химоя қилишда кўргазмали маълумотлардан, илғор ахборот ва педагогик технологиядан фойдаланиш даражаси.	10 балл
9.	Битирув малакавий иши чет тилида талаб даражасида бажарилиши ва химоя қилиниши.	10 балл
Жами		

* «Касб таълими» бакалавриат йўналиши талабалари дарс ўтиш методларини қай даражада билишлари ва мавзу бўйича қўллашни ақс эттирганликлари ҳисобга олинади

Талаба томонидан бажарилган битирув малакавий иши юқо-рида келтирилган мезонлар асосида баҳоланиб, қуйидагича таба-қалаштирилади:

55 баллгача – «қониқарсиз» баҳо;

56 баллдан – 70 баллгача «қониқарли» баҳо;

71 баллдан – 85 баллгача «яхши» баҳо;

86 баллдан – 100 баллгача «аъло» баҳо.

Битирув малакавий иш химоясининг натижаси Якуний Давлат Аттестация комиссияси томонидан эълон қилинади.

Асосий таянч тушунчалар ва атамалар

Мустақил ишлар, мустақил ишнинг мақсади, мустақил ишнинг вазибалари, мустақил ишни ташкил этиш принциплари, мустақил ишнинг шакллари, курс иши, илмий доклад, реферат, битирув малакавий иши

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Ўқув жараёнида мустақил ишларнинг тутган ўрни қандай?
2. Нима сабабдан мустақил таълимга алоҳида эътибор қара-тиляпти?
3. Мустақил таълимнинг асосий мақсади нима? У қандай вази-баларни бажаради?
4. Талабаларнинг мустақил ишини ташкил этишнинг қандай асосий принципларини биласиз?
5. Курс иши, илмий доклад, реферат ва бошқа мустақил иш-ларни бажариш, сизнингча, қандай аҳамиятга эга?

6. Талабалар вақтини самарали тақсимлаш деганда нимани ту-шунаси?

7. Битирув малакавий иши ва уни бажаришга қўйилган тала-бларни биласизми? Сиз уларни кўнгилдагидек бажара олишга ишончингиз комилми?